

Узб. 2  
49  
7-63

ЎЗБЕК ЎН ВЕСТУБЪ ПКАСИ  
ОЛИИ ВА СРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУГ БЕК НОМИДАГИ  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ



ЎЗБЕКИСТОНДАГИ  
БАЪЗИ ТОПОНИМЛАРНИНГ  
ЭТИМОЛОГИК ТАЛҚИНИ

TOSHDOTAU



0000003254

Тошкент - 2004

ЎЗБ. 2  
49  
7-63

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ТОЛИБ ЭНАЗАРОВ

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ БАЪЗИ  
ТОПОНИМЛАРНИНГ  
ЭТИМОЛОГИК ТАЛҚИНИ

(«Ўзбекистон топонимикаси» номли махсус курс  
учун материаллар)

ALISEER NAVOIY NOMIDAGI  
Тошкент 4094  
АХБОРОТ-RESURS MARKAZI

O'zbek filologiyasi  
fakulteti  
KUTUBXONASI

ТОШКЕНТ-2004

Мазкур китобда ўзбек ономастикасининг алоҳида соҳаларидан бири бўлган топонимларнинг этимологик тадқиқига эътибор қаратилган ҳамда мамлакатимиздаги бир қанча топонимларнинг этимологик таҳлили турлитуман далиллар воситасида асослаб кўрсатилди. Ҳақиқатан ҳам, этимологик таҳлил тилшуносликдаги энг қийин ва энг мураккаб таҳлил ҳисобланади. Этимологик тадқиқ масаласи сўзлар каби топонимлар тадқиқининг долзарб муаммоларидан бири эканлиги ушбу тадқиқотда асослаб берилган. Шунинг учун муаллиф ушбу ишда мамлакатимиздаги бир қанча топонимларнинг этимологик таҳлили устида фикр юритиб, уларнинг илк шакли ҳамда илк маъноси бўлиши этимони ҳақида маълумот берган.

Бу китоб ономастика масалалари билан шугулланувчи талабалар, тадқиқотчилар ва аспирантларга ҳамда кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

**Тақризчилар:** филология фанлари доктори  
Ҳ. Шамсиддинов.  
география фанлари номзоди,  
доцент Ф.Фуломов.  
проф. М. Миркосимова.  
филология фанлари номзоди  
Н. А. Қодирова.

**Масъул муҳаррир:** филология фанлари доктори,  
профессор Р. Сайфуллаева.

## СЎЗ БОШИ

Мамлакатимиз топонимларини ўрганиш қадим-қадим замонлардан бошланган бўлса ҳам, XX асрнинг 50-60-йилларидан бошлаб мукаммал равишда тадқиқ этиш амалга оширила бошланган. Бугунгача амалга оширилган ишлар тахлили жой номларининг этимологик тахлили зарурлигини кўрсатади. Ўзбекистон топонимияси бўйича ўндан ортиқ диссертациялар химоя қилинган, бир неча монографиялар ва жой номларининг изоҳли лугатлари нашр этилган. Бу ишларни амалга оширишга ўзбек номшуносларидан Х. Ҳасанов, Э. Бегматов, З. Дўсимов, Б. Ўринбоев, С. Қораев, Т. Нафасов, Н. Охунов, С. Наимов, Ё. Хўжамбердиев, Л. Каримова, Ж. Латипов, М. Рамазанова, Т. Раҳматов, Х. Холмуминов, Ш. Қодирова, А. Зокиров, А. Отажонова, А. Туроповлар сезиларли ҳисса қўшишди.

Топонимларни фақат тилшунослик ёки тарих, ёхуд географик жиҳатдан ўрганиш нотўғри. Сабаби, улар тилшунослик, тарих ва география фанларининг тадқиқ этиш объекти саналади. Демак, ҳар бир топонимнинг этимологик тахлилида тилшунослик, география ва тарих фанларига оид далиллардан жойи билан ўринли фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Мана шундай ҳолатда иш юритилгандагина жой номларининг этимологик тахлилини амалга ошириш мумкин бўлади.

Мамлакатимиз топонимиясининг туркий, арабий, эроний ҳамда бошқа қатламларида Ўзбекистон топонимлари тизимининг тарихий ривожини, узгариш ва бойиш тенденциялари, эскириш ва янгиланиш хусусиятлари, ижтимоий лисоний, сабаб ва асослари ўз ифодасини топган. Топонимлар қатлами Ватанимизда ўтмишда яшаган турли қавмлар, элатларнинг жойларни номлаш билан боғлиқ удумлари, анъаналари, ном ижод қилиш маҳорати ва санъати ҳақида маълумот берувчи қимматли лисоний манбадир. Топонимларда ўтмиш аجدодларимизнинг маданий-маънавий қарашлари, агроф-мухитга бўлган муносабатлари, она табиатга бўлган меҳр-муҳаббати, эъзозини мужассамлашган. Улар ҳар бир жойни ўзига хос ва мос равишда номлашга интилган. Жой номлари бетакрор маъноси, шаклан қисқа, лўндалиги билан ажралиб туради. Шу маънода топонимлар Ўзбекистон халқларининг қадим тарихини, аجدодларимизнинг тафаккур йўсинини, яшаш тарзини, ном бериш усулларини ўзида жамул-жамъ қилган маънавий мероси ва қадриятларининг узвий қисмидир. Шу сабабли президентимиз И. А. Каримов таъкидлаганидек, «Биз маънавий қадриятларни тиклашни миллий ўзлиқни англашнинг ўсишидан, халқнинг маънавий сарчашмаларига, унинг илдизларига қайтишдан иборат узвий, табиий жараён деб ҳисоблаймиз» (124,140-).

Тил ижтимоий ҳодиса сифатида ҳар бир халқнинг алоқа эҳтиёжи таъсирида юзага келар экан, ундаги номинатив бирликлар ҳам айни шу эҳтиёж таъсирида пайдо бўлади. Топонимлар ҳам номинатив бирликлар-

дан бири сифатида алоқа - заруриятга хизмат қилади. Шу билан биргаликда топонимлар бебаҳо тарих ҳам саналади. «Ким бўлишидан қатъий назар, жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз ўтмишини яхши билса, бундай одамларни йўлдан уриш, ҳар хил акидалар таъсирига олиш мумкин эмас. Тарих сабоқлари инсонни хушёрликка ўргатади, иродасини мустаҳкамлайди. Инсон учун тарихдан жудо бўлиш – ҳаётдан жудо бўлиш демакдир. Зотан, тарих – халқ маънавиятининг асосидир»(125,9-10-,21-)

Бундан ташқари, топонимларнинг тарих, шу жумладан, бошқа тил бирликларидан фарқ қиладиган кўшимча вазифаси ҳам борки, бу ҳақида махсус тўхталиб ўтиш жоиз. Унинг бу вазифаси одамларнинг макон ҳамда замонда қандай ҳаракат қилишини ҳам белгилайди. Чунки муайян ҳудудда жойлашган сон-саноксиз объектлар қуршовида инсоннинг адашмасдан у объектдан бу объектга бориши, объектлар орасидан ўзига зарур объектни топа олиши, маконда мавжуд бўлган турли хил географик муҳитларни бир-биридан фарқлаб олиши, объектларнинг бир-бирига нисбатан жойлашуви-дан хабардор бўлиши катта маърифий-маънавий аҳамиятга эга. Бунинг учун эса инсон аввало шу объектларни номлаши, уларнинг ахборот алма-шинувига яроқли номлар тизимини ҳам яратиши зарур.

Агар инсон топонимик объектларни эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда номлаб олмаса, мавжуд маконда қандай ҳаракат қилишини билмай, сон-саноксиз объектлар орасида унинг ўзи ҳам йўқолиб қолар эди. Ҳар қандай ҳодиса амалда сабаб ва оқибат каби боғланишлар билан уйғун тарзда юзага келади, жумладан, топонимлар ҳам. Худди шу маънода объектлар юзага келдими, демак, уни бошқа объектлардан фарқлайдиган белги-хусусиятлари асосида номлаш зарурияти сезилади. Топонимларнинг пайдо бўлиши ҳамда уларнинг этимологик тахлилини зарурият ва тасодиф каби фалсафий категориялар билан асосланиши керак бўлади. Мана шуларни эътиборга олиб, ушбу ишимизда ҳам бу ҳақида айрим фикрларни беришни лозим, деб биламиз. Сабаби, «Зарурият – ҳодиса ички элементларининг моҳияти билан боғлиқ, сабаби ва замини ўзида бўлган воқеалар ривожига жараёнида қонуний ва муқаррар тарзда рўй берадиган ҳодисадир. Тасодиф эса ривожланишнинг тадрижий жараёни билан боғлиқ бўлмаган, асоси ва келиб чиқиш сабаби мазкур ҳодисанинг ички моҳияти, муҳим томони билан эмас, балки ташқи жараён ва алоқа, омиллар билан белгиланалган ҳодисадир» (317.132-134-). Мана шуларни эътиборга олган ҳолда топонимларнинг этимологик тадқиқига зарурият ҳамда тасодиф нуқтаи назаридан баҳо берилса, мақсадга мувофиқ иш қилинган бўларди. Бунинг учун қуйидаги ҳолатларни ҳисобга олиш ўринлидир:

1. Мавжуд топонимик объектларни бир-биридан фарқлаш учун уларга ном бериш объектив ва ҳаётий эҳтиёж ҳисобланади. Акс ҳолда киши ўзига тегишли манзилларни топа олмасдан овораи сарсон бўлиб юрарди. Шунинг учун ҳам мамлакатимиздаги шаҳар, туман, кўча ва

маҳаллалар номлангани каби қишлоқ, сой, дарё, тепа қабиларнинг ҳам номланиши табиий ҳолдир.

2. Топонимик объектларга ном бериш учун луғавий асослардан бирининг танланиши эса тасодиф ҳисобланади. Демак, Ўзбекистон топонимлари тизимида туркийча (Оқтепа (Тош. ш. маҳалла), Қизилёзи (Нам. ш. Янгиқўрғон т. к.; «ёзи - чул, дашт, текислик»)), арабча (Улуғнор (Фар. ш. канал, дарё; «нор – арабча наҳрнинг ўзгарган шакли), форс-гожикча (Зарафшон (Сам. в. дарё; «зар сочувчи»)), Китоб (Қаш. в. т. ва ш. «кифти об – сув юқориси (211,98-)»)), сўғдийча (Новқат (Фар., Қаш. в. к.; «қат – шаҳар, қишлоқ»)), Хонжизза (Сур. в. Денов т. т.; «жиз, диз – қалъа, истеҳком (375,48-)» сўзларнинг топонимлар учун луғавий асослар вазифасини бажариши жараёни мавжуд топонимик объектларга ном бериш зарурият асосида юзага келган тасодиф саналади.

3. Вақт ўтиши билан топонимлар таркибидаги топоасос, топоформантларда товушларнинг ўзгариши ёки тушиши ҳолатидаги фонетик ўзгаришлар рўй беради<sup>1</sup>. Натижада, уларнинг маъноларини тушуниш, илғаш анча қийин бўлиб қолади. Бу эса топонимлар тизимида ўз-ўзидан иккинчи заруриятни юзага келтиради, яъни топонимларни этимологик тадқиқ қилиш учун объектив эҳтиёж юзага келади<sup>2</sup>. Сабаби, «Фақат баҳс, мунозара, таҳлил меваси бўлган хулосаларгина бизга тўғри йўл кўрсатиши мумкин» (125,6-). Ушбу ҳол эса фалсафада зарурият ва тасодифий ҳолатлар бир-бирини ҳам талаб, ҳам инкор қиладиган тизимий категориялар бўлгани каби топонимик объектларнинг номланиши, қўлланиши ва турли фонетик ўзгаришларга учраб, тушуниб бўлмайдиган шаклга келганлиги учун уларни этимологик таҳлил қилиниши бир бутун тизим тарзида эканлигини ифодалаб турибди. «Мақсад шуки, фанда бизнинг тарихий томирларимизни аниқлайдиган, миллий ғуруримизни юксалтирадиган янги йўналишлар пайдо бўлиши керак» (125,30-). Бу йўналишлардан бири топонимларнинг юза келиши ва этимологик тадқиқ қилишни ўрганадиган йўналишдир. Демак, топонимларнинг шаклланиши ва этимологик таҳлилини ҳам табиий, ҳам ижтимоий, ҳам маърифий эҳтиёжлар юзага келтиради.

Мазкур тадқиқот топонимларнинг этимологик таҳлилига бағишланганлиги билан уларнинг изоҳли луғатларидан фарқланади. Бугунгача яратилган жой номларининг изоҳли луғатлари заминида уларнинг этимологик луғатлари яратилади. Мана шу маънода тайёрланган «Ўзбекистондаги баъзи топонимларнинг этимологик талқини» мамлакатимиз жой номлари этимологик луғатининг бошланиши саналади.

<sup>1</sup> Топонимлар таркибидаги фонетик ўзгаришлар уларнинг этимологик таҳлилларида баён қилингани учун мазкур ўринда берилмади.

<sup>2</sup> Бунда топонимларнинг шаклланиши ва этимологик таҳлил қилиш эҳтиёжи ҳақида тўхталинган. Ишнинг кейинги саҳифаларида эса уларнинг этимологик таҳлилларидан намуналар берилди.

Бу ишда этимологик таҳлил қилинадиган топонимлардан сунг қавс ичида уларнинг қайси вилоят, туманларда учраши ва қандай объектлиги баён этилган. Ҳар бир топонимнинг этимологик таҳлилида ҳақиқатга яқинликни таъминлаш учун улар ҳақидаги тахмин ва фаразлар бирма-бир келтирилиб, тўғри фикр сифатида улардан биттаси танланиб, илмий ҳамда амалий далиллар билан асосланган. Уларнинг этимологик таҳлили охирида уларнинг илк шакли ва илк маъноси сифатида этимони қайд этилган.

Ушбу тадқиқот ўзбек лексикографиясидаги мавжуд тажрибаларга суянилган ҳолда, турли тиллар топонимиясига оид илмий тадқиқот ишларига асосланиб тузилди.

## МАЗКУР КИТОБДА ҚЎЛЛАНГАН ТЕРМИНЛАР

*Агрооним* – экинзор ерларнинг номлари. Экинларнинг тури кўп бўлгани каби агроонимларнинг ҳам миқдори кўп бўлиши табиий.

*Антропоним* – кишиларнинг исми, фамилияси, тахаллуси ва лақаблари ҳисобланади.

*Антропотопоним* – кишиларнинг исми, фамилияси, тахаллуси ва лақаблари асосида шаклланган топонимлар саналади.

*Антропотопонимия* – кишиларнинг исми, фамилияси, тахаллуси ва лақаблари асосида шаклланган топонимлар мажмуи.

*Апеллятив (луговий асос)* – объектнинг номланиши учун танланган ва топонимик маъно юкланган турдош сўз.

*Апеллятив лексика* – объектнинг номланиши учун танланган ва топонимик маънолар юкланган турдош сўзлар йиғиндиси.

*Биринчи номланиш қонуни* – апеллятив лексикадаги сўз, сўз бирикмаси ва қўшма сўзларнинг тўғридан-тўғри ономастик лексика таркибига ўтиши биринчи алмашинув қонуни ҳисобланади. Ушбу қонуннинг рамзий кўриниши тубандагичадир:

*Бирикмали топонимлар* – аниқловчи+аниқланмиш, тўлдирувчи+тўлдирилмиш, хол+ҳолланмиш ҳолатларида шаклланган жой номлари.

*Гибрид номлар* – маъноли қисмлари турли тиллардаги сўзлардан иборат бўлган топонимлар.

*Гидроним* – сув иншоотлари (дарё, арик, ҳовуз, сув омбори кабилар) нинг номи.

*Детопонимизация* – топонимларнинг оддий сўзларга айланиши.

*Дромоним* – йўл ва йўлакчаларнинг номлари.

*Зооним* – ҳайвон номлари.

*Зоотопоним* – ҳайвон номлари билан ясалган топонимлар.

*Иккинчи номланиш қонуни* – жой номлари кичик ҳамда катта объектларнинг номларини ифодалашига кўра икки гуруҳга бўлинади:

1) микротопонимлар – кичик топообъектларнинг номи. Шунга кўра улар кичик худудлардагина маълум ва машҳур бўлади. Бундай топонимларга маҳаллалар, гузарлар, жарликлар, булоқлар, кишлоклар, ариқлар каби алоҳида кичик топонимик объектларнинг номлари мисол бўлади;

2) макротопоним – катта худудда маълум бўлган топонимик объект номи. Шаҳар, туман, вилоят каби ҳажм кўлами катта бўлган объектларнинг номлари макротопонимлар жумласига киради. Мазкур жой номларига туман, вилоят, шаҳар ва шаҳар тип посёлкалар, тоғ ва чўллар киради.

Топонимларнинг бундай гуруҳланишига улар ифодалаган топонимик объектларнинг бошқа топонимик объектлар тизимидаги мавқеи, даражаси ҳамда ўзларига хос ҳамда мос бўлган таракқиёт босқичлари ўз ифодасини топган. Бу ҳолатни қуйидагича кўринишда қайд қилиш ўринли:

Луғавий асос(лар) > микротопоним > макротопоним (топоним).

Ушбу рамзий ифодадан кўрииб турибдики, макротопоним микротопонимдан, микротопонимлар эса кундалик турмушда кўп қўлланадиган апеллятив сўзлардан шаклланган.

*Индикатор* – халқ географик топотерминлари.

*Макротопоним* – ҳажман катта ва кўпчиликка маълум бўлган топонимлар.

*Макротопонимия* – ҳажман катта ва кўпчиликка маълум бўлган топонимларнинг йиғиндиси.

*Маъноли қисм (булак)* – тилшуносликда қўлланувчи морфемаларга тенг бўлиб, топоасос ва топоформантларни англатади.

*Микротопоним* – ҳажман кичик ҳамда кўпчиликка маълум бўлмаган топонимларнинг мажмуи.

*Микротопонимия* – ҳажман кичик ҳамда кўпчиликка маълум бўлмаган топонимларни ўрганиш соҳаси.

*Муқаддаслаштирилган жой номлари* – диний ва муқаддас, шунингдек, зиёратгоҳ жойларнинг номлари. Бундай номлар эътиборсизлик натижасида ҳисобга олинмаган. Мустақиллик шарофати туфайли ушбу топонимлар ҳам махсус ўрганилиши ҳамда тадқиқ этилиши зарурият бўлиб қолди.

*Номлаш меъёрлари* – жой номларини аташда зарур бўлган тамойиллар (қонуният ва қоидалар).

*Ойконим* – шаҳар, кишлок, гузар, маҳалла, овул каби аҳоли яшайдиган топообъектларнинг номлари.

*Ойконимия* – шаҳар, кишлок, гузар, маҳалла, овул каби аҳоли яшайдиган топообъектларнинг номлари йиғиндиси.

*Ономастика* – тилшуносликнинг атоқли отларни ўрганадиган бўлими. У ҳам бир неча қисмларга бўлинади: антропонимика, топонимика, космонимика, этнонимика ва бошқалар.

*Ономастик конверсия* – апеллятив ва ономастик лексика сатҳидаги



сўзларни топообъектларни номлаш эҳтиёжи туфайли топонимик лексика сатҳига кўчиши. Ономастик конверсия икки хил бўлади:

- 1) ички конверсия – атокли от(ономастик сўз)ларнинг топонимга кўчиши;
- 2) тапқи конверсия – турдош от(апеллятив сўз)ларнинг топонимга кўчиши.

*Ороним* – тоғ, тепа, текислик, адир, жар, қояларнинг, яъни ер юзи шакллариининг номлари.

*Оронимия* – тоғ, тепа, текислик, адир, жар, қоя қабиларкинг номлари мижмуи.

*Содда топонимлар* – топоасос ёхуд топоасос ва топоформантдан ташқил топган топонимлар.

*Сложноим* – гор ил унгулларнинг номи.

*Топонимик аниқлагич* – топонимларнинг белги-хусусиятларини аниқловчи.

*Топоним* – таънимноми шаклланиши учун хизмат килувчи жой(Т.М.)

*Топонимнинг* – объектларнинг номининг бўлган эҳтиёлларнинг мижмуи.

*Топонимнинг* – топонимлар ясалганлигинида катташадиган сўз(лар).

*Топоним* – қандадир аяратиб олинган объектнинг номи. Тадқиқотда таърифий қилиб топонимга бу сўзнин билан бирга жой номи ва таърифий оид илги аниқловчи қоя сўзлашадилар.

*Топонимлар* – таърифий қилиб қилинган аяратиб олинган объектлар таърифий таънимноми.

*Топонимнинг* – таънимноми – сўз ва сўзламчаларининг сўз сифатида бир жўзга қилинган шаклланиш, сўз жой номи вазифинин бажариши.

*Топонимнинг (таънимно) аяратилиши* – олдин сўз ясаилишидан фарк қилган жой жой номининг яна топоформант(лар) қабул қилиб, янги таънимноларнинг қилиниши учун ифодалайди.

*Топонимнинг* – ономастикнинг жой номларини ўрганиб, тадқиқ қилиш учун илги.

*Топонимнинг* – ўрганилаётган ҳудудга оид топонимларнинг жой номининг қўрилган харида.

*Топоформант* – топонимларнинг ясаилишида фаол қатнашадиган топо-ним жўзла формантлар.

*Топоформант* – топонимнинг шаклланишига оид экстралингвистик ва таърифий сўз билимлар йиғиндиси.

*Ўрганиш номланиш қонуни* – кундалик ҳаётда ишлатилаётган апеллятив сўзлардан антропоим, фитоним, этвонимлар ҳосил бўлиши ва уларнинг антропоим, фитотопоним, этнотопонимларга айланиши жараёни, жой номларига хос учинчи алмашинув қонунини ифодалайди. Демак,

мазкур қонун қуйидаги учта ономастик жараёнлар мазмунини бир бутун ҳолда ифодалайди:

1. *Луғавий асос(лар)* > *антропоним* > *антропоним*.

2. *Луғавий асос(лар)* > *бидийёт* > *фитотопоним*.

3. *Луғавий асос(лар)* > *этноним* > *этнотопоним*

*Фитоним* – ўсимлик номлари.

*Фитотопоним* – ўсимлик номлари асосида шаклланган жой номлари.

*Фитотопонимия* – ўсимлик номлари асосида шаклланган жой номлари мажмуи.

*Этимология* – тилшуносликнинг сўз ҳамда морфемаларнинг келиб чиқиши ва тарихини ўрганувчи бўлими.

*Этимологик тадқиқ* – сўз ва топонимларнинг келиб чиқиши ҳамда этимонларини кўрсатиб берадиган илмий тадқиқот.

*Этимологик талқин* – сўз ёки жой номларининг келиб чиқиши ва уларнинг этимонларини кўрсатиб берадиган этимологик таҳлиллар мажмуи.

*Этимологик таҳлил* – сўз ва топонимларнинг келиб чиқиши ҳамда этимонларини кўрсатиб берадиган таҳлил тури.

*Этимон* – сўз ёки топонимнинг илк шакли ва илк маъноси.

*Этноним* – уруғ-қabila ва элатларнинг номлари.

*Этнонимлашув* – апеллятив лексиқада қўлланувчи сўзларнинг этнонимга кўчиши.

*Этнонимия* – ономастиканинг уруғ-қabila ва элатларнинг номлари мажмуи.

*Этнотопоним* – уруғ-қabila ҳамда элатларнинг номлари асосида шаклланган топонимлар.

*Этнотопонимия* – ономастиканинг уруғ-қabila ва элатларнинг номлари асосида шаклланган топонимларни тадқиқ этувчи соҳаси.

*Этноформант* – этноним яшашда қўлланадиган формант.

## ЎЗБЕКИСТОНДАГИ БАЪЗИ ТОПОНИМЛАРНИНГ ЭТИМОЛОГИК ТАҲЛИЛИ

**Айритом** (Сам. в. Жомбой т. тепа; Қаш. в. Чирокчи т. қ.) – топоними учта маъноли булакдан шаклланган: *айир*, *-и*, *-том*. *Айир* сўзи *алоҳида*, *якка ажралган* деган маъноларини англатадиган сўз. У *том* сўзига қўшилганда белги маъносини ифодалайди. *Алоҳида бўл* маъносидagi *аз* феълига *-ыр* қўшимчасини қўшин билан *азыр // азри* сўзи ҳосил бўлган (84,15-;162,146-; 131,16-;270,115-).

Кейинчалик, *у* ундоши *й* ундошига алмашган: *з > й*. Бунда айир сўзига *и* қўшимчасини қўшин билан янги сўз ҳосил бўлган: *айир+и > айири > айри*. Сўнгра сўз куйидаги ҳолга келган: *аз+ыр > азыр > айир+и > айири > айри* (1261,22-23-). Бу ҳолди сўзга *и* қўшимчаси қўшилиши билан *р* қўшулган бодинги *и* ундоши тушиб қолган. *Том* сўзи *уй*, *ҳовли* маъноларини англатади.

Демак, *алоҳида* уй, ҳовли бор жой **Айритом** деб аталган. Унинг эти-мологий *айри том* кўринишидаги бирикма бўлиб, топонимлашув ҳодисаси туфайли у алоҳида сўзга айланиб, жой номини ифодалайдиган ҳолатга келган: *айри томи > айри том > Айритом*.

**Арғин** (Сам. в. Нарний т.; Таш. в. Зағнота ва Урта Чирчик т. қ.) – топонимик ҳақида бир неча фараз бор.

1. С. Корнев топонимни *арғин* деган туркий қабила номига боғлаб (160,28-29-), мўғулча дейди: «*Мазкур этноним мўғулча арғин (ўзаги - арғ) «булғарий» сўздан келиб чиққан*». Муаллиф фикрини далиллар билан асосламаган.

2. Жой номи икки маъноли қисмдан ташкил топган: *арғу*, *-н*. М. Кошгарий «Девону луғотит турк» асарида *арғу* сўзининг маъносини *икки тоғ орасидаги водий* деб изоҳлайди ва *арғу* қабиласи борлигини қайд этган (162,65-,94-,114-,148-,308-). Демак, икки тоғ орасидаги водийда яшовчилар *арғун* деб аталган: *арғу+н > арғун*. *Арғин* этноними *арғун* сўзининг фонетик ўзгаришга учраши туфайли ҳосил бўлган: *арғу+н > арғун > арғин*. Ҳосил бўлган сўз фонетик ўзгаришларга учраб, мана шу ҳолга келгани учун *арғун* сўзининг маъносини ўзида ифодалайди. Бу ерда *у > и* кўринишидаги фонетик ҳодиса рўй берган, *-н* қўшимчаси эса кўплик маъносини англатади (275,88-90-).

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, *арғу*, *арғун*, *арғин* сўзлари бир узакдан шаклланган сўзлар бўлиб, улар этнонимлашув туфайли қабила номига кўчган: *арғу+н > арғун > арғун // арғин*. Мазкур этноним *икки тоғ орасида яшовчилар* деган маънони англатади. Жойга ном қўйиш талаби туфайли этноним топонимга кўчган: *арғу+н > арғун > арғин > Арғин*. Унинг этимони *икки тоғ орасида яшовчилар* маъносидаги ясама сўз бўлган *арғун* сўзи. «Қадимги қабила ва халқлар келиб кетганлари» (269,15-) каби

аргинлар ҳам олдин яшашган. Бугунги кунда топонимлар сифатида уларнинг номи, демакки, тарихи ҳам сақланиб қолган. Демак, **Аргин** топоними топонимларнинг таркибини ўрганиш ва реконструкция усуллари, шунингдек, фонетик тамойил билан этимологик таҳлил этилди.

**Арнасой** (Жиз. в. туман) иккита маъноли қисмдан иборат: *арна, сой*. Топоним таркибидаги *арна* сўзи санскрит тилидаги *арнос* сўзидан олинган бўлиб, *сув, сув оқими* маъноларини ифодалайди (84,18-). Унда гидронимни ифодаловчи сўз икки марта қўлланган. Бунда биринчи сўзнинг маъноси хиралаши натижасида *сой* сўзи унга қўшилган: *арна+сой > арна сой*.

Ҳосил бўлган *арна сой* бирикмаси топонимлашув ҳодисаси натижасида ономастик лексика сатҳига ўтиб, топонимни ҳосил қилган: *арна+сой > арна сой > арнасой > Арнасой*.

Мазкур жой номининг этимони *арна сой* бирикмаси саналади. Бундай номланишга сабаб бу ерда деҳқончилик учун сув муаммосининг биринчи ўринда туриши. Топоним олдин гидронимга ном бўлган, кейинчалик у туманга ном сифатида ишлатилган: **Арнасой** (сойи), **Арнасой** (тумани).

**Асака** (Анд. в. т.) топонимининг келиб чиқиши ҳақида бир неча хил тахмин бор:

1. **Асака** топоними тўғрисида «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» да куйидаги фикрлар кайд этилган: «Шаҳар номининг келиб чиқиши ҳақида турли фикрлар бор. Айрим тадқиқотчилар (проф. Т. Ширинов) **Асака** номини Фарғонада милоддан аввал У1-У асрларда яшаган сак қабилалари билан боғлайди. Чунки бу қабилалар баъзи жойларда «ассакенлар» номи билан ҳам юритилган. Уларда *асвака – от, ассака – отлиқлар* маъносини билдирган. Археолог Б. Матбобоев юқоридаги фикрни водийнинг шарқий қисмида топилган тошлардаги отлар тасвири билан асослашга ҳаракат қилган ва шу жойларда наслдор отлар етиштирилган, деган фикрни илгари сурган.

Топонимист олим С. Қораев **Асака** туманидаги **Ахтачи** қишлоғи номи мўғулча бўлиб, *от табиби (синчи), отбоқар* деган маънони билдиришини таъкидлаб, юқоридаги мулоҳазаларни бирмунча тасдиқлайди. Шуларга асосланиб, **Асака** шаҳрининг 60 йиллиги (1997 й.) муносабати билан катта йўл ёқасидан шаҳарга қираверишдаги майдонда тулпор отнинг рамзий хайкалчаси қўйилди» (343,443-444-).

Топоним тўғрисида юқорида фикрларга куйидаги эътирозларимиз бор:

1) сак қабилалари бутун Ўрта Осиё ҳудудида яшашган;

2) *от, отлиқлар*, деб изоҳланаётган *асвака, ассака* сўзларининг маъноларини қайта ўрганиш керак;

3) отлар тасвири туширилган тошлар нафақат Фарғона водийсидан, балки мамлакатимизнинг бошқа жойларидан ҳам топилган.

4) С. Қораев томонидан кўрсатилган **Ахтачи** топоними бошқа вилоят-

ларда ҳам объектларнинг номи сифатида учрайди. Демак, бу фикрни Асака топонимининг этимологик тахлили учун асос деб ушлаб олиш ҳам ўзини оқламайди. Бизнингча, **Асака** топонимини *асвака*, *ассака* сўзларидан келтириб чиқариш, тошлардаги от тасвири ва **Ахтачи** топонимини олдинги фикрга боғлаш мумкин эмас. Сабаби, бу фикрда экстралингвистик омиллар билан лингвистик омиллар мослиги йўқолган. Аммо унинг келиб чиқиши учун юқоридаги изоҳли тахлилининг берилиши ҳам амалий аҳамиятга эга.

2. Топоним икки маъноли қисмдан ташкил топган: *ас*, *ака*. Айни шу маъноли қисмларнинг биринчисида фонетик ўзгаришларнинг бир тури бўлган товуш тушиши натижасида сўзнинг иккинчи бўғини тушиб қолган: *асил* > *ас*. Бинобарин, топоним бу тарзда шаклланган: *асил*+*ака* > *асил ака* > *асилака* > *асака* > **Асака**. *Асил* – арабча сўз (349,57-). Бунда икки сўз ўзара бирикиб олдин сўз бирикмасини, сўнгра қўшма сўзни ҳосил қилган. Юзага келган қўшма сўз топонимлашув ходисасининг ономастик конверсия жараёнида топонимга кўчган: *асака* > **Асака**. Унинг этимони *асил ака* бирикмаси. Ушбу фикр топоним ҳақидаги халқ этимологияси ҳисобланади. Бу ерда топонимнинг тузилиши билан *ас ака* бирикмаси шаклан тенг келиб қолган: **Асака** // *ас ака*. Аммо улар шаклан ўхшаш бўлса ҳам, маъноси бошқа-бошқа сўзлар саналади.

3. Мазкур топоним *ас*, *ака* тополексемаларидан иборат. *Ас* сўзи тожикча бўлиб, *зур*, *тажрибали*, *ҳунарли* маъноларида қўлланади. Топоним *зур*, *тажрибали*, *ҳунарли ака ёки ҳурматли киши* маъносини ифодалаб, қуйидагича шаклланган: *ас*+*ака* > *ас ака* > *о-ака* > **Асака**. Ушбу топонимнинг этимони *ас ака* бирикмаси ҳисобланади. Мазкур фикрдаги *ас ака* бирикмаси ҳам топоним билан шаклан тенг келиб қолган. Улар маъноси билан фарқланади. Демак, топоним ҳақидаги иккинчи ва учинчи фикрлар халқ этимологияси жумласига киради.

4. С. Қораев бу жой номи ҳақида «Баъзи насабномаларда ўзбек уруғлари орасида *асака* уруғи тилга олинган» дейди (360,29-). Аммо муаллиф фикрига асос сифатида бирор манбани келтирмайди. Бизнингча, манбасиз бирор фикр айтиш тахлил жараёнини мавҳумлаштиради.

5. Бу топонимда *ас*, *ака* шаклидаги маъноли қисмлар бор. Топонимдаги биринчи тополексема *ас* сўзи бўлиб, Махмуд Кошғарий уни «*ёғоч ўзаги*» деб кўрсатган (162,81-). *Ёғочнинг ўзаги* деганда унинг энг ўрта қисми, яъни энг яхши ва *асил жойи* эътиборда бўлган. Ёғоч дарахтдан олинади. Топоним дарахтзор жойнинг номи эмасмикан?!

Қадимги туркий тилда *ас* сўзи *оқсувсар* ва унинг *териси* маъносини берган (84,59-). Жой номидаги *ас*, *ака* тополексемалари бирикиб сўз бирикмасини, сўнгра қўшма сўзни ҳосил қилган. Қўшма сўз эса ономастик конверсия жараёнида жой номига кўчган: *ас*+*ака* > *ас ака* > *асака* > **Асака**. *Ас* сўзининг Махмуд Кошғарий кўрсатган маъноси билан қадимги

туркий тилдаги маъноси ўзаро мувофиқ келган. Сабаби ёғочнинг ўзаги унинг энг ўрта қисми, яхши ва асил жойи бўлгани каби *оқсувсар*нинг териси энг асил нарса маъносини ифодалайди.

Демак, ҳосил бўлган топоним *оқсувсар терисидан тикилган кийимни кийилан ҳурматли одам яшаган энг ўрта, яхши ва асил жойи* деган маънода **Асака** деб аталган. Унинг этимони *ас ака* шаклидаги сўз бирикмаси.

6. Ҳ. Ҳасанов **Адоқ // Одоқ** номли топонимлар ҳақида тўхталиб, уларни Амударёнинг эстагидаги шаҳар ва Андижон шаҳрининг бир номи дейди (377,59-,71-).

7. Асака топонимининг *айақ (ойоқ // оёқ)* сўзига алоқадорлиги бор. *Адақ, йадақ, азақ, айкақ* каби турли шаклларда қадимги ёзма ёдгорликларда ва ҳозирги туркий тилларда қўлланиб, *оёқ, зина, охир, дарёнинг қуйи қисми, идиш, ҳажм ўлчови* каби маъноларни англатадиган *айақ* сўзи ҳақида А. Матғозиев махсус тўхталган (161, 61-).

8. Топоним солда ясама сўздан иборат бўлиб, иккита маъноли қисмдан ташкил топган: *асақ, -а*. Қадимги туркий тилда *қуйи, ойоқ (оёқ), охир* маъносида *адақ* сўзи қўлланган (84,8-,27-;162,112-). Сўз охиридаги *-а* қўшимчаси ҳақида ҳам икки хил фикр бор:

1) мазкур сўзга жўналиш келишиги қўшимчаси *-га (-ка, -қа, -а)* қўшилган: *адақ + -қа > адаққа > адақа*. Талаффуз жараёнида сўздаги иккита қ товушидан бири тушиб қолган. Шаклланган сўз қуйидаги фонетик жараёнларни босиб ўтиб, топонимга кўчган: *адақ > адақ + қа > адаққа > адақа > азақа > азаха > азака > асака > Асака*. Ушбу ҳолда топонормант(сўз ўзгартирувчи қўшимча)ни олиб шаклланган *адаққа* сўзи мазкур топонимнинг этимони саналади;

2) бизнингча, кичрайтириш-эркалатиш маъносида қўлланувчи *-а // -д* қўшимчаси (275,102-) *адақ > азақ > асақ > асак* кўринишидаги товуш ўзгаришига учраган сўзга қўшилган. Ҳосил бўлган сўз *охири, қуйиси яқин* маъноларини англатган: *асака*. У шу шаклда ономастик конверсия жараёнида топонимга кўчган: *адақ > азақ > асақ > азах > асак > асака > Асака*. Сўз топонимга айлангунча қуйидаги фонетик ўзгаришлар рўй берган: *к > қ (қ > х > к), д > з, з > с* (168,76-;167,161-,166-167-;275,30-,38-, 57-).

Географик омилга асосланиб иш қўрилганда, мазкур топообъект тоғ олдида нисбатан олганда баландроқ ерда жойлашган. Бу эса топонимнинг шаклланишига экстралингвистик омил бўлади. Ушбу ҳолда *охирроқ, қуйироқ* маъносидаги *асака* ясама сўзи топонимнинг этимонидир. *Адақ* сўзининг тарихий тараққиётидаги фонетик ўзгариш топоним этимонининг талқинини ёритишга хизмат қилади. Шунингдек, қадимги даврларда ҳам **Адақ** тарзида номланган аҳоли пункти борлиги (84,8-) юқоридаги *адақ* сўзи воситасида билдирилган фикрни асослаш учун бир далилдир.

Хулоса қилганимизда<sup>1</sup>, биринчи ва иккинчи тахминлардаги маъно топонимни ташкил қилган тополексемаларнинг синхрон планда кузатилиши натижасида юзага келган. Учинчи фараз кўпроқ тарих, археология, географияга оид бўлиб, лингвистик материал унда асосли далилланмаган. Туртинчи фикрда жой номи этнонимга боғлангани учун ишониш қийинроқ. Бешинчи ва олтинчи тахминларда эса бу топоним ҳақида берилган далиллар синхрон ва диахрон планда кузатилиб, маълум бир фикрга келинган. Бинобарин, *ёғочнинг ўзаги* маъносидаги *ас(аз)* сўзи билан *қўйи жой, охир, оёқ* маъноларидagi *адақ* сўзи маъновий жиҳатдан ўзаро боғлиқ. Ахир *ас* сўзи *ёғочнинг ўзаги* маъносида *унинг охири бўлгани* каби *адақ* сўзи ҳам *оёқ, қўйи* ва *охир* маъноларини ифодалаб, семантик бир бутунликни ҳосил қилган. Бунда топонимнинг қадимий эканлиги ҳам ўз ифодасини топган.

Шу ўринда халқ тилида қўлланиб, бирор юмушни бажаришга ундаб айтиладиган «*Асаканг кетадими!?*» иборасининг маъноси ҳам қайл этилган бешинчи, олтинчи ҳамда еттинчи фикрлардаги маънога мувофиқ келади.

**Аҳси** (Нам. в. Уйчи т. к.) – топоними турли фонетик ўзгаришларга учраган жой номларидан бири. Ҳ. Ҳасанов «*Бобурнома*да XV-XVI асрлардаги жой номлари ўша давр талаффузи ва ёзилишида берилган бўлиб, этимологик изоҳлар, таққослар жуда кўп» деб, Бобурнинг: «Аҳсини китобларда Аҳсикат битирлар» деган фикрини кўрсатган (379,12). Ушбу гапда Ҳ. Ҳасанов айтгандек, ушбу жой номининг этимологик изохи йўқ, балки мазкур топоним ҳақида қисқа маълумот бор, холос.

Бу жой номини XI асрда *чўлоқланди, оқсоқ* маъносида қўлланган *аҳсади* сўзининг ўзгарган шакли дейиш ўринли: *аҳсади* > *аҳса* > *аҳси* (162, 276-; 84,71-). Фонетик тамойилга асосан бунда *а* > *и* фонетик ўзгариши рўй берган (275,10-), ҳосил бўлган *аҳси* сўзи топонимлашув ҳодисасининг бир кўриниши бўлган ономастик конверсия туфайли апеллятив лексика сатҳидан ономастик лексика сатҳига кўчиб, объектнинг номини ифодалай бошлаган: *аҳси* > **Аҳси**. Топонимга асос бўлган *аҳсади* // *аҳса* сўзи туркий тилларда *ақса, агса* шаклларида қўлланади (270,123-). Бу эса топонимнинг этимологик таҳлилида морфологик тамойил ва реконструкция усули қўлланганлигини тасдиқлайди.

С. Қораев бу топонимнинг «*Аҳсикат* шакли суғд тилида «*Оқ шаҳар*» демакдир» (360,29-30) дейди. Бу дегани топоним суғдча дегани эмас. Балазурий асариди (ушбу асар ҳақида маълумот берилмаган (360,29-30)) келтирилган *Хишкат* топоними, бизнингча, **Аҳсикат** топонимининг нотўғри ўқилиши оқибатидир. Мазкур топоним XI асрда **Аҳсикас** шаклида қўлланган (118, 111-). Олдинги даврларда йўл юриш учун асосий восита от бўлганлигини эътиборга олинса, бу топообъект оксокланиб, чўлокланиб

<sup>1</sup> Топоним ҳақидаги фикрларга шубҳа билан қаралгани учун улар бир неча тахмин (фараз)ларга ижратилди. Улардан энг охиргиси қўллаб қувватланди.

қолган отларни яхши отларга алмаштириш жойи бўлган. Мана шу жараён жой номининг шаклланишига экстралингвистик омил сифатида таъсир кўрсатган. Демак, топонимнинг этимони *оқсоқланиб қолди, чўлоқланиб қолди, аранг юради* каби маъноларни ўзида ифодалаган *ахса* сўзи саналади. ХУ-ХУ1 асрларда топонимга *кат* индикатори қўшилган (379,12-), бугунги кунда у *кат* индикаторисиз қўлланмоқда: *Ахси*. Ушбу жой номини этимологик таҳлил қилишда фонетик ва морфологик тамойиллар билан бирга диахрон ҳамда реконструкция усулларида ҳам фойдаланилди.

**Балиқчи** (Андижон в.ш.) топонимидаги *балиқ* сўзи топонимлар тизимида *шаҳар* маъносида қўлланади (211, 22-24-). *Балиқ+чи* > *балиқчи* > **Балиқчи** шаклида юзага келган балиқ сўзига –чи топоформанти қўшилиши билан этноним юзага келган. Этнонимдан объектни номлаш эҳтиёжи туфайли жой номи ҳосил бўлган. Топонимнинг этимони *балиқчи* кўринишидаги ясама сўз – этноним ҳисобланади. Хуллас топоним туркий уруғлардан бири бўлган *балиқчи уруғи яшаган* жой деган маънони ифодалайди.

**Бахмал** (Жиз. в. туман ва тоғ; Қаш. в. Ғузур т. к.; Сур. в. Шўрчи т. к.) – топонимининг келиб чиқиши ҳақида куйидаги фаразлар бор:

1. Топонимнинг биринчи маъноли қисмини тоқлар ўсиб ётган жой маъносидаги *боғ* сўзи билан боғлаш мумкин (164,166-). Жой номининг иккинчи маъноли қисми бўлган *мал* товуш ўзгаришига учраб шу ҳолга келиб қолган: *н* > *л* ўзгариши рўй берган: *ман* > *мал*. Бунда биринчи ва иккинчи маъноли қисмлар орасида изофа қўлланган: *бағ+ман* > *бағиман* > *бахман* > *бахмал* > **Бахмал**. Жой номининг этимони *боғиман* сўзи саналади.

2. Топоним ««Духоба» маъносидаги *бахмал* сўзига ҳеч даҳли йўқ». Ушбу фикрни айтган С. Кораев бу жой номининг қаерларда учрашини айтиб ўтган (360,34-), холос .

3. Ушбу жой номини Т. Нафасов Қашқадарё вилояти қовчинларининг кичик бир тармоғи (*бақман - боқмон*)нинг номига боғлайди ва *этноним ой-кони*га ўтган дейди (211,28-). Муаллиф бу фаразини асослайдиган далилни қайд этмаган.

4. Жой номининг шаклланишини *боғланмоқ* (бағланмоқ) (349,143-; 22,179-) сўзига боғлаш мумкин: *бағланмоқ* > *бағлан* > *бақлан* > *бахлан* > *бахмал* > **Бахмал**. Бу ерда *л* ва *н* ундошлари ўзаро ўрин алмашган, яъни метатеза ходисаси рўй берган. Сўздаги *ғ* ундоши товуш ўзгаришларига учраб, *қ* ундошига, сўнгра *қ* ундоши *х* ундошига ўзгарган: *ғ* > *қ* > *х* (168,76-77-;167,121-). Демак, топонимнинг этимони *бағланмоқ* (боғланмоқ) сўзи саналади.

5. Топонимнинг шаклланишини *бағлам* (*боғлам*) (349,142-) сўзига боғласа бўлади: *бағлам* > *бақлам* > *бахлам* > *бахмал* > **Бахмал**. Сўз таркибидаги *ғ* ундоши товуш ўзгаришларига учраб, *қ* ундошига, сўнгра *қ* ундоши *х* ундошига ўзгарган: *ғ* > *қ* > *х* (167,121-). Жой номининг иккинчи



маъноли кисмида л ва м ундошлари ўзаро ўрин алмашган, ушбу икки товушда метатеза ҳодисаси рўй берган: *лам* > *мал*. Бу ҳолда топонимнинг этимони *баглам* (*боглам*) ясама сўзи. Унинг этимологик таҳлилида фонетик тамойил билан бирга диахрон ва реконструкция усуллари амал қилган.

Туртинчи ва бешинчи фаразлардан кўриниб турибдики, топоним *баглади* (*боглади*) (349,142-) сўзи билан алоқадор. Татар тилида бу сўз бдйлоду сўзи билан ифодаланади (292,206-). Қадимдан қўлланиб келинаётган *багла* (*богла*), *баглан* (*богланмоқ*), *баглам* (*боглам*) (84,78-) сўзлари ҳам мазкур топонимнинг шаклланишига *баглади* (*боглади*) сўзи асос бўлганини тасдиқлайди. Мазкур фикр жой номининг табиий ҳолатига ҳам боғлиқ: **Бахмал** топонимининг объекти тоғ билан ўралган. Демак, унинг этимони *баглам* (*боглам*) апеллятиви ҳисобланади.

**Бегиш** (Сам. в. Қўшработ т.; Қаш. в. Китоб т. қ.) – топонимининг келиб чиқиши ҳақида уч хил тахмин мавжуд:

1. Бу топоним *бегининг иши* маъносини англатади: *бегининг иши* > *бегиши* > *бегиш* > **Бегиш**. Бу ҳолда қараткич келишиги кўшимчаси тушиб қолган ва икки сўз бирикиб кўшма сўзга айланган. Сўнгра у топонимик лексика сатҳига кўчган.

2. Этнонимдан ҳосил бўлган жой номи: *бегиш* > **Бегиш**. Катагон уруғининг бир бўлими *бегиш* деб аталган (198,30-).

3. *Беглар яшаган жой* маъносида топообъектга **Бегиш** деб ном берилган: *бег*+*-иш* > *бегиш* > **Бегиш**. Бунда *бег* сўзи баъзи амалдорларга *берилдиган унвон*, бундай унвонга эга бўлган амалдор маъносини ифодалайди (349,97-). *-иш* топоформанти *қўллик* маъносини билдиради: *бег*+*-иш* > *бегиш* (*беглар*) > **Бегиш**. Бу жой номи топонимик деривация жараёнида ҳосил бўлган. Унинг этимони *беглар* маъносидаги *бегиш* ясама сўзидир. Шу ўринда Т. Нафасовнинг ушбу топоним этнонимдан шаклланган этнотопоним деган фикрига қўшилмаймиз (211,30-). Бизнингча, учинчи фикрда асос бор: *беглар яшаган жой*нинг шундай аталиши табиий.

**Бекберган** (ҚқР Шуманай ва Қораўзак т. қудук.) – гидроними учта маъноли кисмдан иборат: *бек*, *бер*, *-ган*. Унинг биринчи маъноли кисми *бек* сўзи от сўз туркумига оид, иккинчи маъноли кисми эса *бер* феъл ўзаги, унга *-ган* кўринишидаги сифатдош формаси қўшилган. Ушбу *от+сифатдош* шаклидаги предикатив бирикма ономастик конверсия ҳодисаси таъсирида топонимга кўчган: *бек бер+ган* > *бек берган* > *бек берган* > **Бекберган**.

*Бек* сўзининг *Айрим туркий халқларда феодализм даврида мерос бўлиб ўтган унвон ва шундай унвонли амалдор шаклидаги биринчи маъноси* (349,97-) бермоқ феълнинг қўлига *тутқизмоқ*, қўлига *ёки ихтиёрига тотишмоқ* кўринишидаги аввалги маъноси(349,104-105-)га мос тушган. Шу ҳолда бирикма ҳосил қилган: *бек берган*. *Бек ҳада қилган*, *бек ўзи*

*берган* деган маъноларни ушбу предикатив бирикма ифодалаган. Бермок фёъли *-ган* кўшимчасини олиб, фёълнинг тусланмайдиган шакли бўлган сифатдошни ҳосил қилган: *бек бер+ -ган > бек берган*. Ономастик конверсия жараёни туфайли ушбу предикатив бирикма ономастик бирлик бўлиб, топонимик хусусиятни ўзида ифодалаган: *бек берган > Бекберган*.

Жой номининг этимони *от-сифатдош* кўринишидаги *бек берган* предикатив бирикмаси. Албатта, бу номланиш объектнинг мотивланиши жараёнлари билан боғлиқ. Бу топонимнинг тахлилида тарихий усулдан фойдаланиш ўринли. Агар ҳозирги кун нуктаи назаридан синхрон усул қўллansa, унда *бек* сўзи *унвон*, *унвонли амалдор* эмас, балки киши исмига кўшиладиган сўз маъносига лексик бирлик бўлиб қолади. Демак, *биринчи алмашинув қонуни* билан апеллятив лексикадаги *бек берган* предикатив бирикмаси топонимга айланган ва ўзининг семантик хусусиятларини жой номига оид махуслашган бир маъно доирасида чегаралаган.

**Бештентак** (Сам. ва Тош. в. қ.)топоними икки маъноли қисмдан иборат: *беш*, *тентак*. Булар бирикиб олдин кўшма сўзни, кейин этнонимни, сўнгра топонимни ҳосил қилган: *беш+тентак > беш тентак > бештентак > Бештентак*. Демак, бу топоним этнонимдан шаклланган бўлиб, *бештентак* уруғи вакиллари яшаган жой деган маънони англатади.

Унинг этимони бештентак этноними, этнонимнинг этимони эса *беш тентак* кўшма сўзи саналади. **Бешсарик** топоними ҳам этноним номидан ҳосил бўлган. Топоним икки тополексемадан ташкил топган: *беш*, *сарик*. У қуйидагича шаклланган: *беш+сарик > беш сарик > бешсарик > Бешсарик*. Икки сўзнинг қўшилишидан, аввал *бешсарик* этноними ҳосил бўлган, сўнгра этноним топонимга кўчган. Топоним *бешсарик* уруғи вакиллари яшаган объектнинг номини ифодалайди. Унинг этимони *бешсарик* этноними, этнонимнинг этимони эса *бешсарик* кўшма сўзи ҳисобланади.

**Биясиғмас** (Қаш. в. Дех. т. дара, эски қишлоқ) - топоними учта маъноли қисмдан иборат: *бия*, *сиғ*, *-мас* (369,49-,221-,;350,157-,59-;). Бу топонимда иккита тополексема бор: *бия* ва *сиғмоқ*. Табиий географик омилнинг таъсирида, объектнинг номланиш эҳтиёжи билан ҳамда топонимик деривация оқибатида жой номи шаклланган: *бия + сиғ + -мас > бия сиғмас > Биясиғмас*. Унғача *бия сиғмас* кўринишидаги предикатив бирикма ҳолатида бўлган. *Бия* сўзи бир маънога эга. Бу маъноси билан ушбу сўз сиғмоқ сўзининг *жойлашмоқ* маъносига мослашган. Сифатдошнинг бўлишсизлик шаклини ҳосил қилувчи *-мас* кўшимчаси бу предикатив бирикманинг юзага келишида восита бўлган.

*Бия сиғмас* предикатив бирикмаси *бирламчи ўтиш қонуни* асосида топонимга айланган. Сўзсиз, бу ерда топонимик деривация жараёни бор. Ҳосил бўлган жой номининг этимони предикатив бирикманинг *от+сифатдош* кўриниши: *бия сиғмас*. Бу ерда, албатта, экстралингвистик омиллардан бири бўлган географик омилнинг мавжудлигини таъкидлаш шарт.

**Боймокли** (Сур. в. Жарқўрғон т. ва Жиз. в. Ғаллаорол т. к.) - иккита маъноли қисмдан ташкил топган жой номи: *баймоқ* ва *-ли*. С. Қораевнинг қайд этишича, кемирувчи хайвонлардан бўлган суғурнинг бир тури *байбақ* (*баймоқ*) деб аталган (360,38-). Бунда *б* > *м* товуш ўзгариши (275,40-) рўй берган: *байбақ* > *баймоқ*. Демак, этноним апеллятив лексикада кемирувчи хайвон ҳисобланган суғурнинг бир тури *байбақ* (*баймоқ*) номи билан аталган.

Топообъект нималарга ёхуд кимларга қарашли эканлигини кўрсатиш учун этнонимнинг номига жой номларида кўп қўлланувчи *-ли* топоформанти қўшилган ҳамда ҳосил бўлган сўз топонимлашув жараёнида жой номига кўчган: *байбақ* (*баймоқ*) *+ли* > *байбақ* (*баймоқ*) *ли* > *баймоқли* > **Баймоқли**. Унинг этимони этноним номига *-ли* топоформанти қўшилиши билан ҳосил бўлган *байбақ* (*баймоқ*)*ли* шаклидаги ясама сўз. Шунингдек, бу этноним номи бирон бир топоформантни қабул қилмаган ҳолда ҳам топоним бўлиб келади: **Баймоқ** (Нам. в. Чуст т. ва Сам. в. Пастдарғом туманида к.; Хоразм в. Хазорасп т. ботқоқ жой). Мазкур топоним *баймоқ* уруғи вакиллари *яша-ган жой* маъносини беради. Унинг этимони эса этнонимни ҳамда суғурнинг бир турини ифодаловчи *баймоқ* (*байбақ*) сўзи.

Сўзнинг икки бўғиндан иборатлиги ҳамда ҳар икки бўғиннинг ҳам ёпик бўғиндан иборат бўлиши, сўнг эса иккинчи бўғиннинг *б* ундоши билан бошланиши бу сўзнинг суғур маъносидаги *байбақ* сўзига алоқадор эмаслигини, агар алоқадор бўлган тақдирда, унинг яна бошқа қисмлардан иборат эканлигини кўрсатади. Яъни ё *бақ-бақ* кўринишидаги ундов сўз бўлиб, *ҳ* > *й* ва *ҳ* > *қ* ўзгариши рўй берган ёки *барбақ* шаклидаги кўшма сўздан ташкил топган бўлиб, *р* > *й* ҳамда *б* > *м* ходисалари солир бўлган. Ҳатто, сўз аслида *бармоқ* сўзига алоқадор бўлиши ҳам мумкин. Бу ҳолда *бармоқли* сўзи *бармоқ+ли* шаклида ясалган: *бармоқ+ли* > *бармоқли* > *баймоқли* > *боймоқли* каби.

Бизнингча, бу сўз аслида *бой+бақ* кўшма сўзига алоқадор. *Бой* ва *бақ* – умумтуркий сўз. Биринчи сўз отлашган сифат, иккинчи сўз эса *едирмоқ*, *тўйғизмоқ* маъноларидаги *бақ* феъли. Айниқса, *баймақли* сўзининг *бой+боғ+ли* кўринишида бўлганлиги кўпроқ ишонарли: *байбоғли* (*боғли бай*) – *боғи бор*, *боққа эга бой* > *байбақли* > *баймақли* шаклига келган. Кейин бу сўз уруғ номига айланган ва сўнгра топонимлашган: *байбоғли* (*боғли бай*) – *боғи бор*, *боққа эга бой* > *байбақли* > *баймақли* > **Боймоқли**.

**Борсақелмас** (ҚқРда ҳам орол, ҳам шўрхоқ ернинг номи.) топоними тўртта маъноли бўлақдан ташкил топган: *бор*, *-са*, *кел*, *-мас*. Жой номи таркибидаги икки ўзак апеллятив лексикада фаол қўлланади. *-са* шарт майли кўшимчаси, *-мас* эса сифатдошнинг бўлишсизлик формаси бўлиб, улар ўзақларга топонимик деривация ходисасидан олдин қўшилган.

Ушбу топонимнинг бошқа жой номларидан фарқи: а) унда уюшиқ кесим мавжуд (*борса- келмас*) ; б) биринчи маъноли қисм шарт майли

шаклини олган; в) иккинчи маъноли қисм эса сифатдошнинг инкор шакли билан ифодаланган. Мазкур топоним предикатив бирикма қолипли топонимларнинг бошқа турларидан тубдан фарқ қилади. Бу жой номи бир топонимнинг бир неча топообъектга ном бўлишига мисол бўлади. Микропонимлар тизимида ҳам улар учраб туради. Улар Қашқадарё вилоятининг Шахрисабз ва Яккабоғ туманларида, шунингдек, Сурхондарё вилоятининг Денов туманида ҳам мавжуд.

Нутқда ҳазил тарзида айтиладиган *борса келмас* шаклидаги предикатив бирикманинг қўлланишини қузатиш мумкин. Бу бирикма ономастик конверсия жараёнидан сўнг бир бутун ҳолатда топонимга ўтган. Тўғри, турли туманларда кишилар баъзи бир жойларни ўзларича **Борсакелмас** деб аташларининг гувоҳи бўлганмиз. Масалан, Наманган вилояти Учқўргон тумани ва Сурхондарё вилояти Денов туманида бундай ҳолатга дуч келинди. Бироқ улар ҳали микропоним ҳам эмас, чунки ўша ерда яшовчилардан ушбу кичик объектларнинг номларини бир хил тарзда аташлари талаб қилинади.

*Бор* сўзининг *мавжудлик* маъноси, *кел* сўзининг биринчи маъноси бўлган *юрш*, *сўзловчи кўрсатган жойга бориш* маъноси (349,130-131-, 337-338-) *борса келмас* предикатив бирикма таркибида мавжуд. Бу апеллятивлардан шаклланган топонимдан *борса қайтмас* маъноси ангилашиб турибди. Албатта, бу топоним анча олдин яратилган, аниқроғи, XIX асрнинг охиригача бўлган даврда яратилган. Бугунги кунда бундай салбий маъно англатадиган жой номлари кам. Олдинги даврларда, техника ривожланмаган вақтларда узоқ жойларга кетганларга киноя қилиб, *борса келмасга кетиш-ди* ибораси ишлатилган. Аммо вақт ўтиши билан географик омиллардан бўлган ботқоқлик ва ёмон йўллар тугатилган. Ном қўйишга асос бўлган географик омиллар таъсирида шаклланган предикатив бирикманинг топонимга айланишида номланиш жараёни билан боглик бўлган топонимик деривация ходисаси асосий вазифани бажарган.

*Бормоқ* сўзи *сўзловчи ёки қузатувчининг турган жойидан, назаридан узоқлашмоқ, манзил томон ҳаракат қилмоқ, жўнамоқ, йўл олмоқ* (349,132-) маънолари *келмас* сўзига бирикиб, гап қолипли бирикмани юзага келтирган: *борса келмас*. Унинг таркибидаги фельнинг шарт майли қўшимчаси *-са* ва сифатдошнинг бўлишсизлик шаклини ҳосил қилувчи *-мас* қўшимчаларининг предикатив бирикма ҳосил қилишдаги роли катта. Улар туфайли икки ўзак морфема бирлашиб, предикатив бирикмани ҳосил қилган: *бор+са+кел+-мас > борса келмас*.

Шу предикатив бирикма биринчи кўчиш қонунининг амалда бўлиши билан, номланиш талаби ва топонимлашув жараёни воситасида объектнинг номига айланган, яъни ономастик лексика сатҳига кўчган: *борса келмас > Борсакелмас*. Унинг этимони - предикатив бирикма кўринишидаги *борса келмас* бирикмаси. Орол денгизидаги **Борсакелмас** ороли ҳам эътиборга

олинса, ушбу топоним иккита объектнинг номи бўлиб, салбий маънони ифодалаган. Шу сабабли бу жой номи кам объектли топонимлар сирасига киради.

**Бузуқли** (Сам. в. Каттакўрғон т. тепа) – топоними иккита маъноли қисмдан иборат: *бузуқ*, *-ли*. *Бузуқ* сўзи *буз* феълидан –уқ кўшимчаси билан ясалган: *буз+уқ* > *бузуқ* (263,65-). Ушбу сўз асосида ойконим ясалган. Бинобарин, мазкур сўз топоним таркибида *юриб бўлмайдиган жой*, яъни қисман салбий маънони англатган. Б. Ўринбоев бу топонимни *юриб бўлмайдиган тик ён бағирдаги жой* деб кўрсатган (354,32-). Сабаби, бундай номланган объект тоғли худудда жойлашган қишлоқдир. –ли топоформанти эса *хусусиятга тегишлилик*, *эга бўлганлик* маъносини ифодалаб, *бузуқ* сўзига бирикиб келган: *бузуқ+ли* > *бузуқли*.

Ҳосил бўлган ясама сўз топонимлашув ҳодисасининг топонимик деривация жараёнида апеллятив лексика сатҳидан ономастик лексика сатҳига кўчган: *бузуқ+ли* > *бузуқли* > **Бузуқли**. Демак, топоним *юриб бўлмайдиган жой* маъносини ифодалайди. Унинг этимони эса *бузуқли* шаклига эга бўлган ясама сўз саналади.

Бу ҳолни **Булуңгур** (Сам. в. т.) топоними ҳақида учта фараз бор:

1. Маҳаллий аҳолининг айтишича, ушбу топоним *койиш* ва *қарғаш* маъносига *булуңгур* сўзи асосида шаклланган: *булиниб кетгур* > *бўлинибкетгур* > *бўлуңгур* > *бўлуңгур* > *булуңгур* > **Булуңгур**. Бу ҳолда *ў* > *у*, *и* > *у* шаклидаги фонетик ўзгаришлар рўй бериб, бирикманинг –иб, *кет* кўринишидаги бўғинлари тушган.

2. *Булуңгур* сўзи фонетик ўзгаришларга учраб, *олдинги ёхуд аввалги жой* маъносига топоним шаклланган: *булуңгур* > *булуңгур* > **Булуңгур**. Бундай фонетик жараён бўлмади. Демак, бу фараз халқ этимологияси.

3. Топонимда иккита маъноли қисм бор: *бурун* (84,86-; 246,70-), *гур* (*қир*, *хур*, *хир*). Мазкур икки тополексема бирикканда, *р* ундоши *л* ундошига алмашган (*р* > *л*) (264,74-) ва топонимик деривацияда ҳосил бўлган ясама сўз топонимга кўчган: *бурун+гур* > *буруңгур* > *булуңгур* > **Булуңгур**. Б. Ўринбоев бу топонимнинг маъносини *узунасига кетган ясси тоғнинг бурчаги* деб кўрсатади (354,33-). Ушбу фикрга қўшиламыз: *Булуң* (*бурун*, *буруң*) *бурчак*, *охир*, *чегара* маъноларини ифодаласа, *гур* (*қир*, *хир*, *хур*) – *тоғ ён бағридаги тик сойлик*, *тоғ этаги*, *тоғ қирраси* (354,33-).

Топоним иккита тополексема асосида сўз бирикмаси, кўшма сўз ва топонимик деривация жараёнлари туфайли жой номига айланган: *бурун+гур* > *бурун гур* > *буруңгур* > *булуңгур* > **Булуңгур**. Унинг этимони *булуң* (*булуң*) *гур* сўз шаклидир. Ургут шеvasида *бурун* – *булуң* – *булуң* кўринишидаги изолексемалар *бурчак* маъносини ифодалайди (354,33-). Ушбу изолексемалар бир марта қўлланган Булуңгур топоними учун изотопоним саналади. Мазкур фикрни жанубий Қирғизистон топонимиясида худди шу маънода қўлланувчи *булуң* тополексема тасдиқлайди (139,52-,147-). Бу

топоним тўпланган топонимик материаллар ичида фақат бир марта учради. Шунинг учун бу топонимни лингвистик-география усулида этимологик тадқиқ қилиш ўринли бўлиб, у бир объектли жой номларидан бири.

**Бурчмўлла** (Тош. в. Бўстонлик т. к.) топонимининг шаклланиши ҳақида иккита тахмин бор:

1. Топоним икки маъноли қисмдан ташкил топган: *бурч*, *мўлла*. Ундаги *мўлла* сўзи *мулла* сўзининг ўзгарган шакли. Бу жой номи *бурчли мулла* деган маънони беради: *бурчли* + *мулла* > *бурчли мулла* > *бурчмулла* > **Бурчмўлла** Мазкур топонимда у > ў фонетик ўзгариш рўй берган. Аммо топонимнинг маъноли қисмларига қараб, *бурчли мулла* деган маънони англатади дейиш, бизнингча, халқ этимология саналади.

2. Топоним икки маъноли қисмдан иборат: *бурж*, *мўлла*. *Бурж* сўзи унда (265,78-;349,254-) *қалъа*, *қўрғон девори бшан туташган кузатув биноси* маъносини ифодалайди. Унинг кейинги маънолари жой номида қўлланмаган (265,78-). *Мўлла* сўзи топоним учун луғавий асос бўлгунга қадар асли *мўла* шаклида бўлган. У апеллатив сифатида танлангач, унда бир л ундоши орттирилган: *мўла* > *мўлла*. Бу, одатда, табиий фонетик ходисалардан бири саналади (369,397-). Т. Нафасовнинг қайд этишича, *мўла* сўзи *тупроқ уйиб*, *чим ё гишт (тош) қалаб*, *баланд қилинган сурисмон жой*. *Мўла кузатиш*, *қўриқлаш*, *хабар бериш объекти* (211,124-). Агар *мўла* апеллативининг юқоридаги маъноларини эътиборга олинадиган бўлса, у ҳолда ҳарбий термин сифатида қўлланадиган *мўлжар* сўзи ҳам у билан маъно жиҳатдан боғлиқ: *хандақ олдидаги тупроқ уюми* (71,91-). Эҳтимол, *мўлжар* апеллативи жонли нутқда фонетик ўзгаришларга учраб, *мўла* шаклига келиб қолган: *мўлжар* > *мўлжа* > *мўла*. Хуллас, ўрганилаётган луғавий асос таркибидан аввал р ундоши, сўнгра ж ундоши талаффуз вақтида тушиб қолган.

Бизнингча, *бурж* сўзи *мўлла* сўзидан кейин топонимга қўшилган. Араблар бу объектга етиб келгач, унинг *кузатиш*, *қўриқлаш*, *хабар бериш объекти* маъносидаги *мўлла* сўзи эканлигини тушуниб, унинг арабча кўриниши бўлган *бурж* сўзини ҳам биргаликда қўлаган: *бурж* + *мўлла* > *бурж мўлла* > *бурж мўлла* > *бурчмўлла* > **Бурчмўлла**. Унинг шаклланиши жараёнида ж товуши ч товушига ўтган: *ж* > *ч* (264,53-).

Топонимнинг шаклланишига асос бўлган бу икки луғавий асоснинг маънолари бир-бирини тўлдириб, *қўриқлаш ва кузатиш пункти булган ҳарбий иншоотни* билдиради. Ҳар бир объект учун авваллари кузатиш пункти бўлганлиги эътиборга олинса, мазкур топообъектнинг тоғ ўртасида жойлашиши ҳам у ифодаляётган топонимик маънога зид эмас. Шунинг учун ҳам **Буржмўлла** топоними *олдинги даврларда қурилган кузатиш*, *қўриқлаш пункти жойлашган жой* маъносини англатган. Ҳозирги кунда бу ҳарбий иншоот ўрнида кишлок шаклланган, аммо номи сақланиб қолган. Бу топоним жуда кам учрайдиган топонимлар жумласига қиради. Демак,

ушбу топонимнинг этимони *бурж ва мула* луғавий асос(апеллятив)ларининг бирикишидан ҳосил бўлган *бурж мула* бирикмаси ҳисобланади.

**Данғара** (Фар. в. шаҳар ва т.) – топоними келиб чиқиши ҳақида икки хил тахмин бор:

1. Халқ вакиллари мазкур топонимнинг келиб чиқишини куйидаги тарзда талкин қилишган:

1) Жой номи *данг* ва *гара* маъноли қисмларидан ташкил топган. *Данг* сўзи таркибида *нг* товуши адабий тилда *н* шаклида ёзилади. Топонимнинг иккинчи қисми бўлган *гара* сўзи эса *қара* сўзининг фонетик ўзгаришга учраган шакли: *қара* > *гара*. Булардан англашилиб турибдики, топоним *лол бўлиб қол, донг қот* маъносига *данг қара* бирикмасидан шаклланган: *данг+қара* > *данг қара* > *дангқара* > *данғара* > **Данғара**. Унинг этимони *ҳайратдан эс-хушини йўқотиб, қотиб қолмоқ* маъносига *данг қара* бирикмаси ҳисобланади;

2) кишилар бу топонимни *дан (дон)* ва *гара(гарам)* сўзларининг бирикишидан келиб чиққан деб изоҳлашади: *дан+гарам* > *дан гара* > *дан-гара* > **Данғара**. Бунда *дон*, *аниқроғи*, *ғалланинг гарамланиши* эътиборга олинган ва *м* ундоши тушган. Бирок ҳамма ерда *ғалланинг гарамланиши* шу тарздалигини ҳисобга олинса, бу фикр ҳам халқ этимологиясининг бир кўриниши эканлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

2. **Данғара** (Фар. в. шаҳар ва т.) билан **Донғара** (Жиз. в. Бахмал т. қ.) топонимларини фарқламаслик натижасида иккаласи ҳам сўгд тилига оид дейилган фараз ҳам бор (17,13-).

3. Мазкур топоним ҳақида А. Девонакулов ҳам муносабат билдириб (75,101-107-), унинг пахловий тилидаги *дан* ва *гара* шаклидаги иккита сўздан ташкил топганлигини айтиб, *дан* сўзи *хурсандлик, намойиш қилмоқ, ҳаракат қилмоқ* маъноларига эгаллигини, «Авесто»нинг шарҳларида эса *азим ҳаёт, катта улуғ, билмоқ, танишмоқ* деб изоҳланганлигини кўрсатган. Муаллиф *гара (гарр, гард)* сўзининг *ер ёриги, ернинг баланду қаттиқ йули, қилич дами, ёғоч уй, замон, хушбўй гиёҳ, шаҳар номи* каби маънолари борлигини, иккала маъноли қисмлар бирлашиб, жой номини ҳосил қилгани учун *маърифат жойи, илм жойи, ҳаёт макони, ватани муазимин, улугларни асровчи, дуохонлар ватани* деган маъноларни англантишини қайд этган (75,103-107-): *дан гара* > *дан гара* > *данғара* > **Данғара**. Унинг этимони *дан гара* бирикмаси саналади.

4. Топоним иккита маъноли қисмдан ташкил топган: *дан, гара*. *Дан* сўзи аслида *дана* тарзида бўлган (84,158-). Унинг маъноси *билимли, доно* демакдир. Топонимнинг иккинчи маъноли қисми бўлган *гара* сўзи олдин *қара* шаклида бўлган: *қара* > *гара*. Ушбу сўзда *қ* > *г* шаклидаги фонетик ўзгариши рўй берган (168,76-;167,138-;264,74-,76-). Мазкур икки сўзнинг бирикишидан «*доно, билимли одамга қара*» маъносига *сўз* бирикмаси, сўнгра *қўшма сўз* ҳосил бўлган: *дана+-га+қара* > *данага қара* > *данғара*.

Дана сўзидаги иккинчи *a* товуши икки сўзнинг бирикиши натижасида тушиб қолган. Ҳосил бўлган қўшма сўз ономастик конверсия жараёнида топонимга кўчган: *дангара* > **Данғара**.

Топонимнинг келиб чиқиши ҳақида юқорида айтилганларни эътиборга олсак, тўртинчи фраз асосли. Сабаби, бу тахминда берилган фонетик ўзгаришлар туркий тиллар учун доимий ва одатий ҳол. Бундан кўригиб турибдики, топоним куйидаги тарзда шаклланган: *дана+ -га+ қара* > *данага қара* > *данғара* > **Данғара**. Бу жой номининг этимони *доно*, *билимли одамга қара* маъносидаги *донога қара* бирикмаси. Бизнингча, топонимнинг учинчи тахминидagi *маърифат жойи*, *илм жойи*, *ҳаёт макони*, *ватани муазимин*, *улуғларни асровчи*, *дуохонлар ватани* маъноси тўртинчи фарздаги *доно*. *билимли одамга қара* маъносига мазмунан синоним бўлиб келган, яъни қадимдан билим ва маърифатга жиддий эътибор берилган. Бу фикрлар юртбошимизнинг «Жамият тараққиётининг асоси, уни муқаррар ҳалокатдан қутқариб қоладиган ягона куч - маърифатдир», - деган (125,7-) фикрларига ҳамохангдир. Демак, учинчи ҳамда тўртинчи тахминлар бир-бирини мазмунан тўлдирган

**Духчи** (Сам. в. Сам. т.; Қаш. в. Шах. т. к.) жой номининг келиб чиқиши ҳақида иккита тахмин мавжуд:

1. Топоним иккита маъноли қисмдан иборат: *туғ* > *туғ* > *тух+ -чи* > *тухчи* > *духчи* > **Духчи**. *Байроқ* сўзи туркий тилларда *ту* // *туғ* сўзи билан аталади (251, 158-). *Ту* // *туғ* сўзи фонетик ўзгаришларга учраб, *t* > *д*, *г* > *х* (168,74-,77-;275,37-;264,121-,140-) ўзгаришлари натижасида *дух* сўзи пайдо бўлган: *туғ* > *дуғ* > *дух*. Унга *-чи* қўшимчаси қўшилиб, *байроқдор* маъносидаги *духчи* сўзи юзага келган: *дух+ -чи* > *дух-чи*. Ушбу сўз топонимнинг этимони. Унда фонетик тамойил амал қилган. Ҳосил бўлган *духчи* сўзи этнонимлашув ҳодисаси натижасида апеллятив лексикадан ономастик лексикага ўтиб, этнонимнинг номини билдиради: *духчи* > *духчи*. Сўнгра бу этноним ономастик конверсия туфайли топонимга кўчган: *духчи* > **Духчи**. Унинг этимони *байроқдор* маъносидаги *тухчи* сўзи.

2. Бу топоним бир маъноли қисмдан иборат: *тухси*. Т. Нафасов уни *тухси* этнонимининг фонетик ўзгаришга учраган кўриниши, деб (211,66-) кўрсатган: *тухси* > *тухчи* > *туқчи* > *духчи* // *дуқчи*. Бунда с ундошич ундошига ўтган: *с* > *ч* (168,74-). Сўнгра ономастик конверсия жараёнида этноним топонимик лексика сатҳига кўчиб, жой номини ҳосил қилган: *Духчи* > **Духчи**. Унинг этимони *тухси* этноними ҳисобланади. Ушбу топоним этноним хисобланиб, *байроқдорлар ва духчи қабиласи вакиллари яшайдиган жой* деган маънони ифодалайди. Булардан кўришиб турибдики, иккала тахмин ҳам бир-бирини тўлдирди

**Ерқочган** (Жиз. в. Дустлик т. майдон ва жой) - жарлик ва алоҳида объектнинг номи. Мазкур предикатив бирикма учта маъноли қисмдан ташкил топган: *ер*, *қоч*, *-ган*. Топоним предикатив бирикмадан шаклланган:



*ер қочган*. Табиий ходисалардан бири бўлган зилзила туфайли ернинг силкиниши натижасида унда катта ёриқлар пайдо бўлган. Ушбу топонимнинг номланишига зилзила бўлмиш географик омилнинг, яъни экстралингвистик омилнинг таъсири сезилади. Шунинг натижасида номланиш зарурияти ва топонимнинг мотивланиш талаби билан олдин предикатив бирикма юзага келган. Сунгра эса у топонимга айланган: *ер+қоч+ган* > *ер қочган* > *ер қочган* > **Ерқочган**. Ушбу топоним биринчи кўчиш қонуни асосида номланиш талаби билан бошқа объектларга ҳам ном сифатида қўлланган.

Топонимнинг этимони *ер ёрилиб кетган* маъносида қўлланувчи *от + сифатдош* кўринишидаги предикатив бирикма: *ер қочган*. Ер сўзининг саккizinчи маъноси (349, 248-249-) (*бирор пунктдан наридаги жой*) *қочмоқ* сўзининг иккинчи маъноси (350,606-) (*бирор томонга йўл олмоқ, нари кетмоқ, бирор жойдан узоқлашмоқ*) билан биргаликда мазкур предикатив бирикмани ҳосил қилган: *ер+қоч+ган* > *ер қочган*. Топонимик деривация ходисаси туфайли бу предикатив бирикма объектнинг номига айланган.

**Еттикечув** (Сур. Шўрчи т.; Қаш. в. Фузор т. дарёдан ўтиш жойи) – топоними учта маъноли қисмдан ташкил топган: *етти, кеч, -ув* (346,69-;349,251-,384-). *Етти* – сони микдорни билдирадиган сўз. *Кеч* – *кўприксиз жойдаги сувдан ўтиладиган саёз жой* маъносини ифодалайди (263,206-), - *ув* ҳаракат номи ясовчи қўшимча.

Апеллятив лексиқада бу маъноли қисмлар фаол қўлланади: *етти+кеч+ув* > *етти кечув* > *еттикечув*. Ҳосил бўлган предикатив бирикма номланиш талаби билан топонимлашув ходисаси таъсирида ономастик лексиқага *ўтиб*, мавжуд объектларни номлаш зарурияти туфайли объектнинг номи сифатида ишлатилган: *етти+кеч+ув* > *етти кечув* > *еттикечув* > **Еттикечув**. Ундаги *етти* сўзи *кўплик* маъносини ифодалайди. Бу топоним *кишилар сув ўзанидан доимо ўтиши мумкин бўлган саёз жойнинг* маъносини англатади. Бу топонимнинг тадқиқида лексик тамойил ва синхрон усул қўлланди.

Топонимнинг этимони *етти+кеч+ув* > *етти кечув* предикатив бирикмаси. Мана шундай предикатив бирикма колипли топонимлар мамлакатимиз топонимлари тизимида жуда кам қўлланади. Шунинг учун ҳам уларни бир объектли топонимлар сирасига киритиш ўринли. Мазкур топонимни ҳам шу гуруҳга киритиш лозим.

**Ёмчи** (Қаш. в. Шах. т. Шакартери кишлоқ кенгашида қ.) - топоними иккита маъноли қисмдан ташкил топган: *ём, -чи*. Биринчи маъноли қисм бўлган *ём* сўзининг қайси тилга оидлиги ҳақида иккита фараз бор. Аввалги тахмин: биринчи маъноли қисм мўғул тилидан ўзлашган. Почта ҳамда бекаг сўзларининг мўғулча кўриниши *ём* дейилади. Бу сўзнинг *почта, бекаг* маъноларида қўлланишини 1419-йилдан то 1422-йил август ойигача

Хиротдан Хитойга бориб, элчилик қилиб келган Гиёсиддин Наккош ўзининг кундалик дафтарида кўрсатган: "*Ём ёки ёмхона - элчилар, давлат ходимларининг йўл ҳаракатларида от алмаштириши ва керакли яроқларни ҳозирлаш учун тайин қилинган манзил*" (352,14-,19-).

Мазкур сўз ҳақида юқоридаги фикрларни Л. В. Дмитриев ҳам тасдиқлаб, мўғул тилидаги ём сўзи, рус тилидаги *ямшик* сўзининг *почта станцияси* маъносини бу сўздан тараккий этган, дейди (79,37-). Ём (йом) сўзи тилимизда фонетик ўзгаришларга учраган ҳолда ҳам, ўзгаришларга учрамаган ҳолда ҳам ишлатилган. Фонетик ўзгаришларга учраб, яъни шева-нинг таъсирида ём сўзи *жом* ҳолатига келган. Бундай фонетик ҳодисаларнинг бўлиши ўзбек тилидаги кипчоқ лаҳжасининг характерли хусусиятларидан бири. Ёмчи қишлоғи Шаҳрисабз тумани ҳудудидаги аҳолининг шеvasи қорлуқ лаҳжасининг Қарши гуруҳига киради. Бу гуруҳдаги шеваларда ва умуман бу лаҳжада *ж-лашиш* ҳолати йўқ.

*Жом - йам - почта* станцияси вилоятлар ўртасидаги алоқа бекати, алоқа отлари боқиладиган, сақланадиган жойи; *жомчи - жам-чи - йамчи* сўзлари эса *ўша ерларда турли хизматларни қилувчи киши ёхуд отбоқар* маъноларида ишлатилади. Сабаби, катта ҳудудни босиб олган мўғуллар ўзаро алоқа учун йўллар бўйида саройлар, бекатлар, химоя қалъалари барпо этишган. Ёмчи сўзи Ўзбекистоннинг жанубий туманларидаги топонимлар таркибида ўзгаришларга учраган ҳолда қўлланган. Топонимга асос бўлган ём сўзи -чи топоформантининг қўшилиши натижасида ёмчи кўри-нишига эга бўлган ҳамда ономастик конверсия жараёни туфайли ойконимга айланган: *ём+чи > ёмчи > Ёмчи*.

Ём сўзи Алиёмчи (Бух. в. канал), Ёмчи қишлоғи (Қаш. в.), Ём қишлоғи (Сир. в.) кўринишларда топонимлар таркибида учрайди. Бу ҳол ушбу сўз воситасида ясалган топонимлар ҳам ём сўзининг нафақат апеллятив лексикада, балки ономастик лексикада кўп қўлланишини англатади. Ём сўзи *бекат, қарвон-сарой* маъноларини ифодалайди. Ёмчи ясама сўзи эса *бекат, қарвон-саройларда хизмат қилувчи хизматчи* маъносини англатади.

Кейинги фикр - ём (йом) ўзбекча сўз бўлиб, катта, улкан хум маъносини билдиради (346,76-77-). Ём (йом) сўзига -чи қўшимчаси қўшилиб, ёмчи (йомчи) кўри-нишидаги ясама сўз ҳосил бўлган. Бу сўз хум қилувчи деган маънони, ём сўзи эса хумни билдирган (349,257-). Демак, ёмчи (йомчи) сўзи хум ясовчи деган маънони ифодалайди.

С. Қораев ёмчи сўзини сарой уруғининг бир тармоғи деб кўрсатган (360,52-). Ушбу фикрда ҳам асос бор: Ёмчи қишлоғи (Жиз. в. Фориш т.) этнотопонимлар жумласига киради, аммо топонимга асос бўлган этнонимнинг келиб чиқиши *қарвон сарой хизматчиси* деган маънога бориб тақалади. Уруғ номини англатган ёмчи (йомчи) ясама сўзи топонимнинг этимонини ташкил қилган. Сўнги фикр - юқоридаги икки фикрдан англа-

шилиб турибдики, биринчи фикрдаги ёмчи билан кейинги фикрдаги ёмчи узаро омонимик бирлик. Бу ерда почта, карвонсаройларда ишловчиларнинг ёмчи номи билан хум тайёрловчи маъносидаги ёмчи шаклий бир хилликка эга бўлган, холос. Бинобарин, Тошкент, Самарканд, Бухоро ва Сурхондарё вилоятларида учровчи ём қисмли жой номларида карвон сарой ёки почта станцияси хизматчиси маъноси мавжуд. Демак, **Жомқишлоқ почта стан-цияси ёхуд карвон сарой жойлашган қишлоқ** маъносини ифодалайди (*жом қишлоқ*<sup>1</sup>). Бу топоним таркибида сўз бошидаги й ундоши ж ундошига ўтган: й > ж. **Жомбой** – ҳамма нарсаси бор, бой карвон сарой (*жом бой*) ва туркий уруғлардан бирининг номи маъносидаги топоним. **Ёмчи** – карвон сарой хизматчиси ва шу номдаги уруғ вакиллари яшаган жой маъносини билдиради (*ёмчи*). **Жомбулоқ** топоними эса карвон сарой олдидаги булоқ деган маънони англатади (*жом булоқ*). **Жомбўз** – оқиш рангли карвон сарой (*жом бўз*). **Жомбўзсарой** – карвон сарой олдидаги оқиш рангли сарой (*жом бўз сарой*) маъносини ифодалайди. Бу топоним таркибидаги бўз сўзи оқиш маъносида келган.

Географик омилга асосланиладиган бўлса, почта бекатида ишловчилар Шахрисабз шаҳрининг шарк томонидаги почта бекатларида туришга ҳожат бўлмаган, чунки ушбу шаҳарнинг шарк томони ўтиб бўлмайдиган тоғ билан ўралган. Шунинг учун *катта, улкан хумлар ясовчи* маъносидаги ёмчи (*йомчи*) сўзи эса ишончлироқ, чунки саноат ишлаб чиқариши бўлмаган вақтларда одамлар хумларда зарур ичимликларни, ҳатто, ғаллани ҳам сақлашган. Демак, **Ёмчи** (Қаш. в. Шах. т.) топонимининг этимони хум ясовчи маъносини англатувчи ём+чи > ёмчи ясама сўзи ҳисобланади. **Ёмчи** (Сур. в. Бойсун т.) топоними эса карвон сарой хизматчиси яшаган ва шу номдаги уруғ номи билан аталган жой маъносини ифодалайди (*ёмчи*). Мазкур сўздан этноним ҳам, ойконим ҳам ясалган, яъни апеллятив лексикага оид карвон сарой хизматчиси маъносидаги бу ясама сўз ономастик лексика сатҳига ўтиб, иккита вазифани бажарган:

1. Этноним номи: **Ёмчи**.
2. Жой номи: ём+-чи > ёмчи > Ёмчи > **Ёмчи**.

**Жалолқудуқ** (Андижон в. ш., т., к.) - топонимининг келиб чиқиши ҳақида бир неча тахмин бор:

1. Бу топонимни *жарликдаги қудуқ*, *жарлик қудуқ* (*жарликдаги қудуқ* > *жарлик қудуқ* > *жарқудуқ* > *жалолқудуқ* > **Жалолқудуқ**) бирикмаларидан келтириб чиқараётган кишилар ҳам бор, аммо бу фаразга қўшилиб бўлмайди. Чунки *жарлик* сўзининг *жала* ёки *жалол* кўринишига келиб қолиши мумкин бўлмаган хол.

2. Топоним таркибидаги *жалол* сўзини киши исмига боғлашади: *жалол* > **Жалол**. Ушбу тахмин ҳам, бизнингча, хато. Агар объектларга

<sup>1</sup> Топонимнинг таълилидан сўнг унинг этимони кичик кавс ичида берилди

номни киши исмларидан олинса, унда ҳамма жойни киши номлари босиб кетарди. Демак, бу икки тахмин халқ этимологияси.

3. Топоним географик жойлашув нуқтаи назаридан қаралганда, бошқа топонимик объектларга нисбатан пастликда жойлашган. Албатта, атрофиини баланд-баланд тепаликлардан иборат турли хил объектларга нисбатан **Жалолқудуқ** объектнинг қуйиликдагини сезиш мумкин. Мазкур жой номи иккита маъноли бўлақдан ташкил топган: *жалол*, *қудуқ*. Бу маъноли бўлақлардан *жалол* сўзи турли фонетик ўзгаришларга учраб шу ҳолга келиб, апеллятив сўз сифатида шаклланган ва топонимга асос бўлган.

Топоним таркибидаги биринчи морфемани киши исмига боғлаб қуйиш бу топонимда ўринли эмас. Ушбу апеллятив қуйидагича шаклланган: *жала* > *жалал* > *жалол*. Сўз таркибида *л* ундоши орттирилган ва ундаги иккинчи *а* унлиси *о* унлисига алмашган: *а* > *о* (168,72-). Жой номининг иккинчи маъноли бўлағи бўлган *қудуқ* апеллятивнинг шаклланиши уч хил кўринишга эга:

1) Бу сўз *сув сол* маъносидаги *қуй* феълнинг қадимги туркий тилдаги *қуд* (263,571-) шаклига *-уғ* қўшимчасини қўшишдан ҳосил бўлган: *қуд*+*-уғ* > *қудуғ* > *қудуқ*. Ҳосил бўлган сўз таркибидаги *ғ* ундоши *қ* ундошига ассимиляция ҳодисаси (168,80-) туфайли айланган: *ғ* > *қ*;

2) ушбу сўз паст маъносидаги қуйи сифатининг *қуды* шаклидан (211,180-) *-қ* қўшимчасини қўшиш билан ясалган: *қуды*+*-қ* > *қудық* > *қудуқ*. Бу ерда эса *ы* унлиси сўзга *-қ* қўшимчаси қўшилиши таъсирида сингармонизм ҳодисаси рўй бериб, *у* унлисига ўзгарган: *ы* > *у*;

3) мазкур сўзнинг юзага келишига У11-Х асрларда ишлатилган *қузуг* сўзи (84,464-) асос бўлган: *қузуг* > *қузук* > *қудуқ*. Бунда *з* ундоши *д* ундошига (275,61-62-) вақт ўтиши билан ўзгарган: *з* > *д*.

Бу ҳолатлар *қудуқ* сўзининг шаклланишини исботлайди. *Қудуқ* сўзи топонимнинг иккинчи морфемаси бўлиб, туркий сўзлар жумласига киради. Одатда *қудуқ* сўзи икки ҳолатда қайд қилинади:

1. Чўлларда сув учун қазилган гидронимик иншоот - *қудуқ*.

2. Ер ости сувлари мўл бўлгани учун чуқурлик қазилганда тезда сув чиқиб кетадиган ерларни ҳам рамзий маънода *қудуқ* деб аташ аҳоли нутқида хос хусусият. Ушбу икки ҳолдан сўнгги сизимология таҳлилга керак бўладиган далил. Сабаби, топоним қуйиликда, нисбатан пастликда жойлашган. Демак, ер ости сувлари баландликларга нисбатан бу ерда кўпроқ бўлади, зарур ҳолларда *қудуқ* қазиб, сув олиш ҳам мумкин.

Ер ости сувларининг бундай тез чиқиши учун маълум бир сабаблар ҳам бўлиши керак. Туб аҳоли вакиллариининг қайд этишича, ушбу жойда тез-тез жала ёғиб, керагидан ортиқ сув йиғилиб турган. Маълум вақтдан сўнг бу сувларнинг бир қисми оқиб кетган ва бир қисми ерга сингиб кетган. Бу ҳол *жалол* сўзининг олдин бу шаклда бўлмаганлигини асослайди. *Жалол* сўзи кишилар нутқида олдин жала тарзида қўлланган.

*Жала* сўзи туркий сўзлардан бири. Вақт Утиши билан *жала* ва *қудуқ* сўзлари *серёғишли жойдаги қудуқ* маъносини ўзида жамлаган ҳолда бирлашиб кетган: *жала+қудуқ* > *жалақудуқ*. Талаффуз жараёнида биринчи сўздаги *л* ундошига мос ҳолда шу сўздан кейин *л* ундоши орттирилган, яъни иккилантирилган (369,394-396-) ва *жала* сўзидаги *а* товушлари *о* товушига айланган: *жалақудуқ* > *жалалқудуқ* > *жалолқудуқ*. Ҳосил бўлган бирикма топонимлашув ходисаси туфайли жой номига кўчган: *жалолқудуқ* > **Жалолқудуқ**.

*Жала* (349,271-) тополексемаси бу топонимнинг топонимик асоси ва-зифасини бажарган. Топонимик индикатор сифатида *қудуқ* сўзи ишлатилган, аммо объектларнинг вазифаси ўзгариши билан *қудуқ* сўзи топонимик аниқлагич вазифасини бажармай, *жала* топонимик асосига бирлашиб кетган. Натижада *шаҳар*, *туман*, *қишлоқ* каби сўзлар бу жой номи учун индикатор вазифасида қўллана бошланган: **Жалолқудуқ**, **Жалолқудуқ тумани**, **Жалолқудуқ шаҳри**, **Жалолқудуқ қишлоғи**. Бирок бу индикаторлар камданкам ҳолларда ишлатилиши туфайли топоним **Жалолқудуқ** ҳолатида қўлланиши кўп учрайди. Ушбу топоним учун этимон *жала* ва *қудуқ* сўзларининг бирлаштирувчи маъноларини, яъни *жала кўп ёққани учун ер қазилганда ер ости сувлари тез чиқадиған жой* маъносини англатувчи *жалақудуқ* бирикмаси ҳисобланади. Топонимнинг **Жалолқудуқ** бўлиб кетиши тилимиз тарихий тараққиётининг ўзига хос маҳсули.

**Жалолқудуқ** жой номининг этимони *жала* ва *қудуқ* сўзларининг бирлаштирувчи маъноларини, яъни *жала кўп ёққани учун ер ости сувлари ер қазилганда тезда чиқадиған жой* маъносини англатувчи *жалақудуқ* бирикмаси эканлигини асословчи манба бу географик омил саналади. Унинг шаклланишида қуйидаги географик омиллар етакчи восита бўлган:

а) объектнинг бошқа объектларга нисбатан олганда пастликда жойлашганлиги; б) кўп вақтларда ёмғир билан бирга *жала* ёғиб туриши; в) ери қазилганда тезда сув чиқиб келиши қудуқларнинг кўплигига асос бўлади. Бу омиллар топонимнинг номланишида ҳам восита бўлган.

Лексик ва фонетик тамойиллар топонимларнинг таркибини ўрганиш усули билан бу топонимнинг этимологик таҳлили жараёнида ишлатилди. Демак, **Жалолқудуқ** топоними киши исми билан боғлиқ эмас, балки табиий географик ҳолатларни ифодалайдиган *жала*, *қудуқ* сўзларнинг маъноларини жамловчи географик омилларга боғлиқ.

**Избоскан** (Анд. в. т.) - топоними тўртта маъноли қисмдан иборат: *из*, *-ни* (белгисиз ишлатилган), *бос* (349,133-), *-кан (-ған)*. Топонимда *бос* сўзининг ўн олтита маъносидан биринчи маъноси *из* сўзининг тўртта маъносидан биринчи маъноси билан (349,316-) бирикиб келган. Уларнинг бирикиши натижасида тушум келиши қўшимчаси *-ни* тушиб қолган ва *з* ундоши *к* ундоши ўтган (275,35-36-): *з* > *к*. Жой номи қуйидаги тараққиёт

боскичини босиб ўтган: *из+ни+бос+-ган* > *изни боскан* > *из боскан* > *избоскан* > **Избоскан**. Бу топоним *авлодлар анъаналарини давом эттириши* маъносида *боболар изини босганликни* англатади. Унинг этимони *изни боскан* шаклидаги объектли бирикма саналади.

**Итбулоқ** (Қаш. в. Қамаш ва Яккабоғ т. булоқ) – топоними *ит* ва *булоқ* (349,148-;263,68-;271,258-;84,121-) маъноли қисмлардан ташкил топган. Ушбу топонимнинг юзага келиши тўғрисида бир неча хил фараз бор:

1. Ит яшаган булоқ ёки ит ўлган булоқ. Бу фикр ишонарсиз.

2. Итли булоқ ёхуд ити бор булоқ. Мазкур икки тахмин халқ этимологияси ҳисобланади.

3. Жой номи *ит ичган булоқ* бирикмасидан шаклланган: *ит ичган булоқ* > *ит булоқ* > *итбулоқ* > **Итбулоқ**. Мазкур фикрга ҳам ишониш кийинрок. Сабаби, бу топообъект бор ҳудудда итлар кам бўлади.

4. Бизнингча, топоним таркибидаги *ит* сўзи *хайвон* маъносидаги *ит* сўзи эмас, балки бирор сўзнинг фонетик ўзгаришларга учраган шакли дейилиши тўғри. Т. Нафасовнинг қайд этишича (211,86-87-), *ўткир*, *тигли* маъносидаги *йитик* > *йитиг* > *итик* > *итиг* > *ити* > *ит* сўзи ушбу сўзнинг шаклланишига асос бўлган. Лекин «...*топонимияда бу сўз сув манбаининг эн қўлами, кичик, тор, ингичка демакдир*» (211,86-87-), дейилишини ўйлаб кўриш керак. Сабаби, мазкур маъно фақат сув манбаига оид бўлиб қолмай, балки *булоқ* жойлашган ердаги майда тошларга ҳам тегишли дейиш ҳар жиҳатдан ҳақиқатга яқин.

Географик омилга амал қилиб, мазкур топоним жойлашган ҳудуд кuzатилганда, у *тор* ҳамда *кичик булоқ* бўлиши билан биргаликда *ўша* атрофда *ўткир* ва *тигли* тошларнинг кўплиги сезилди. Булоқларнинг, асосан, водийлар, сойлар, жарлар, тоғ ён бағирлари, тоғ этакларидан оқиб чиқиши улар жойлашган ҳудудда *тигли*, *ўткир* тошларнинг мавжудлигини тасдиқлайди. Бу ҳам гидронимнинг номланиш жараёнини асослайдиган экстралингвистик омиллар жумласига киради. *Булоқ* манбаининг эни кичик, *тор* ёки *катта бўлиши* унинг ҳажмига боғлиқ.

*Ит* сўзи булоқ жойлашган ҳудудга оид хусусиятни, яъни у ердаги тошларнинг *ўткир* ва *тигли* бўлишини англатадиган *йитик* // *йитиг* сўзининг фонетик ўзгаришлардан бири бўлган товуш тушишига учраган шакли. Бундай гидронимлар тоғли ва сойли жойларда кўп учрайди. Ушбу топонимнинг Қамаш ҳамда Яккабоғ туманларида учраши юқорида айтилган фикрни далиллашга хизмат қилади. Унинг таҳлилида фонетик тамойил ва реконструкция усули фаол қўлланган. Мазкур топоним ономастик конверсия натижасида апеллятив лексика сатҳидан ономастик лексика сатҳига кўчган: *йитик+булоқ* > *йитик булоқ* > *итик булоқ* > *итиг булоқ* > *ити булоқ* > *итбулоқ* > **Итбулоқ**. Бу ерда *й*, *к*, *и* товушлар талаффуз жараёнида тушиб қолиши рўй берган. Демак, *тигли*, *ўткир*

тошлардан иборат жойдаги булоқ маъносида қўлланувчи *итик* (*итиг*) булоқ бирикмаси ушбу топонимнинг этимони ҳисобланади.

**Йамалоқтепа** (Нам. в. Янгиқўрғон т. тепа) – топонимнинг этимологияси хақида уч хил тахмин бор:

1. Топоним учта маъноли қисмдан иборат: *йама*, *-лоқ*, *тепа*. Бунда *йама* маъноли қисми унинг сунъий тарзда шаклланганлигини, ўйдим-чўйдим бўлиб ётганлигини, яъни кишилар томонидан тикланган тепа-ликлигини ифодалайди: *йама*<sup>+</sup> *-лоқ* > *йамалоқ тепа* > *йамалоқ тепа* > *йамалоқтепа* > **Йамалоқтепа**. Топоним *йамалган* // *ямалган тепа* маъносини ифодалайди. Мазкур фараз халқ этимологиясининг бир кўриниши.

2. Топонимдаги *йамалоқ* сўзи асли *йумалоқ* шаклида бўлиб, фонетик ўзгаришларга учраб, шу ҳолга келиб қолган: *йумалоқ* > *йумалоқ* + *тепа* > *йамалоқ тепа* > *йамалоқтепа* > **Йамалоқтепа**. *Йумалоқ* сўзи алабий-орфографик ёзувда *юмалоқ* тарзида кайд қилинади (350,467-). *Йумалоқ* сўзининг юмалоқ шаклида ёзилиши анъанага айланган: *йумалоқ* > *юмалоқ*.

3. Топонимда иккита маъноли қисм бор: *йамалоқ*, *тепа*. Аслида бу маъноли қисм *йапалоқ* ҳолатида бўлган. Талаффузда *n* > *б* > *м* шаклида товуш ўзгаришлари (168,73-,75-76-;275,39-41-) рўй берган: *йапалоқ* + *тепа* > *йапалоқ тепа* > *йабалоқтепа* > *йамалоқтепа* > **Йамалоқтепа**. Ушбу ҳолда топоним *ялпайган*, *ялпоқ*, *ясси шаклидаги кичикроқ тепа* (350,484-) маъно-сини ифодалаб, топонимик деривация жараёнида шаклланган.

Агар мавжуд тепаликнинг *йумалоқ*(*юмалоқ*)рокликдан кўра *йапалоқ* эканлиги ҳисобга олинса, учинчи фикрда баён қилинган экстралингвистик омил топонимнинг шаклланишига восита ролини бажарган. Демак, топонимга *йапалоқ тепа* бирикмаси этимон вазифасини бажарган.

**Йортепа** (Нам. в. Тўрақўрғон т. қ.) - иккита маъноли қисмдан шаклланган топоним: *йор*, *тепа* (349,261-;273,135-;84,239-;263,331-). Биринчи маъноли қисм асли учта бўғиндан иборат бўлган: *йарилган* (*йор* сўзи олдин *йа:р* ҳолида чўзиқ айтилган, кейинчалик чўзиқлик камайган). Ушбу қисмга *тепа* сўзи қўшилган, унда товуш ўзгариши ва бўғин(лар) тушиши ходисаси рўй берган: *йарилган* > *йарилган* + *тепа* > *йарилган тепа* > *йортепа* > **Йортепа**.

Тева табиий-географик объектлардан бири бўлиб, ўз-ўзидан ёрилмайди, табиий офат бўлган зилзила туфайли ер, шу жумладан, тепалар ҳам ёрилади. Топонимнинг этимологик таҳлилида географик ва реконструкция усуллари лексик, фонетик тамойиллар билан бирга ишлатилган. Демак, экстралингвистик омил таъсирида тепалик номланган. *Йорилиб кетган тепа* маъносига ушбу топонимнинг этимони *йарилган тепа* // *йорилган тепа* бирикмаси саналади.

**Йашиқ** (Нам. в. Нам. т. қ.) жой номи иккита маъноли қисмдан иборат: *йаш*, *-иқ* (84,245-;263,274-). Топонимнинг биринчи маъноли қисми *йаш* сўзи ҳозирги кунда *ёш* тарзида айтилади, чунки *а* унли товуши вақт ўтиши

билан о унли товушига айланган (275,9-10-). *-иқ* қўшимчаси *-лиқ* қўшимчасининг фонетик жихатдан ўзгарган шакли: *-лиқ* > *-иқ*. Бунда фонетик ўзгаришнинг алоҳида бир тури бўлган товуш тушиши рўй бериб, л ундоши тушган.

*Йаш* сўзига *-лық* топоформантининг қўшилиши билан ясама сўз ҳосил бўлган, сўнгра ономастик конверсия жараёни рўй бериб, мазкур топоним шаклланган: *йаш+лық* > *йашлық* > *йашлиқ* > *йашиқ* > **Йашиқ**. Бунда *-лық* топоформантидаги *ы* унлиси *и* унлисига ўтган: *ы* > *и* (275,21-22-) ва *л* ундоши тушиб қолган. Ушбу топоним «*ёшлар яшаган ер*» ёхуд «*янги жой*» деган маънони англатади. Топоним учун *йашлық* ясама сўзи этимондир. Ундан **Йашиқ** шаклида топоним ҳосил бўлган, сўнгра **Йашиқ** қишлоғида яшовчилар деган маънода этноним ясалган: **Йашиқ** > **Йашиқ**. Булардан кўриниб турибдики, топоним таркибидаги *л* товуши тушган.

**Касби** (Қаш. в. т.) топонимининг келиб чиқиши, шаклланиши ва маъноси тўғрисида бир неча тахмин бор:

1. Ушбу туман аҳоли вакиллариининг айтишича, бу топоним *яхши хунармандлар, сифатли ишлайдиган усталар макони* маъносида **Касби** деб аталган. Шу маъно асосида топообъект номланган: *касби* > **Касби**. Топонимдаги *и* унлиси талаффуз жараёнида товуш орттирилиши натижасида ҳосил бўлган ёки бирор сўз ё қўшимчаниннг қисқарган шакли ҳам бўлиши мумкин (*касбли* > *касби*). Ҳозирча бу номаълум.

2. **Касби** топоними ХҮП – XIX асрларда **Казбион** дейилган (356,15-).

3. Жой номига асос бўлган *касб* сўзи араб тилидан ўзлашган сўзлардан бири (265,197-325,371-). Бу ҳолда унинг этимони араб тилидан ўзлашган *касб* сўзига *-и* қўшимчаси қўшиш билан ясалган *касби* ясама сўзи саналади. Мазкур фикрга қўшилмаймиз, чунки топонимга фақат синхрон нукта назаридан баҳо берилган.

4. Т. Нафасов бу топонимни арабча *қасаба* сўзи билан боғлаган: *Шаҳар, қишлоқ, қўрғон деб, изоҳлаш маъқул. Чунки қадимий номлар объект турини билдирувчи сўзлар, географик терминлардир*(211,92-). Ушбу фикрга ҳам қўшилиб бўлмайди. Сабаби, топоним қадимий ва этимологияси номаълум топонимлар жумласига киради. Демак, унинг этимонини арабча *касби* сўзи дейиш ноўрин.

5. **Касби** топоними иккита маъноли қисмдан ташкил топган: *кас, би*. Унинг таркибидаги *кас* тополексемаси қадимги туркий тил давридаёқ фонетик жихатдан ўзгаришларга учраган ҳамда *кес* ҳолида ҳам қўлланган: *кас* > *кес*. Бунда *кас* сўзидаги *а* унлиси *е(э)* унлисига алмашган: *а* > *е* (264,68-). *Кас* сўзининг бир фонетик шакли бўлган *кес* сўзи *қисм, тез, кесмоқ, бўлмоқ* маъноларини англатган. *Кес* сўзи *кас* сўзининг фонетик жихатдан ўзгарган шакли экан, демакки, *кес* сўзининг юкоридаги кўрсатилган маънолари ҳам *кас* сўзига хос маънолар дейишга асос бор.



Топонимнинг иккинчи тополексемаси *би(бу)* сўзи. О. Т. Молчанова бу сўзни *дарё* маъносида қўллаган (180,214-). Айни шуфикрга қўшилмаймиз. Қайд этилган сўз бизгача фонетик жиҳатдан ўзгаришларга учраб, қисқарган ҳолда етиб келган. Аслида бу сўз *халқ, аҳоли, омма* маъноларида қўлланган *бодун* // *будун* шаклларида бўлган (84,120-). Мазкур сўз фонетик ўзгаришларга дуч келиб, *би (бу)* ҳолатида *кас* сўзи билан биргаликда сўз бирикмасини, кейин қўшма сўзни ҳосил қилган. Сўнгра эса топонимик конверсия натижасида топонимга кўчган: *кас + бодун* // *будун* > *кас будун* > *кас бу* > *кас би* > *касби* > **Касби**.

Ушбу ҳолда икки сўзнинг қўшилиши билан рўй берган фонетик ўзгаришлар натижасида о унлиси у унлисига (о > у), кейин эса у унлиси и унлисига алмашган (у > и) (275,20-;264,30-). Бу ўзгаришларни тилимизнинг тарихий тараққиётига ҳос ва мос бўлган товуш ўзгаришлари асослайди. Шунингдек, *кесиш асбоби* маъносидаги *би* (264,237-) сўзи билан халқ маъносидаги *будун* сўзининг қисқарган шакли бўлган *бу(бу)* сўзини фарқлаш ўринли. Бинобарин, у туркий сўзлар асосида шаклланган бирикмадан иборат бўлиб, *ажралган, бўлинган халқ яшайдиган ер, халқнинг алоҳида қисми яшайдиган жой* маъноларини ифодалайди ва *кас будун* шаклидаги атрибутив бирикма унинг этимони саналади.

Бизнингча, биринчи фараздаги *касби* сўзи билан учинчи фикрдаги *касби* сўзи шаклан ўхшаш бўлиб қолган. Аслида улар бошқа-бошқа сўзлар жумласига қиради. Иккинчи тахминда тарихий далил ўз ифодасини топган Тўртинчи фаразда арабча қасаба сўзи **Касби** топонимига асос дейилган, бу ноўрин ҳулоса. Бешинчи тахминда эса лингвистик омил, тарихий тамойил ва тилимизнинг тарихий тараққиёти ҳисобга олинган ҳолда этимологиясини аниқлаш қийин бўлган топонимнинг келиб чиқиши баён этилган. Бу топоним тарихий асарларда ҳам учрайди (381,122а-).

**Каттақайнар** (Сам. в. Ургут т. к.) – учта маъноли қисмдан иборат жой номи : *катта*, *қайна* (84,407-;263,508-), *-ар*. У топонимик деривация жараёнигача қуйидаги тарзда шаклланган: *кат-та+қайна+р* > *катта қай-нар*. *Қайнар* сўзи *қайин+а* > *қайна+р* > *қай-нар* кўринишида юза келган. *Суви наstdан юқорига кўтарилиб чиқадиган булоқ қайнар булоқ* дейилади. Унга *катта* сўзи қўшилгач, феълли бирикма пайдо бўлган: *катта+қайнар* > *катта қайнар*. Юзага келган феълли бирикмадаги сўзлар апеллятив лексикада фаол қўлланади. Топонимик деривация туфайли мазкур бирикма жой номига айланган: *катта қайнар* > **Каттақайнар**. Топонимнинг этимони *катта қайнар* сўз бирикмаси. *Суви наstdан юқорига қайнаб чиқадиган булоқ* маъноси эскириб, *кўпчилик яшайдиган жой* маъносидаги топообъектнинг номи бўлиб қолган.

Бизнингча, топоним юзага келган вақтда унинг таркибида булоқ ТА бўлган: **Каттақайнар булоғи**. Вақт ўтиши билан бу сўз эллипсисга учраган: **Каттақайнар**. *Катта, қайна, -ар* кўринишидаги лингвистик

омиллар кишиларнинг яшашига хос жамликни англлатган экстралингвистик омилар таъсирида олдин сўз бирикмасини, сўнгра топонимни хосил қилган: *кат-та+қайна+ар* > *катта қайнар* > **Каттақайнар** (*апеллятив сўз+ апел-лятив сўз + қўшимча* > *сифат+сифатдош* > *янги сўз (сўз бирикмаси)* > *топоасос+топоасос+топоформант* > *топоним*).

Мазкур топонимга мос равишда ёнма-ён тарзда жойлашган **Кичикқайнар** (Сам. в. Ургут т. қ.) топоними ҳам бор. Бу топоним ҳам учта маъноли қисмлардан ташкил топган: *кичик, қайна, -ар*. Қайд этилган маъноли қисмлар аввал апеллятив лексикада, сўнгра ономастик лексикада объектларнинг номланиш талаблари асосида ономастик ясалиш жараёнлари рўй берган: *кичик+қайнар* > *кичик қайнар* > **Кичикқайнар** Унда топонимик деривация жараёни рўй берган бўлиб, этимони *кичик қайнар* бирикмаси.

**Каттакўрғон** (Сам. в. т. ва ш.) топоними иккита маъноли қисмдан ташкил топган: *канта, кўрғон*. Бизнингча, топоним таркикибидаги *канта* сўзи ҳажми билдирмайди. Топонимдаги *канта* сўзи *канта* луғавий асос(апеллятив)ининг фонетик ўзгаришга учраган (*n > t*) шакли. В. Никоновнинг қайд этишича, *канта* луғавий асоси сақларнинг сўзи бўлиб, девор билан ўралган жой<sup>1</sup> маъносини ифодалайди (216, 184-). Унинг фикрини қўллаб-қувватлайдиган мисоллар мамлакатимиз ҳудудидаги топонимлар тизимида бор: **Кандасой** (Нам. в. Чоркесар қ. адир ва сой) – бу топонимда *t* товуши *o* товушига ўтган (*t > o*), маъноси *кўрғонли сой* демакдир. **Кандабулоқ** (Фар. в. Кува туманидаги қ. ва б.) – *кўрғонли қишлоқ, кўрғонли булоқ* маъноларини англатади. Шу-нингдек, Б. Ф. Рафуровнинг тадқиқотида (62,19-466-) ҳам *t > o* (275,37-) шаклидаги фонетик ўзгаришга учраган *канта* // *канда* луғавий асосининг шакли билан хосил бўлган топоним қайд этилган: **Канд. Обиканда** (Қаш. в. Китоб т. қ.) топонимида *об* тополексемаси *сув, канда* тополексемаси эса *кўрғон* маъноларини ифодалайди. Топоним *сувли кўрғон* деган маънони ифодалайди. Хуллас, *шаҳар* ва *қишлоқ* маъноларида қўлланувчи *кент* луғавий асосининг тарихий тараққиёт натижасида турли фонетик ўзгаришларга учраб, *кан, кат* кўринишларида келиши (122,26-) ҳам *канта* ва *канд* луғавий асосларининг ўзаро боғлиқлигини кўрсатган.

Ушбу маъноли қисм *кўрғон* сўзи билан бириқиб, фонетик ўзгаришларга учраган: *канда* > *канта+кўрғон* > *канта кўрғон* > *каттакўрғон* > **Каттакўрғон**. Демак, *канта* луғавий асоси билан шаклланган баъзи топонимлардаги бу сўз маълум ўзгаришга учраб шу ҳолга келган. Нисбатан яқин даврларда яратилган топонимларда *канта* сўзи кўп қўлланади. *Канта* сўзининг топонимлар таркибида маълум бир миқдорда қўлланиб, *канта* шаклига келиб қолиши ва шу ҳолатида ишлатилиши эса

<sup>1</sup> Сўрғон апеллятиви ҳам шу маънода қўлланади.

жула кам учрайди.

**Кескантерак** (Нав. в. Қизилтепа т. ва Бух. в. Жондор т. дала ва тепа) – топоними учта маъноли қисмдан иборат: *кес*, *-ган*, *терак* (349,381-;350, 164-) Унда иккита ўзақ ва битта эргаш морфема мавжуд. Кўрсатилган маъноли қисмларнинг бирлашишидан апеллатив лексикага оид бўлган атрибутив бирикманинг *сифатдош* + *от* кўринишли тури ҳосил бўлган: *кес* + *-ган* + *терак* > *кесган терак*. Биринчи сўздаги *г* товушининг *к* тарзида талаффуз қилиниши туркий тилларга хос бўлган фонетик ўзгариш: *г* > *к*.

*Кесмоқ* сўзининг биринчи маъноси бўлган *тиг билан бўлақларга ажратмоқ*, *қирқмоқ* маъноси билан *терак* сўзининг *толлар оиласига мансуб*, *пўстлоғи кўкиш*, *ёки оқиш*, *баланд дарахт* деб изоҳланувчи маъноси билан бирлашиб, *кесган* + *терак* > *кесган терак* предикатив бирикмасни юзага келтирган. Номланиш зарурияти билан мазкур бирикма ономастик лексикадаги *биринчи алмашинув қонунининг* таъсирида жой номига ўтган: *кесган терак* > **Кесгантерак**. Бирикмадан топонимнинг ёзилишидаги асосий фонетик ва грамматик фарқи унинг бир бутун сўз сифатида айгилиши ва барча маъноли қисмларининг қўшиб ёзилиши ҳисобланади. Ёнобарин, унда бирикманинг кейинги кўриниши бўлган топонимнинг ҳосил бўлиши куйидагича: *кесган терак* > *кесгантерак* > **Кесгантерак**. Бу топонимнинг этимони *сифатдош* + *от* кўринишидаги *кесилган терак* бирикмаси. Унинг таркибидаги *-ил* топоформанти тушириб қолдирилган бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас: *кесилган терак* > *кесган терак* > *кескан терак* каби. Чунки *те-рак* сўзи билан *кесилган* сўз шаклининг бирикуви мантиқан ўзини оқлайди. Агар бу сўз *кесилган* сўзининг қисқарган шакли деб тан олинмаса, унда сўзнинг ўзаги *кес* феъли. Жой номи олдин профессионализм таъсирида бирикма ҳолатида шаклланган, сўнгра бу бирикма топонимга айланган.

**Кечкелдик** (Сам. в. Жомбой т. қ.) – тўртта маъноли қисмдан иборат релятив бирикма қолипиди топоним: *кеч*, *кел*, *-ди*, *-к* (349,386-387-;369,411-422-). Унинг келиб чикиши ҳақида иккита тахмин бор:

1. Топонимдаги биринчи маъноли бўлак *кеч* сўзи бўлиб, равиш сўз турумига оид. Иккинчи маъноли бўлак бўлган *кел* феъл сўз туркумига оид сўз, *-ди* маъноли қисми эса ўтган замон феълيني ясовчи қўшимча, *-к* маъноли қисми апеллатив лексикада кўплик маъносини англатувчи шахсон қўшимчаси.

Мазкур топоним *кеч келдик* кўринишидаги релятив бирикма ҳолатида бўлган, вақт ўтиши билан ва номланиш жараёнининг талаби натижасида бу бирикма бир бутун сўз тарзида бирлашиб, топонимик деривация ҳодисаси туфайли жой номига кўчган: *кеч* + *келдик* > *кеч келдик* > *кечкелдик* > **Кечкелдик**. Топонимнинг этимони *кеч келдик* кўринишидаги релятив бирикма. *Кечкиб келдик*, *улгурмадик* маъноси номланиш жараёнида жой номига сингдирилган.

2. Топоним *кечиб келдик* // *сув кечиб келдик* бирикмасидан шаклланган: *сув кечиб келдик* > *кечиб келдик* > *кечкелдик* > **Кечкелдик**. Уни иккинчи тахмин асосида талқин қилиш ўринли. Унинг этимони *кечиб келдик* // *сув кечиб келдик* шаклидаги релятив бирикма саналади. Бизнингча, жой номининг келиб чиқиши ҳақидаги иккала тахмин ҳам бир-бирини тўлдиради. Бу ҳолатлар ономастик сўз ясалишининг синхрон пландаги кўриниши ҳисобланади.

**Кишибосди** (Қаш. в. Шах. т. жар) - бу топоним тўртта маъноли қисмдан ташкил топган: *Киши*, *-ни*, *бос*, *-ди*. Топообъектнинг бу тарзда номланиши асосида экстралингвистик омиллар туради. Лингвистик омиллар ҳам топонимда асосий омиллардан бири бўлиб келган. Номланиш жараёнида ўша ерга хос бўлган хусусиятлар, белгилар ва ҳолатлар эътиборда бўлса, алоҳида бир воқеанинг жойни номлашда туртки, восита ролини бажариши мумкин. Мана шундай воқеалар таъсирида ушбу топонимнинг номланганлиги табиий. Жарликнинг ёнидаги қишлоқ ахлининг айтишича, у жуда баҳайбат жарликлардан бири бўлган. Ўша қишлоқлик (**Сувтушар қишлоғи**) машҳур ва эпчил овчи каклик овлаш баҳонасида бу жарда бир неча кун ов қилади. Охирги куни уни тушдан сўнг топиша олишмайди. Эртасига эрталабдан кидиришса ҳам, овчидан номнишон йўқ. Кишилар унинг тагига бир амаллаб тушиб боришса, жарликнинг тубида каттагина ўпирилиш бўлганини сезишади. У ерни казиб, овчини топиш, олиб чиқиш имконияти умуман бўлмаган. Натижада, овчининг қариндош-уруғлари иложсиз ҳолатда унга аза тутишга мажбур бўлишган. Ўша воқеанинг рўй берганига анча йиллар ўтган бўлса ҳам, кексалар айтган мазкур воқеа авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда.

Мана шу воқеа жойнинг номланишига сабаб бўлган ва жой **Кишибосди** деб аталган. Жойларни номлашнинг неготивлик тамойили юқоридаги воқеа топонимнинг юзага келишига асос бўлганлигини кўрсатиб турибди. Унда *киши* сўзи топоасос, *-ни* топоформант ҳамда *босди* – тополексема вазибаларини бажариб келган.

Олдин *Киши+ни+бос+-ди* шаклидаги ясалиш туфайли юзага келган *кишибосди* бирикмаси апеллятив лексикада ишлатилган. Жойга ном бериш зарурияти туфайли апеллятив лексикада яратилган ва ўзига хос апеллятив маънони ифодалаб турган *кишини босди* ҳамда *одамни босди* кўринишлари фонетик ўзгаришларга учраб топонимик деривация ходисаси туфайли жой номига кўчган: *киши+ни бос+-ди* > *кишини босди* > *киши босди* > **Кишибосди**. *-ни* топоформанти эллипсис ходисаси натижасида *нол* кўринишга келиб қолган. Унинг этимони *кишини босди* кўринишидаги бирикмаси. Унда тўлиқ ҳолатда ўша овчи фожеаси муҳрланган.

**Кумушқон** топонимида ўз ифодасини топган. Сабаби, Тошкент топонимик ҳудудида *кент*, *кенд*, *канд*, *кан*, *кон* шаклидаги изотопонимлар

кўи қўлланади. **Кумушкон** (Тош. в. Паркент т. қ.) - топонимнинг келиб чиқиши ва шаклланиши ҳақида бир неча фараз мавжуд

1. Бу топоним Кумуш деган аёлнинг номига қўйилган объектнинг номи: *кумуш + кон > кумушкон > Кумушкон > Кумушкон*. Топонимни бу тарзда талкин қилиниши халқ этимологияси.

2. Кумуш қазиб олинadиган жой шундай аталган: *кумуш + кон > кумуш + кон > кумушкон > Кумушкон*. Бу ерда биринчи тополексеманинг маъноси тўғри берилган. Аммо иккинчи тополексеманинг маъноси фақат сўзнинг шаклига қараб қайд этилган: *кон*. Бизнингча, бу ерда янгилишилган. Сабаби, жой номи таркибидаги *кон* тополексемаси бугунги кундаги *кон* сўзига (мазмун) маъно жиҳатдан мос келмайди. Демак, бу фараз ҳам халқ этимологиясининг намунаси саналади.

3. Ушбу топоним иккита маъноли қисмдан иборат: *кумуш, кон*. Биринчи тополексема икки маънода ишлатилади: 1) Химиявий элемент. Ок, кўкиш рангли ялтироқ асл металл // Кумуш танга. Кумуш қошиқ; 2) Кумуш – хогин қизлар исми (162,371-,413-;84,328-;349,405-).

Жой номининг иккинчи тополексемаси таркибида фонетик ўзгаришлар рўй берган: *кент > кенд > канд > кан > кон*. Жой номи таркибидаги *кон* тополексемасида шу ҳолга келгунча учта фонетик ўзгариш рўй берган: 1) *e > a*; 2) *д* ундошининг тушиб қолиши; 3) *a > o* (275,13-;168,72-).

Ушбу фонетик ўзгаришлар натижасида ҳосил бўлган апеллатив ер остидаги бойликлар қазиб олинadиган жойни англатувчи *кон* сўзига омоним бўлиб қолган. Бироқ топоним таркибидаги ушбу апеллатив (*кент > кенд > канд > кан > кон*) *шаҳар, қишлоқ* маъноларини ифодалаган. (84,290-, 98-; 127,34-,67-68-;89,78-79.)

Геологларнинг айтишича, юртимизнинг ҳамма ерида металллар бор. Лекин уларни қазиб чиқариш қай даражада фойдали?! Мана шу ҳол муаммо. Бу ном билан аталган объект мана шундай метал қазиб чиқариш мумкин бўлган жой ҳисобланган. Кишилар объектнинг хусусиятларини билишиб, ўша ерга яқинроқ жойга кўчиб боришган. Нағижада, объект кумуш қазиб олинadиган жой ва аҳоли яшайдиган ер маъносида аввал **Кумушкенд** деб аталган. Вақт ўтиши билан бу ном фонетик ўзгаришларга учраб, **Кумушкон** ҳолига келиб қолган.

**Кунчиқар** (Қаш. в. Шах. т. қ.) – топоними учта маъноли қисмдан ташкил топган: *кун, чиқ, -ар* (349,405-;350,374-375-). *Кун* тополексемаси топонимда *қуёш* маъносида қўлланган.

*Қуёш чиққиш тарафини* англатадиган бу топоним географик жойлашишига қараб номланган. Сабаби, **Шаҳрисабз** шаҳрининг шарқ томони **Кунчиқар** деб номланади. Шарқ томоннинг бундай номланишида тоғлар оша чиқаётган қуёшнинг ҳаракати ўз ифодасини топган. Демак, географик

омил объектнинг номланишига замин яратган ва номланиш тамойили талаби билан бу объект шундай предикатив бирикма воситасида номланган.

Бу топоним *кўёш нури илк марта тушадиган жой, кўёш чиқадиган тараф* маъноларини ифодалайди. Унинг этимони *кун чиқар* предикатив бирикмаси. У номланиш талаби билан ономастик конверсия ходисаси таъсирида эга ва кесим кўринишидаги предикатив бирикма ономастик лексиканинг маҳсулига айланган.

**Кунчиқаркўргон** (Анд. в. Марҳамат т. тепа) - топоними тўртта маъноли қисмдан иборат: *кун, чиқ, -ар, кўргон* (346,68-;349,405-,350,64-,375-;211,262-). Кўргон сўзи диахрон планда ясама сўз, синхрон планда эса туб сўз. Аппеллятив лексикада бу морфемалар бирлашиб, атрибутив бирикмани ташкил қилган: *кун + чиқар > кун чиқар + кўргон > кунчиқар кўргон*. Ҳосил бўлган бирикма икки босқичда топонимлашув жараёнида алоҳида иккита топонимни шакллантирган:

1. *Кун чиқар* атрибутив бирикмаси *от+сифатдош* кўринишида бўлиб, кўёшнинг чиккишини, яъни топообъектни номлашда географик омилнинг устуңлигини кўрсатган. Мана шу кўринишдаги атрибутив бирикмадан топоним ҳосил бўлганлигини ҳам бундан сал олдинроқда *от+ сифатдош* кўринишли ушбу бирикма қолипли жой номларининг этимологик таҳлилида кўрилган эди. Топонимик деривация ходисаси туфайли предикатив бирикма топонимга айланган: *кун+чиқ+ -ар > кун чиқар > кунчиқар > Кунчиқар*. Албатта, бу ерда *биринчи алмашинув қонуни* ҳам асосий вазифани бажарган. Бу топоним бошқа объектларга нисбатан шарқ томонни англатади.

2. *От+сифатдош* кўринишли атрибутив бирикмага *кўргон* сўзи кўшилиб, мураккаб тузилишли атрибутив бирикманинг *сифатдош+от* кўриниши ҳосил бўлган: *кун чиқар +кўргон > кунчиқар кўргон > Кунчиқаркўргон*.

Биринчи босқичда бу бирикма икки сўздан ташкил топган: *кун+чиқ+-ар > кун чиқар*. Иккинчи босқичда ушбу бирикма бешта маъноли булақдан ташкил топган. Биринчи босқичдаги бирикма кўшма сўзга айланиб, иккинчи атрибутив бирикмада у алоҳида бир сўз сифатида қўлланган: *кун + чиқ + -ар > кун чиқар+кўргон (кўр+гон) > кунчиқар кўргон*. *Кун* сўзининг *кўёш* маъноси унда мавжуд. *Чиқмоқ* феълнинг бешинчи маъноси бўлган *уфқдан кўтаришмоқ, кўринмоқ* мазкур бирикма таркибида келган.

*Кўргон* сўзининг иккинчи маъноси бўлган *қалъа, кўргон, шаҳар ва шу кабиларни мудофаа қилиш учун қўрилган мустаҳкам девор* маъноси топоним таркибида мавжуд. Сўзлар қанча маънога эга бўлишидан қатъий назар, жой номи шу маънолардан бири билан реаллашади. Мазкур *кун чиқар кўргон* атрибутив бирикмаси **Кунчиқаркўргон** топоними учун этимон. Биринчи номланиш қонуни бу топонимда икки кўринишда зоҳир бўлган:

1. *Сифатдош+от* кўринишли атрибутив бирикмага асос бўлган сифат-дош ҳам алоҳида предикатив бирикма: *кун чиқар*. Шу бирикма топонимик деривация ходисаси натижасида топонимга кўчган: *кун чиқар* > **Кунчиқар**.

2. Бу бирикмага кўргон сўзининг кўшилиши билан топоним ҳосил бўлган ва биринчи алмашинув қонуни иккинчи ифодаланган: *кун чиқар+кўргон* > *кунчиқар кўргон* > *кун чиқар кўргон* > **Кунчиқаркўргон**.

**Кўксув** ( Фар. в. Шохимардон к. сой) гидроними иккита маъноли қисмдан иборат: *кўк, сув*. Бу атрибутив бирикма қолипга жой номи ономастик конверсия жараёни асосида шаклланиб, *тоза, тиниқ сув оқадиган* гидроним маъносини англатади: *кўк+сув* > *кўк сув* > *кўксув* > **Кўксув**. Қаттиқ тоғ жинсларидан оқиб ўтадиган, қўллардан, тоғдаги музликлардан оқиб тушадиган сой сувлари ана шундай тиниқ, кўкимтир рангда бўлади. Бундай номланиш сой ва дарёларга хос: **Кўксув сойи**, **Кўксув дарёси**. *Тиниқ сув* маъносидаги *кўк сув* бирикмаси эса **Кўксув** гидроними учун этимон.

*Кўк* сўзи куйидаги топонимларнинг ясалишида катнашган: **Кўкбулоқ**, **Кўкқудук**, **Кўксув**, **Кўктубе**. Бу топонимларда *кўк* сўзи *ранг, чуқурлик ва баландлик* маъноларида ишлатилган (349,412-;84,312-313-;89,87-88-). **Кўкбулоқ**, **Кўкқудук**, **Кўксув** жой номларидаги *кўк* сўзи объектларнинг хусусиятларига қараб, мана шу маъно позикликларидан қўлланган. *Катта булоқ* маъносидаги *кўк булоқ* бирикмаси **Кўкбулоқ** топоними учун, *чуқур ва тиниқ сувли қудук* маъносидаги *кўк қудук* бирикмаси **Кўкқудук** жой номи учун этимон бўлиб келган. *Кўк* сўзи **Кўктубе** оронимида *катта, баланд* маъносини англатган. Бу топонимининг этимони *баланд тена* маъносидаги *кўк тубе* бирикмаси саналади.

**Кунқўрмас** (Сур. в. Денов т. тепа) – топоними тўртта маъноли қисмдан ташкил топган: *кун, -ни, қўр, -мас* (349,405-,420-,223-,229-). Вакт ўтиши билан икки *ўзак* морфема орасидаги *-ни* морфемаси тушиб қолган: *кунни қўрмас* > *кунниқўрмас* > *кунқўрмас* > **Кунқўрмас**. Ушбу жой номи тоғ олди худудга тегишли, чунки тоғ олди худудларда қўшнинг нури тушадиган жойлар билан бирга қуёш нури тушмайдиган объектлар ҳам бор. Бу эса топонимни ташкил қилган бирикма таркибидан тушум келишиги кўшимчаси *-ни* мавжудлигини тасдиқлайди. Агар топоним *кун қўрмас* шаклидаги бирикмадан юзага келганда ҳам, *-ни* кўшимчаси фонетик ўзгаришга учраб, тушиб қолган бўларди: *кун қўрмас+ни* > *кун қўрмас* > *кунқўрмас* > **Кунқўрмас**. Аҳоли бу жойларни географик шароитнинг намоён бўлишига қараб номлашган, яъни географик омил бу жойнинг номланишига асос бўлган. Бинобарин, бу бирикма топонимик деривация жараёни асосида топонимга кўчган.

Апеллятив лексикадаги *кун қўрмас* сўз бирикмаси билан ономастик лексикадаги *кун қўрмас* объектли бирикмаси ўртасида фарк куйидагича:

1. Сўз бирикмаси апеллятив лексика маҳсули бўлиб, тобе ва ҳоким кўринишидаги маъноли қисмлардан иборат.

2. Ономастик лексика бирлиги бўлган жой номи эса неча маъноли қисмдан иборат бўлишидан қатъий назар бир сўз, яъни атокли от сифатида қаралади. Шундагина бу топоним билан унга асос бўлган сўз бирикмасидаги фарқни тушуниб олиш мумкин.

*Кўёш нури тушмас, қўёш нурлари жуда кам тушадиган ер* маъносидаги **Кунқўрмас** топонимининг этимони апеллятив лексикада қўлланувчи *кунни кўрмас (кун кўринмас)* кўринишидаги бирикма. Унинг «*қўёш нури тушмас ёки қўёшнинг нури кам тушадиган ер*» маъноси экстралингвистик омил таъсирида шаклланган. Мазкур тарздаги номланишнинг микро-топонимларга ҳослиги Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз туманида ҳамда Фарғона вилоятининг Шохимардон қишлоғидаги объектларда учради<sup>1</sup>.

**Манғит** (Сам. в. Жомбой, Булунғур, Иштихон т; Хор. в. Янгибозор, Қўшқўпир т.; Қаш. в. Фузор т.; ҚқР Амударё т. қ.) - туркий кабилалардан бирининг номи бўлиб, ономастик конверсия ҳодисаси туфайли шаклланган. А. Ишаев бу этнонимнинг келиб чиқишини *мингта от* маъносида қўлланувчи *манг+ат* бирикмасига боғлаб (113,63-65-), туркий этнонимлардан бири эканлигини қайд этган. Т. Нафасов ва З. Дўсимовларнинг таъкидлашларича (211,113-114-;89,92-), Манғит - *минг, минг от, манг от* маъноларини ифодалайдиган сўз. Вакт ўтиши билан *минг от* ёхуд *манг+ат(от)* бирикмалари бир сўзга айланиб кетиб, *мангит* атамаси юзага келган. У туркий, шунингдек, ўзбек уруғларидан бирининг номи сифатида бугунги кунда ҳам қўлланилмоқда. Бунда *а > и* (275,10-) кўринишидаги фонетик ўзгариш рўй берган.

*Мангит* атамаси этнотопоним бўлиб, ҳозирги кунда ҳам жойларга ном сифатида ишлатилмоқда: *мангит > Манғит*. *Минг +от* ясалиши туфайли ясалган манғит сўзи этнонимлашув жараёнини бошидан кечириб, этнонимга айланган: *минг+от мингат > мангат > мангит > Манғит*. Маълум бир вақт ўтгандан сўнг *мангит* уруғи вакиллари яшаган жой маъносини ифодалаб туриш учун бу этноним ономастик конверсия туфайли топонимга ҳам кўчган: *манг + ат > мангит > Манғит*. Бу ерда *ы > а, иғ > не, а > и* фонетик ўзгаришлари рўй берган, яъни фонетик тамойил амал қилган. Бундан шу нарса маълум бўладики, **Манғит** топоними учун *мангит* этноними этимон бўлса, *Мангит* этноними учун эса *минг+от* ясалишидан пайдо бўлган *мангат > мангит* сўзи этимон вазифасини бажарган. Бундан англашилиб турибдики, жой номининг этимони

<sup>1</sup> Мазкур ҳолия ушбу тадқиқот ишини олиб бораётганимизда ва диалектологик амалиёт вақтида кузатганимиз. Бу эса микротопонимларга хос номланиш жараёни нисбатан макротопонимларга ҳам кўчишини тасдиқлаб турибди.



куйидаги тарзда тараққиёт йўлини босиб ўтиб, топонимга айланган: *этимон* > *апеллятив лексика* > *ономастик лексика (топоним)* Бу топоним бир неча аҳоли пункти ва шаҳарнинг номи. Ушбу топоним куйидаги тараққиёт босқичини босиб ўтган: *минг+от* > *мингат* > *миңат* > *мангит* > **Мангит**. Булардан кўри-ниб турибдики, мазкур жой номи куйидаги тарзда колипланган: *апеллятив лексика* > *этноним* > *топоним*.

**Молгузар тоғи** (Жиз. в. Ғаллаорол т. тоғ) топонимининг келиб чиқиши ҳақида иккита тахмин бор:

1. Топоним тўртта маъноли қисмдан ташкил топган: *мол, гузар, тоғ,-и*. Улар объектни номлаш эҳтиёжи туфайли олдин бирикмасига айланган, сўзигра шу бирикма топонимга кўчган: *мол+гузар* > *молгузар+тоғ+и* > *молгузар тоғи* > **Молгузар тоғи**. Бу бирикма топонимлашув ҳодисасининг топонимик деривация жараёнида топонимга айланган.

2. Жой номи тўрта маъноли қисмдан иборат: *мол, гузар, тоғ,-и*. Унинг таркибидаги *мол* сўзи фонетик ўзгаришга учраб шу ҳолга келиб қолган. Аслида бу сўз *мор* сўзи ҳисобланади. Унда, яъни форс-тожикча *шлон* маъносидаги *мор* сўзида *p* > *л* ўзгариши (369,389-) рўй берган: *мор* > *мол*. Объектга ном қўйиш зарурияти туфайли тўртала маъноли қисм бирикиб, бирикмани ҳосил қилган: *мор+гузар* > *мол гузар* > *молгузар+тоғ+и* > *молгузар тоғи* > **Молгузар тоғи**. Бу бирикма топонимлашув ҳодисаси туфайли топонимга кўчган ва *шлони кўп тоғ* маъносини англаган. Унинг этимони *моргузар тоғи* шаклидаги бирикма саналади.

Биринчи тахмин халқ этимологияси бўлса, иккинчи тахминда илмий қимматга эга бўлган фонетик ўзгаришлар туфайли топонимнинг шаклланиши кўрсатиб берилган. Бундан кўриниб турибдики, топонимнинг юзага келиши ва этимологияк таҳлилини амалга ошириш учун фонетик тамойил билан реконструкция усулидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

**Овазқазган // Авазқазган** (Жиззах в. Мирзачўл т.) – топоними учта маъноли қисмдан иборат: *Оваз (Аваз), қаз, -ган* (350,535-536-;163,292-). Унинг биринчи маъноли қисми киши исми бўлиб, ундаги товушларда фонетик ўзгаришлар рўй берган: *а* товуши ўрнида *о* товуши қўлланган: *а* > *о* (168,72-). Бу исм олдин *Аваз* шаклида бўлган, *а* унлисининг *о* унлисига ўзгариши туфайли *Оваз* ҳолатига келиб қолган. Ҳозирги кунда ҳам киши номи *Аваз* ва *Оваз* вариантларида учрайди. *Қаз* сўзи *қаз*и шаклида учрайди ва *ерни чуқур қилиб ковла* маъносини ифодалайди (263, 503-;84, 439-).

Учинчи маъноли бўлак бўлган *-ган* топоформанти туркий тилларда, шу жумладан, ўзбек тилида қадимдан қўлланиб келинган кўшимчалардан бири. У *-қан* сифатдош формасининг тарихий кўринишини ифодалайди: *-ган* тарихий тараққиёт натижасида *-ган* ҳолатига келган. Шёваларда *-ган* шаклида қўлланади, тусланишининг тарихий ўтган замон феъли формасини кўрсатганда *-ган* формасидан фойдаланилади.

*От-сифатдош* шаклидаги мазкур предикатив бирикмадан шаклланган топонимнинг этимони *Оваз қазган* тарзидаги бирикма. *Аваз* исмли киши томонидан қазилган бу қудук шу тарзда номланган. Албатта, *Аваз* деган кишининг қудук қазиши экстралингвистик омил. Экстралингвистик ҳамда лингвистик омилларнинг бирлиги ва топонимик деривация натижасида бу топоним юзага келган.

**Ойқор** (Жиз. в. Бахмал т. тоғ) топонимининг келиб чиқиши ҳақида куйидаги тахминлар<sup>1</sup> бор:

1. Жой номи иккита маъноли қисмдан иборат: *ой, қор*. Ушбу икки сўз бирикиб, сўз бирикмасини, сўнгра қўшма сўзни ҳосил қилган: *ой + қор > ой қор > ойқор*. Юзага келган қўшма сўз ономастик конверсия жараёни туфайли топонимга айланган: *ойқор > Ойқор*. Топоним таркибидаги *ой* (349,526-), *қор* (350,599-;263,565-566-) туркий тилларга оид сўзлар жумласига киради. Ҳосил бўлган топоним *катталиги ойдай қор* деган маънони ифодалайди. Бу маъно топообъектга нисбатан бир қарашда билинадиган маъно бўлгани учун ҳаммага тушунарли. Бунда топонимга синхрон нуктаи назардан қаралган. Шунинг учун ҳам бу тахлилни халқ этимологияси дейиш тўғри бўлади.

2. С. Қораяв бу «*топонимнинг иккинчи компоненти сўзда зар «тоғ» деган маънони англатади*» (360,90-) деган ҳолда бирорта манбани кўрсатмаган.

3. М. Алматов эса топоним таркибидаги *қор (зар)* тополексемасига қараб, сўғд тилининг ёдгорликларидан бири дейди (18,13-), аммо далил келтирмайди. Бу фикрга қўшилиш кийин. Сабаби, ҳамма вақт ҳам қадимий тилларга хос хусусиятлар топонимларда акс этавермайди. Халқ бир жойдан иккинчи жойга кўчиб келиши билан ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаёт талаби натижасида объектларни ўзи қайта номлаган.

4. Жой номидаги *қор* ҳозирги кунда қўлланадиган қор сўзи билан боғлиқ эмас. Топонимнинг биринчи маъноли қисми бўлган *ой* сўзи *уй* сўзининг ўзгарган шакли (*у > о: уй > ой*) бўлиб (275,17-), *оронимияда нотекис, уй-қирли* маъносига эга (211,137-). Қадимги туркий тилда ва Маҳмуд Кошғарий даврида *ой/уй* сўзи *чуқур, чуқурлик, ернинг унқир-чўнқир*, деб изоҳланган (84,365-;162,84-) «*Ой – туркий сўз, уй чуқурлик, чуқур жой лексемасининг ўзгаргани. Ой < уй – чуқур, теран, қазилган жой*» деб Т. Нафасов қайд этган (211,138-). Шу ерда сўзнинг *теран* маъноси топоним учун хос эмаслигини қайд қилиш ўринлидир. *Ой* сўзининг бундай маънода ишлатилишини Х. Ҳасанов ҳам таъкидлаган (379,19-20-), аммо топонимнинг юза келишини далиллар билан асосламаган.

<sup>1</sup> Топонимларни этимологик таҳлил қилиш жараёнида улар ҳақидаги бир-неча тахминларни бериб бориш лозим кўрилади. Уларнинг келиб чиқиши ҳақидаги фикримизни берилган тахминларнинг охиригисидан қайд этишни уринли деб, биламиз.

Жой номининг иккинчи маъноли қисми қор сўзи шу шаклга келгунча унда турли фонетик ўзгаришлар бўлиб ўтган. Бу сўз асли тоғ шаклида бўлган: тағ > тоғ > роғ > роқ > қор. Объектга ном бериш эҳтиёжи натижасида ой сўзига қўшилган тоғ сўзида турли фонетик ўзгаришларни бошидан кечирган, яъни метатеза ҳодисаси рўй берган: ой > тоғ > ойтоғ > ойроғ > ойроқ > ойқор > Ойқор. Бу ҳолда т > д > р шаклидаги фонетик ўзгаришлар (264,112-,118-,143-) таъсирида г > қ ҳолатидаги фонетик ўзгариш амалга ошган (264, 61-,138-139-,153-), аммо р > г ўзгариши амалга ошмаслиги аниқ. Демак, топоним нотекис, ўй-қирли жойдаги тоғ деган маънони беради. Ойқор топонимининг этимони эса турли фонетик ўзгаришларга учраган ўй-қир (ой тоғ) бирикмаси.

5. Агар ой // ўй сўзи чуқур, чуқурлик, ернинг ўнқир-чўнқир, деб изоҳланганлиги (84,365-;162,84-), шунингдек, Ой – туркий сўз, ўй (чуқурлик, чуқур жой лексемасининг ўзгаргани. Ой < ўй – чуқур, қазилган жой, деб қайд этилганлиги (211,138-) эътиборга олинса, мазкур топоним асли табиий-географик ҳолатдан келиб чиққан, яъни ўнқир-чўнқирли жой маъносидagi ўй-қир(ли) шаклидаги жуфт сўздан шаклланган бўлади. Бу ўринда сўзда юқоридаги фикрларга ва шеванинг фонетик конуниятларига мос ҳолда куйидаги фонетик ўзгаришлар рўй берган: ўй-қир > ой-қир > ойқор > ойқор > Ойқор. Сўзнинг иккинчи маъноли қисмидаги и унлиси биринчи маъноли қисмидаги ў > о фонетик ўзгаришига мослашиб, о товушига ўтган: и > о, яъни сингармонизм ҳодисаси амалга ошган (168,70-71-). Булардан кўриниб турибдики, топонимнинг этимони ўнқир-чўнқирли жой маъносидagi ўй-қир(ли) жуфт сўзи. Мазкур топонимнинг келиб чиқиши ҳақидаги биринчи, иккинчи ва учинчи фаразларга ишониш учун далиллар йўқ, тўртинчи ҳамда бешинчи фаразларда эса топоним, шу жумладан, луғавий асосларда юз берган фонетик ҳодисалар фонетик тамойил востисида керакли далиллар билан асосланган.

**Олтинқудук** гидроними (Бух. в. Жондор т. қудук)нинг юзага келиши ҳақида уч хил фараз бор:

1. Аҳолининг айтишича, жой номи иккита маъноли бўлақдан шаклланган: олтин ва қудук. Олтин сўзи қадимги туркий тилда омоним сўз сифатида ишлатилган. Биринчи омоним сўзнинг олтин тарзида қўлланиб, олтин, олтин танга маъноларида ишлатилиши, иккинчи омоним сўз эса географик ном, киши исми, унвон маъноларида қўлланиши қайд этилган (84,40- (Қаранг: Кўрсатилган саҳифадаги ўнинчи ва ўн биринчи сўзликлар). Кейинчалик бу сўздаги у унлиси и унлисига алмашган (264,94-): у > и (олтин > олтин). Объектнинг номланиш талаби ва топонимлашув ҳодисасининг бир кўриниши бўлган ономастик конверсия туфайли бу бирикма топонимга айланган: олтин+қудук > олтин қудук > Олтинқудук. Унинг этимони олтин қудук атрибутив бирикмаси.

Ушбу бирикма курсатилган икки маъноси билан топоним яшашга ўтган: 1) *олтин топилган ёхуд олтин чиққан қудуқ*; 2) *суви ичимли, ноёб, доим суви бор қудуқ*.

Демак, топоним *чўлда, чўлга яқин ерда жойлашган қудуқ* маъносини англатади, чунки қудуқ ҳамма ерда қазилмайди, балки сувсиз ерларда кази-лади. *Қудуқ ва олтин* сўзлари топоним яшашда қўлландиган тополексемалар жумласига қиради. Унинг этимони *олтин қудуқ* бирикмаси.

2. Топоним иккита тополексемадан иборат: *олтин, қудуқ*. Иккинчи тополексема синхрон планда бир сўз, диахрон планда эса у ясама сўз. Биринчи тополексема қадимги туркий тилда икки хил ёзилган (84,40-): *олтун ва олтин*. *Олтун* сўзи ҳақида юқорида гапирилди. *Олтин* (*олтин*) сўзи олтин сўзи билан шаклан бир хил бўлиб қолган (84,40- (курсатилган саҳифанинг биринчи сўзлиги)). Ушбу сўз *олтин, тилла* маъносини англатмайди, балки *ости ва қуйи* маъноларини ифодалайди. Л. Каримова сўзда мазкур маънонинг борлигини шимолий ўзбек шевалари материаллари асосида қайд этган (127,81-). Вақт ўтиши билан *i* унлиси *и* унлисига алмашган (264, 95-96-): *i > и, олтин > олтин*. Бу сўзнинг юзага келиши ҳақида Б. Тўйчибоев ҳам махсус тўхталган (310,66-69-). Мазкур сўзга *қудуқ* сўзи қўшилгач, топоним шаклланган: *олтин > олтин+қудуқ > олтинқудуқ > Олтинқудуқ*.

1. Тахминимизча, жой номи учта маъноли қисмдан ташкил топган: *ола, тўн, қудуқ*. Бу фикрни кишилар қиядиган *тўннинг ола тўн* деган тури ҳам борлиги тасдиқлайди. *Ола тўн // олатўн* бирикмасидаги *тўн* сўзи туркий тиллардан ёқут, қирғиз, татар тилларида ҳам *тўн* маъносида ишлатилишини Ф. Р. Зейналов ва М. Д. Новрузов қайд этишган (106,45-50). *Ола* сўзи асли *ала* шаклида бўлиб, *а* унлиси *о* унлисига ўзгарган: *а > о* (369, 383-) ва *оқ-қора, оқ-малла; турли хил рангли, йўлли ёки гулли; чипор* каби бир неча рангни ифодалайди (349,528-). *Олатўн* сўзининг *қудуқ* сўзига бирикиши натижасида *а* унлиси тушиб қолган, *ў* унлиси эса *и* унлисига алмашган (*ў > и*) *олатўн+қудуқ > олатўн қудуқ > олтўн қудуқ > олтин қудуқ > олтинқудуқ > Олтинқудуқ*. Мазкур топоним қудуқ сувининг лойқалигини англатади. Демак, унинг этимони *олатўн қудуқ* бирикмаси саналади.

Бинобарин, биринчи фаразда қайд этилган *Олтинқудуқ* топонимининг *олтин топилган қудуқ* ва *суви ичимли, ноёб, доим суви бор қудуқ* маънолари иккинчи фараздаги *Олтинқудуқ* (*Олтинқудуқ*) жой номининг *қуйи, ост қудуқ* маъносига зиддир. Бизнингча, иккинчи ва учинчи фаразда жон бор. Ушбу топоним *қуйишқдаги қудуқ* деган маънони билдиради: *олтин+қудуқ > олтин қудуқ > олтинқудуқ > Олтинқудуқ* (*Олтинқудуқ*) *> Олтинқудуқ* (этимони *олтин қудуқ* бирикмаси). Шу ўринда *олтин* апеллятиви билан шаклланган *Олтинтепа* (Тош. в. Тош. т. тепа ва аҳоли пункти) топоними бошқа объектларга нисбатан олганда *қуйишқдаги тепа*

маъносини англантишини ҳамда *олтин тепа* бирикмаси унинг этимони эканлигини қайд этиш ҳам ўринли.

*Қудуқ* сўзининг шаклланиши ҳам *қўйи* сўзи (263,571-) билан боғлиқ: *қўйи* > *қуди+қ* > *қудиқ* > *қудуқ*. Топоним ономастик конверсия жараёни асосида шаклланган ва унинг этимони *олтин қудуқ* бирикмаси саналди. Шу билан бирга, *суви лойқа қудуқ* маъносидаги *олатўн қудуқ* бирикмаси ҳам топонимнинг шаклланишига асос, яъни этимон бўлган. *Олтин, олатўн // олтўн (олтин)* сўзлари билан шаклланган топонимлар мамлакатимизнинг Самарқанд (354,101-), Андижон (236,13-,23-) вилоятларида, шунингдек, Қозоғистон(Чимкент)да (127,81-) мавжуд.

**Онаўлган** (Тош. в. Бўстонлиқ т. сой ва жой) топонимини мисол сифатида кўрсатиш мумкин.

Мазкур топонимнинг келиб чиқиши ҳақида иккита тахмин бор:

1. *Она* сўзи бу бирикмада эга, *ўлган* сўзи эса кесим: *она ўлган*. Мана шу ҳолат билан предикатив бирикма шаклланган. Топонимик деривация натижасида бу бирикма ономастик лексика таркибига кўчган: *она+ўл+-ган* > *она ўлган* > **Онаўлган**. *Ўлмоқ* сўзининг *вафот этмоқ* маъноси билан *она* сўзининг биринчи маъноси биргаликда предикатив бирикма шакллантирган: *она+ўлган* > *она ўлган*. Топонимнинг этимони предикатив бирикма бўлган *она ўлган* бирикмаси. Мазкур топоним *она ўлган, қазо қилган жой* деган маънони ифодалайди. Бу аҳолининг ўзи билган объект ҳақидаги халқ этимологияси кўринишидаги фаразни ҳисобланади. Ушбу фикрга қўшилиб бўлмайди, чунки унга синхрон пландагина қаралган.

2. *Она ўлган* бирикмаси товуш ўзгаришларига учраб, шу ҳолга келиб қолган. Топоним таркибидаги *ўлган* лугавий асоси қадимги туркий тилда *ўланг* шаклида айtilган бўлиб (84,383-), *ўл+-ан* тузилишига эга. *Ўл – ҳўл, нам, суви бор; кўкат ва ўтнинг яшнаб турган даври* маъносини ифодалайди. *-анг* қўшимчаси сўз ўзагидан англашилган белги, маълум нарса ва предметнинг хослиги, шунингдек, мавжудлигини билдиради. Бу сўз қадимги туркий тилда *кичик ўтлоқ* маъносини ифодалайди (84,383-). Ушбу сўз билан юзага келган топонимларга Т. Нафасов *Ўланбулоқ, Ўланг* жой номларини мисол қилиб келтирган (211,228-229-). Икки тополексема қўшилиб, сўз бирикмаси ва қўшма сўзини ҳосил қилган: *она+ўланг* > *она уланг* > *онаўланг* > *онаўлган* > **Онаўлган**. Талаффузда *ўланг* сўзида метатеза ҳодисаси рўй берган: *ўланг* > *ўлган*. Қайд этилаётган ҳодиса туфайли ҳосил бўлган сўзга синхрон нуктаи назардан қаралгани учун юқоридаги биринчи тахмин юзага келган.

Бинобарин, ҳосил бўлган сўз бирикмаси қўшма сўзга айланиб топонимлашув ҳодисасининг топонимик деривация жараёни оқибатида ономастик лексика сатҳига кўчиб, топонимга айланган: *она+ўланг* > *она ўланг* > *онаўланг* > *онаўлган* > **Онаўлган**. Топонимнинг этимони *она ўланг* бирикмаси. Ундаги *она* сўзини *она-Ватан* бирикмасидаги *она* сўзига қиёсласак,

макон. юрт. жой деган маъноларни ифодалаши аён бўлади. Демак, топоним *ўт-ўланга макон*, *ўт кўп ўсадиган жой* деган маънони ифодалайди. Мазкур топоним ҳақидаги биринчи фараз синхрон планда қаралган. Иккинчи фараз эса диахрон планда қўрилган.

Бизнингча, топоним ҳақидаги иккинчи тахминда асос бор. Бу топоним тарихий-тараққиёт натижасида фонетик ўзгаришга учраб, салбий маънони ифодалайдиган ҳолатга келиб қолган: *она + ўланг > она ўланг > онаўланг > онаўлган > Онаўлган*. Топонимнинг этимони *она ўланг* бирикмаси. Демак, топоним *ўт-ўланга макон*, *ўт кўп ўсадиган жой* деган маънони ифодалайди. Унинг этимологик таҳлилидан кўриниб турибдики, топонимнинг луғавий асоси ва унга таъсир қиладиган турли фанларнинг далиллари мажмуи бу таҳлилнинг *ҳақиқатга яқинлиги* муаммосига ойдинлик киритган.

**Орарик** (Нам. в. Чортоқ т. ариқ) – топоними иккита маъноли қисмдан иборат: *ор*, *арик* (84,50-;270,186-189-). Жой номи диахрон усулда кузатилса, унинг биринчи тополексемасида а унлиси о унлисига алмашган: *аралиқдаги > оралиқдаги > оралиқ > ора*. Биринчи тополексемадаги охирги товуш бўлган *а* унлиси иккинчи тополексемадаги биринчи товуш бўлган *а* унлиси билан ёнма-ён келиб қолгани учун эллипис ҳодисасига учраган: *ора+арик > ораарик > Орарик*. Ономастик конверсия жараёни билан топонимга кўчган. Ушбу топоним оралиқдаги ариқ бирикмаси фонетик ўзгаришларга учраши натижасида шаклланган дейиш ўринли. Демак, топонимнинг этимони *оралиқдаги ариқ* бирикмаси. *Ора жойдаги ариқ* деган маъно ушбу топонимнинг маъноси.

**Отчопар** (Тош. ш.; Қаш. в. Қарши т.; ҚқР Нукус ш. майдон) – топоними учта маъноли қисмдан иборат: *от*, *чоп*, *-ар*. У иккита табиий-лисоний жараён асосида шаклланган: 1) Чоп ўзагига *-ар* қўшимчаси қўшилиб, феълнинг сифатдош шаклини ясаган: *чоп+ -ар > чопар*; 2) шаклланган сифатдош ишчи ҳайвон номи бўлган *от* сўзи билан қўшилиб, тобе алоқанинг феълли ҳолати юзага келган: *от+чопар > от чопар*.

Топонимик деривация жараёнида бу феълли бирикма предикатив бирикма қолипти топонимга айланган: *от чопар > Отчопар*. Кишилар топоними *ортга чопар* маъносида *ортчопар > отчопар > Отчопар* тарзида ҳам изоҳлашади. Бу ҳолда сўз таркибидаги *р* ундоши тушиб қолган. Аммо ушбу фаразга қўшилиб бўлмайди. Топонимнинг этимони *от чопар* кўринишидаги феълли бирикма.

**Отчопар** топоними *кўп объектли топонимлар* жумласига киради. Масалан, ҚқР, Тошкент шаҳрининг қатта бир майдони *от* билан бўладиган мусобакага мослаштирилгани учун **Отчопар** дейилади. Бу топоним вилоятларда ойконим ва спорт мусобакаси бўладиган майдонларга, жумладан, кўпкари чопиладиган жой бўлган объектга ном сифатида қўланилган. Демак, предикатив бирикмадан шаклланган бундай топонимлар

бир неча объектга ном булиш вазифасини ҳам бажарган. Объектларнинг номланишига майдонга хос хусусиятлар сабаб булган: **Отчопар** (майдон), **Отчопар** (ҳам кишлок, ҳам майдон) каби объектларнинг номларини англатади.

**Оқбўйра** (ҚқР., Сам., Сур., Фар. в. овул ва қ.) – топоними иккита маъноли булакдан ташкил топган: *оқ, бўйра*. Бу топоним таркибида *оқ сўзи ранг* маъносини англатади. Кишилар қамишдан яшаш жойларига тушаш мақсадида *бўйра* тўқишган. Бўйранинг қамиши *оқ, оқшироқ* рангда булган. Шунинг учун *оқ сўзи ранг* деган маъноси билан мазкур топоним таркибида қўлланган. Ономастик конверсия жараёнида бу бирикма бир бутун сўзга айланиб, атрибутив бирикма қолипга жой номига кўчган: *оқ+бўйра > оқ бўйра > Оқбўйра*. Бу топоним Қорақалпоғистон Республикасининг **Орол денгизи** бўйидаги ҳудудида жойлашган. *Оқ, оқши рангли бўйра* маъносидаги *оқ бўйра* бирикмаси бу топоним учун этимон вазифасини бажарган.

**Оқбўйра** (Сур. в. Денов т.; Сам. в. Оқдарё т. қ.) деб аталган иккинчи топонимни қамишдан ўтириш учун ва кишиларнинг яшаш жойларига тушаш мақсадида тўқиладиган *бўйрага* боғлаб бўлмайд. Шу билан бирга, Қирғизистоннинг Ош вилоятида **Оқбара, Оқбўри** шаклидаги топонимлар борлигини диалектологик амалиёт вақтида бир неча марта кузатганмиз. Агар шу учала топоним бир вақтда таҳлил қилинса, у холда **Оқбўйра** топоними билан **Оқбўри** ёки **Оқбара** топонимларининг фонетик жиҳатдан ўзаро алоқадорлиги сезилади: топоним таркибидаги *й* ундоши орттирилиб, *и* унлиси *а* унлисига талаффуз жараёнида ўтган (*и > а, Оқбўри > Оқбўйри > Оқбўйра*). Булардан кўриниб турибдики, топонимнинг этимони ё *оқ бўри* (оқ рангли билдиради), ёки *оқ бўри* (оқ сўзи бу ерда катта маъносини ифодалайди), яъни *катта бўри* маъносидаги *оқ бўри* бирикмаси.

Ушбу топоним Фарғона вилояти Олтиариқ туманида, Андижон вилояти Асака туманида ҳам учрайди. Н. Охуновнинг кўрсатишича (235,40-), улар этнотопонимлар бўлиб, кипчоқларнинг бир уруғининг номи (*оқ бўйра*)дан шаклланган: *оқ+бўйра > оқ бўйра > оқбўйра > Оқбўйра*. Демак, Қорақалпоғистон Республикасида ва Фарғона вилоятида учраган **Оқбўйра** топоними олдин *қамишдан тўқилган бўйра* маъносини билдирган, кейинчалик у этнонимга, сўнгра этнотопонимга айланган. Сурхондарё вилояти ва Қирғизистонда тоғлик жойларида бўрилар кўп учрагани учун **Оқбўйра** топоними *катта бўри* маъносида *оқ бўри* бирикмасидан фонетик ўзгаришлар натижасида юзага келган дейиш ўринли: *оқ бўри > оқ бўйри > оқбўйра > Оқбўйра*. Бу ерда *й* ундоши орттирилган, *и // э, а // э* товушларининг мослашуви натижасида *и > э > а* (ёки *и // э // а*) фонетик ўзгаришлари рўй берган. Бундай фонетик ўзгаришлар ҳақида Б. А. Серебренников, Н. З. Гаджиева ва Қ. Махмудовлар ўз тадқиқотларида қайд этишган (275,13-23-;167,115-). Бинобарин, топонимлар то маълум бир

шаклга келиши учун уларда бир неча фонетик ўзгариш шаклидаги жараёнлар рўй берган.

**Оқсоқота** (Тош. в. Паркент т. т. ва қ.) топонимининг этимологик таҳлилида харита билан ишлаш усули алоҳида аҳамиятга эга. Мазкур топонимнинг келиб чиқиши ҳақида иккита тахмин бор:

1. Халқ вакиллари бу топонимни *чўлоқ, оқсоқ киши яшаган жойнинг номи* деб изоҳлашади: *оқсоқ+ота > оқсоқота > Оқсоқота*. Бу тахминда қандайдир маънода кишини камситиш сезилиб турибди.

2. Топоним аслида учта маъноли қисмдан ташкил топган: *оқ, соқол, ота*. Улардан *оқ* ва *ота* сўзлари олдин *ақ, ата* шаклида бўлган каби *соқол* сўзи *сақал* шаклида айtilган (162,109-,215-,114-). Кейинчалик *а* унлиси *о* унлисига (275,9-) ўзгарган. Ушбу учта апеллятив бирикиб, жой номини ташкил қилган вақтда *соқол(сақал)* сўзидаги *ол* бўғини тушиб қолган ва ономастик конверсия натижасида апеллятив лексикадан ономастик лексикага кўчган: *оқ+соқол+ота > оқсоқол ота > оқсоқолота > оқсоқота > Оқ-соқота*. Бу тарзда шакланган топоним *кекса киши, оқсоқол ота яшаган жой* деган маънони англатади. Мазкур объектнинг табиий географик ҳолати, яъни экстралингвистик омил ҳам бу ҳолатни тасдиқлайди. Сабаби, тоғнинг баландлиги катта гавдали кишини эслатса, ундаги қорлар эса ўша одамнинг соқолига ўхшайди. Ном олдин *Оқсоқолота* шаклида бўлган, кейин харитада **Оқсоқота** тарзида қайд этилиб кетган. Демак, ном олдин тоққа берилган. Сўнгра у кишлокқа нисбатан ном сифатида ишлатилган. Унинг этимони *оқсоқол ота* шаклидаги атрибутив бирикма. Аммо топонимни чизикча билан (**Оқсоқ-ота**) ёки ажратиб ёзиш (**Оқсоқ ота**) нотўғри.

Булардан кўриниб турибдики, биринчи тахмин халқ этимологияси саналади. Иккинчи тахминда эса ҳам фонетик ўзгариш, яъни бўғиннинг тушиб қолиши эътиборга олинган, ҳам географик жойлашиш назарда тутилган. Шунинг учун иккинчи тахмин, бизнингча, ҳақиқатга яқинроқ.

**Оққишлоқ** (Қаш. в. Қамаш т. қ.) – топоними иккита маъноли бўлақдан ташкил топган. Биринчи маъноли морфема *оқ* сўзи бўлиб, *ранг* маъносини ифодалайди. Иккинчи маъноли қисм *қишлоқ* сўзи, у то шу ҳолатга келгунча тарихий сўз ясалиш жараёнини бошидан кечирган: *қиш+ла > қишла+қ > қишлоқ*.

Унинг *оқ* сўзи билан шаклланишига сабаб иккита:

1. Аҳоли пункти бинолари оқ рангли қурилиш материалларидан, яъни оқ тош, оқ ғишт, оқ тупроқдан ясалган.

2. Бадани оқарган кишилар яшайдиган кишлок ҳам **Оққишлоқ** деб аталади. Масалан, Шаҳрисабз шаҳрининг жанубидаги Янгиҳаёт кишлоғидаги бир гузарни аҳоли **Оққишлоқ** деб атайди.

Иккала ҳолатда ҳам *оқ* сўзи *белги, ранг* маъноларини англатган. Бизнингча, оқ рангли қурилиш материалларидан тикланган кишлок маъно-



сидаги **Оқкишлоқ** топонимининг этимони *оқ қишлоқ* бирикмаси. Демак, топонимда семантик ўзгариш юз берган. Унинг шаклланишида географик омилнинг таъсири сезилиб турибди.

**Оққўргон** (Тош. в. т.) – топоними иккита маъноли қисмдан ташкил топган: *оқ* ва *қўргон* Албатта, *қўргон* сўзи диахрон планда ясама сўзлигини, унинг ўзаги *қўр* сўзи эканлигини эътиборга олиш лозим. Бироқ *қўргон* сўзи бир бутун ҳолатга келиши учун *қўри+гон* шаклидаги сўз ясалиши рўй берган. Ҳосил бўлган *қўргон* сўзи *ҳимоя тўсиғига эга бўлган шаҳар*, *қўргон* маъноларини англатган (84,458-). *Қўр* ва *-гон* морфемалари ўзаро бириқиб, *қўргон* сўзини ҳосил қилган. Ушбу ясалиш диахрон пландаги сўз ясалиши. Шаклланган сўз топонимлашув ҳодисасининг топонимик деривация жараёнида топонимга айланган: *қўри // қўри+ган > қўрган > қўргон > Қўргон*.

*Қўргон* сўзи топонимик лексикада жой номи, апеллатив лексикада эса оддий сўзлардан бири. *Қўргон* сўзига *оқ* сўзининг қўшилиши билан сўз бирикмаси ва қўшма сўз, сўнгра топоним ҳосил бўлган: *оқ+қўргон > оқ қўргон > оққўргон > Оққўргон*.

Унинг этимони одатдаги нутқий жараён маҳсули бўлган апеллатив лексикада фаол ишлатилувчи *оқ қўргон* бирикмаси бўлиб, у топонимлашув натижасида жой номига кўчган: *оқ+қўргон > оқ қўргон > оққўргон > Оққўргон*. Бу топоним *ҳам оқ рангли, ҳам нисбатан баландроқ бўлган қўргон* деган маънони англатади. Бизнингча, *оқ* сўзи бу топоним таркибида баландлик маъносини ифодалаган. Бу ҳолни **Оқсарой**, **Кўксарой**, **Қорасарой** топонимлари билан қиёсланса, билинади: **Қорасарой** – *кичик сарой*, **Кўксарой** – *катта ва кенг сарой*.

*Оқ* сўзи топонимлар таркибида *ранг, ҳашаматли, дабдабали, баланд, улуглик* маънолари билан қўлланади (141,170-172-). Қайд этилишича, **Оқсарой**нинг бугунги кунгача сақланган қисми қурилган ҳолатидаги баландлигининг ярми экан (356,89-). Мазкур топоним *оқ рангли, ҳашаматли ва баланд ҳамда улуг сарой* маъноларини англатади. **Оққўргон** топоними *оқ белгилли, ҳашаматли, дабдабали қўргон* маъноларини ифодалайди. Бундай жой номлари Тошкент вилоятида ва қўшни Қозоғистон Республикасининг жанубий ҳудудида кўп учрайди (127,20-23-). Бинобарин, мазкур топоним кўп объектли топонимлар таркибига киради.

**Олтиарик** (Фар. в. т.) топонимининг юзага келиши ҳақида тўрт хил тахмин бор:

1. Айтишларича, мазкур жой номининг пайдо бўлишида объект олдидаги олти ариқ номланиш жараёнида етакчи восита бўлган. Мазкур фикрни Н. Охунов ҳам «Ўтмишда Шохимардон сойдан оқиб келган сув ҳамда Чимён қишлоғидан чиқаётган булоқ сувлари ҳозирги **Олтиарик** қишлоғига етиб келганда олти ариққа, олти тармоққа бўлиниб кетган. Шу сабабли бу жой ариқнинг сонига, миқдорига нисбат берилгани ҳолда **Олтиарик** деб атала бошланган» деб тасдиқлаган (236,38-). Бу икки

фикрга қўшилиб бўлмайти, чулки жиддий эътибор берилса, кўпчилик топообъектлар ёнида бир неча гидроним(арик)ларнинг бўлиши табиий ҳол.

2. Шеваларда *арық* // *арыг* сўзи *тоза*, пок, *тўғри*, ҳақ маъноларида ишлатилишини эътиборга олинса (351,20-), у ҳолда **Олтиарик** топоними *олтита*, яъни *жуда кўп тоза*, пок, *ҳақсўй инсонлар яшаган жой* деган маънони англатади. Аммо *арық* // *арыг* сўзи Урганч, Хива, Хонқа шеваларида юқорида кўрсатилган маъноларда учраса ҳам, Фарғона шевасида эса айрилган маъноларда учрамайди.

3. Топоним *орт* ва *арық* кўринишидаги маъноли булаклардан ташкил топган. Топонимик деривация жараёни таъсирида биринчи маъноли қисмда *р > л* тарзидаги фонетик ўзгариш рўй берган. Иккинчи маъноли қисм ўр-тасида *и* унлиси орттирилган: *орт* + *арық* > *орт арық* > *ортаарық* > *ол-тарық* > *олтиарық* > **Олтиарик** Исталган бир объект ариққа нисбатан *арық орти* маъносида жойлашиши аниқ, Шунинг учун *орт арық* бирик-маси топоним учун этимон бўлиб келиши мумкин.

4. Бу топонимнинг шаклланишига *арық олди* маъносидаги *олди арық* ибораси асос бўлган. Бизнингча, бу фикрда ҳам лингвистик, ҳам экстралингвистик асослар бор. Топонимнинг *олд* ,*-и*, *арық* кўринишидаги маъноли булаклари бор. Улар бирлашиб *сўз*, *сўз бирикмаси*, *қўшма сўз* ва ниҳоят, жой номини ҳосил қилган: *олд*+*-и*+*арық* > *олди* + *арық* > *олти арық* > *олтиарық* > **Олтиарик**. Бунда *д > т* (167,149-) шаклидаги фонетик ўзгариш рўй берган. **Бешарик** топоними эса *олд арық* маъносидаги **Пешарик** топонимининг фонетик ўзгарган шакли: *п > б* (168,73-). Н. Охуновнинг бу объект ариқларнинг миқдорига қараб номланган, деган фикрини ўйлаш керак (236,38-). *Олти* сўзининг *олд* ёхуд *орт* сўздан шаклланганлигини географик омил ҳам тасдиқлайди.

Табиий географик муҳит эътиборга олинган ҳолда олтига ариқ бошланган жой **Олтиарик** деб аталган. Бундай жой номлари микротопонимлар жумласига қирадиган гидронимлар тизимида учрайди. Кўп сув оқадиган гидронимнинг кичик ариқларга бўлинган жойи **Олтиарик** дейилади, аммо у ерда аҳоли яшамайди. Олдида ариқ, дарё ёки булок мавжуд бўлган жой халқнинг таъбири билан айтганда, *энг яхши жой*, *баҳаво ер* саналади. Бу ҳол эса *олд*+*-и* > *олди*+*орық* > *олдиарық* > *олтиарық* > **Олтиарик** тарзида топонимик деривация жараёни юз берганини асослашга ёрдам беради. Ушбу топоним ёнида жойлашган *олд арық* маъносидаги **Бешарик** ва **Тошарик** топонимлари эътиборга олинса, ушбу ҳудудда ҳам қатор қонуни (215,33-38-)нинг алоҳида шаклда амал қилишини қайд этиш лозим. Демак, унинг этимони *олди арық* ёки *орт арық* шаклидаги бирикма.

**Оксарой** (Қаш. в. Шах. т. ХУ асрда қурилган, тарихий аҳамиятга эга бўлган объект; Тош. ш. тарихий, маъмурий бино) – топоними иккита маъноли қисмдан иборат: *оқ*, *сарой*. Уларнинг биринчиси туркий, иккинчиси эса форс – тожикча (349, 557-;350, 24-). Демак, мазкур топоним

субстрат жой номи<sup>1</sup> ҳисобланади. Бу икки сўз бирикиб, бирикмани ҳосил қилган. Сўнгра топонимлашув ҳодисаси турфайли жой номига кўчган: *оқ сарой* > *оқ сарой* > *оқсарой* > **Оқсарой**. Бугунги кунда *оқ* сўзи *ранг* маъносини билдиради. Бироқ ушбу сўз олдин *тоза*, *ҳашаматли*, *дабдабали*, *оқ ранг* маъноларида ҳам қўлланган (141, 170-).

Бизнингча, *ранг* маъносини билдирувчи *оқ* сўзига объектни номлаш учун танлаб, *ҳашаматли* ва *дабдабали* маънолари юкланган. Уҳолда ҳозирги кунда бу объектнинг ярим қисми сақланиб қолган бўлса ҳам **Оқсарой** топоними *оқ сарой* деган маънода эмас, балки *давлат аҳамиятига молик бўлган ҳашаматли ва дабдабали сарой* деган маънони беради. Шу билан бирга Тошкент шаҳридаги **Оқсарой** ХУ асрда барпо этилган Оқсаройга ўхшашлик асосида номланган. *дабдабали ва ҳашаматли* сарой маъносини ифодалайди. Биринчи топонимнинг этимони ҳам *оқ сарой* бирикмаси. Иккинчи топоним биринчи объектнинг номини кўчириш орқали шаклланган. Демак, унинг этимони Оқсарой топоними. Шу билан бирга **Оққишлоқ** (Қаш. в. Қамаш т. қ.; Шаҳ. т. Янгихаёт қишлоғи ёнидаги қишлоқга, иккинчи номи **Махов гузар**) топонимидаги *оқ* сўзи бу маънода эмас, балки касалликдан кейин бўладиган доғ маъносидан қўлланади. Мазкур топоним баданида *оқ* доғлари бор кишилар яшайдиган жой деган маъносини ифодалайди: *оқ+қишлоқ* > *оқ қишлоқ* > *оққишлоқ* > **Оққишлоқ**. **Оққишлоқ** (Қаш. в. Қамаш т. қ.) топонимидаги *оқ* сўзи эса *оқ рангли қурилиш материалларидан тикланган* қишлоқ маъносини англатади, унинг этимони *оқ қишлоқ* бирикмаси.

**Сават** (Жиззах в. Зомин т., Қаш. в. Шаҳ. т. қ.) топонимининг келиб чиқиши ҳақида бир неча тахмин мавжуд:

1. Халқ вакилларида бу топонимнинг шаклланиш жараёни ҳақида сўралганда, уни сават сўзига боғлашади: *сават* > **Сават**. «*Сурх новда, чивик, сим ва шу каби нарсалардан тўқилган идиш сават дейилади*» (350,7-бет). Кишилар яшайдиган объектларни бу тарзда номлаш жуда кам учрайди. Шу билан бирга бу ерда яшовчиларнинг тирикчилиги сават тўқувчилик касбига боғлиқ ҳам эмас. Демак, бу тахмин халқ этимологияси саналади.

2. Ушбу топоним иккита маъноли қисмдан шаклланган: *са*, *ват*. Мазкур апеллятивлар форс-тожикча сўзлар жумласига қиради: *се* (240,634-) > *са*, *савад* > *вад* > *ват*. Иккинчи маъноли қисмнинг *ват* ҳолига келиши сўз бошида товуш тушиши ҳодисаси билан боғлиқ. Сабаби, бу сўз аслида *савад* кўринишидаги омоним сўз саналади<sup>2</sup>. Унинг иккинчи маъноси *ўралган жой*, *одамлар дам олиб ўтадиган қўноқ* маъносини англатади. Бу сўзлар бирикиб, сўз бирикмасини, сўнгра қўшма сўзни ҳосил қилган: *се+савад* > *се сават*. Ҳосил бўлган қўшма сўз топонимлашув ҳодисаси ту-

<sup>1</sup> Икки тил элементларидан иборат топоним.

<sup>2</sup> У урлалган жой, қалъа қўрғон маъноларидаги *кено*, *кат* шаклидаги сўзлардан фонетик ўзгаришлар билан юнги келган бўлиши ҳам мумкин.

файли жой номига кўчган: *сесавад* > *севад* > *севат* > *сават* > **Сават**. Юзага келган топоним учта кишлок, *учта қуноқ жой* деган маънони англатади. Унинг этимони *се савад* бирикмаси ҳисобланади. Бу топонимларнинг эътиборли томони шундаки, улар катта йўллар ёнида жойлашган кишлоклар жумласига киради. Йўлдан ўтиб катнайдиغانларнинг ҳамма нарсаси кечкурун (олдинги даврда) учала қуноқда жойлашган. Мана шу экстралингвистик омил натижасида объект номланган. Аммо вақт ўтиши билан *сесавад* қўшма сўзи фонетик ўзгаришлар натижасида *сават* ҳолатига келиб қолган.

**Сариқул** (Сам. в. Нуробод ва Пастдарғом т. қўл) – топоними иккита маъноли қисмдан иборат: *сари*, *қўл* (350,23-,349,414-). Унинг биринчи маъноли қисми бўлган *сариқ* сўзи талаффузда фонетик ўзгаришга учраб, қ ундоши тушиб қолган: *сариқ* > *сари*. Унга иккинчи маъноли қисм қўшилиб, олдин сўз бирикмасини, сўнгра қўшма сўзни ҳосил қилган. Ҳосил бўлган қўшма сўз эса топонимлашув ходисасининг ономастик конверсия жараёнида жой номига айланган: *сариқ+қўл* > *сариқ қўл* > *сариқул* > *Сариқул*. Мазкур топонимнинг этимони *сариқ қўл* бирикмаси саналади. Топоним *сариқ рангли* қўлнинг номини ифодалайди. Бу топонимларнинг таркибидаги *кўрғон*, *тепа*, *қўл*, *тау* (*тоғ*), *қия* сўзлари топоасос вазифасида қўлланган. Бу ҳолатлар атрибутив бирикма ва шундай бирикма қолипли топонимларга хос бўлган хусусиятларни кўрсатган.

**Самарқанд** (Сам. в., т., ш.) топонимининг келиб чиқиши ҳақида қуйидаги фаразлар бор:

1. Топонимнинг аталишига Абу Тоҳирхожа бешта сабаб кўрсатган (11, 16-). Муаллиф уларда киши исми бўлган *Самар* сўзига *кент*, *қанд* сўзлари қўшилиши билан **Самарқанд** ҳосил бўлган, дейди. Унинг бу тарзда номланишини экстралингвистик омил бўлган арабларнинг келишига боғлайди.

2. У тўғрисида Х. Ҳасанов қуйидагиларни ёзган: “Самарқанд – энг қадимий шаҳарлардан бири. Бир номи Афросиёб. Искандар замонида **Мароқанд** (378,61-) деб аталган, яна унинг **Самариана**, **Самаранка**, **Саканна**, **Самманген** ва **Самакиян** сингари шакллари бор. Унинг номларидан кўра бир-бирига зид бўлган изоҳлари кўп:

2.1. **Мароқанд** – қадимий форс тилидаги *хамара* – *ийгин*, *тўпланиши* маъносидоги сўздан олинган. Кишилар шу жойда тўпланишиб, маслаҳат қилганлар.

2.2. **Самар** – қудук номи. Унинг теварагида йиғинлар бўлган, ўйин томошалар ўтказилган.

2.3. **Самара** – киши исми, сарқарда. **Самарқанд** у эгаллаган шаҳар.

2.4. **Шамар** ва **Қамар** – яманлик шаҳзодалар шаҳарни бино қилишган.

2.5. **Самара** – мева, ҳосил; қанда – ширинлик, яъни ширин-шакар шаҳри(378,61-).

3. Абу Райхон Беруний Самарқанд – туркий тилда Самизканд маърифат шаҳарларидан бири деб ёзган (376,125-128-). Уғуллар билан яқин турувчилар Самарқанд шахрини катталиги учун Самизканд – *семиз шаҳар* дейдилар. Уни форслар Самарқанд тарзида қўллашган (162,330-).

4. Маҳмуд Қошғарий бу ҳақида қуйидагиларни айтган: «Самарқандни катталиги учун *сэмиз канд* – *семиз шаҳар* дейдилар. Буни форслар Самарқанд тарзида қўллайдилар» (162,330-)

5. Бобур бу ҳақида қуйидагиларни таъкидлаган: «Самарқандни Искандар бино қилгандир. Муғул ва турк улуси уни Семизкенд дерлар» (47,43-). Бу фикрда объектнинг ҳажми эътиборга олинган ҳолда унинг номи асосланган. Сабаби, унда ҳам лингвистик, ҳам экстралингвистик омил мавжуд. Бу фикрни Ҳофиз Таниш Ибн Мир Муҳаммад Бухорий ҳам тасдиқлаб ўтган (381,205 б-).

6. Б. Ўринбоев топоним таркибидаги *самар* сўзининг маълум бўлган тўртта маъноси (*киши номи; мева, ҳосил, ширинлик; катта; йиғин, тўпланиш, маслаҳат жойи*) билан биргаликда хозиргача номаълум бўлган *ариқ* ва *канал* маъноларини кўрсатиб, «Самарқанд топонимининг сув объекти билан алоқадор номи ҳақиқатга яқин. Самарқанд - *ариқ ёнидаги қишлоқ, шаҳар демак*, деган фикрни илгари сурган. (354,117-;355,153-). Ушбу фикрда объектнинг қандай объект(лар)нинг ёнида жойлашганлиги эътиборга олинган, аммо далил келтирмайди. Шунинг учун унга қўшилиш кийин.

Юқорида қайд этилган тўртта фикрда ҳам Самарқанд Самизканд, Семизканд тарзида қайд этилган. *Самиз, семиз* сўзининг *бой* деган маъноси бор (350,36-). Масалан, деҳқонлар *семиз тупроқ* деб, *бой ва унумдор ерни* айтадилар. Бизнингча, Самарқанднинг илк кўриниши *Самизкенд // Семизкент* бўлиб, *бой шаҳар, улуг шаҳар* маъносини ифодалайди. Биринчи ва олтинчи фикрда эса *киши исми (Самар+қанд)* ва *ариқ бўйидаги қишлоқ* маънолари берилган.

Албатта, мазкур жой номини этимологик таҳлил қилишда *семиз* сўзининг *самар* сўзига айланиб кетиши (*семиз > самар*) сингармонизм ходисаси билан боғлиқ, кенд сўзининг *қанд* (*кенд > қанд*) шаклига ўтиб, яъни *е, и* товушларининг *а* товушига (*е > а; и > а*) ўтиши, *з* товушининг *р* товушига (*з > р*), *к* товушининг *қ* товушига айланиши ва маълум бир маъноларни ифодалаши, шу маъноларнинг тараққиёти кабилар, сўзсиз, эътиборга олинади. Олдин *семиз* ва *кенд* сўзлари бирикиб, қўшма сўзни ҳосил қилган: *семиз+кенд > семизкенд*. Икки сўзнинг бирикишидан шакланган қўшма сўздаги иккинчи унли биринчи ва учинчи унлиларга мослашиш учун *а* унлисига ўтган: *семизкенд > Семазкенд*. Кейинчалик талаффузда ундаги биринчи ва учинчи унлилар иккинчи унли бўлган *а* унлисига мослашган: *семазкенд > самазканд*. Унлилар таъсирида жарангли *з* товуши сонор товуши бўлган *р* ундошига айланган ва топоним ҳосил бўлган:

*самарқанд* > Самарқанд. Сонор товуш бўлган *p* ундоши билан биргаликда саёз тил орқа *k* ундоши ўрнида чуқур тил орқа *q* ундоши келган ва топоним таркибида *k* > *q* ўзгариши юз берган. Қўшма сўзнинг топонимга айланиб, то Самарқанд ҳолатига келиши лингвистик усулнинг диахрон ва синхрон кўринишларининг махсули ҳисобланади. Чунки лингвистик усулнинг бу кўринишларида ҳам фонетик ҳодисалар учрайди.

Тўғри, юқорида қайд этилган тахлилдаги товуш ўзгаришларидан баъзи бирлари туркий тилларнинг товуш ўзгаришлари қонуниятига мос эмас. Сабаби, Семизкентнинг товуш ўзгаришларига учраган ва форс-тожикчада айтилиши қулай бўлган Самарқанд топоними таҳлил қилинди.

**Сойбўйи** (Нам. в. Норин т.; Фар. в. Охунбобоев, Тошлок, Фар., Ёзёвон т.; Қаш. в. Шах. т. қ.) - тоғ ва дара орасидаги сув йўли бўйига қўйилган ном бўлиб, сўнгра аҳоли пунктига, яъни ойконимга кўчган ном. Бу топоним тўртта маъноли қисмдан ташкил топган: *сой(сай)* (350,65-), *-нинг* (талаффузда тушиб қолган), *бўй*, *-и*. Ушбу ном гидронимга қўйилган, вақт ўтиши билан эса гидроним ойконимга кўчган: *сой+нинг бўй+и* > *сойбўйи* > *Сойбўйи* > **Сойбўйи**. Бу тарздаги кўчиш Ўзбекистон топоним-миясида учрайди: **Қорасув** дарёсининг номи **Қорасув** аҳоли пунктига (*қора+сув* > *қорасув* > *Қорасув* > **Қорасув**), **Оқсув** дарёсининг номи **Оқсув** қишлоғига ном бўлиб ўтган: *оқ+сув* > *оқсув* > **Оқсув** > **Оқсув**.

Бу топонимнинг этимони апеллятив лексикадаги *сой+ бўй+и* кўринишидаги ясалишдан юзага келган *сой бўйи* сўз бирикмаси. Сув оқадиган жой маъносидаги *сой бўйи* сўз бирикмасидан гидронимлашув ҳодисаси туфайли бу гидроними пайдо бўлган: *сой+бўй+и* > *сой бўйи* > **Сойбўйи**. Сўнгра у топонимлашув ҳодисасининг ономастик конверсия жараёни туфайли ойконимга айланган: **Сойбўйи** > **Сойбўйи**. Шу ўринда Андижон топоними диахрон планда этимологик таҳлил қилинганда **Сойбўйи** маъносини беришини ҳам эътиборга олиш керак. Бу ҳақида А. Муҳаммаджоновнинг «Андижон – Сойбўйи демакдир» номли мақоласида батафсил таҳлил қилинган (198,44-45-). Ушбу гидронимнинг этимони эса *сой бўйи* кўринишига эга бўлган сўз бирикмаси.

**Сўқоқ** (Тош. в. Паркент т. қ. ва тоғ) топонимининг келиб чиқиши ҳақида иккита тахмин бор:

1. Топообъектнинг тоғда жойлашганини эътиборга олсак, унинг шаклланишига *сўқмоқ* сўзи асос бўлганини кузатиш мумкин. Сабаби, фонетик тамойилга мувофиқ сўз таркибидаги *m* ундоши тушиб қолади: *сўқмоқ* > *сўқоқ* > **Сўқоқ**. Одатда, сўз таркибида товуш тушиши ҳодисасининг тилда учраши бу тахминнинг ҳақиқатга яқинлигини кўрсатади. Тоғларда *сўқмоқ* бўлиши эътиборга олинса, топонимнинг шаклланишига географик омилнинг таъсирини қайд этиш мумкин.

2. Маҳмуд Кошғарийнинг қайд этишича, олдин *оқ рангдаги кийик*, умуман *кийиклар* *сўқоқ* дейилган (162,221-457-). Кейинчалик *кийиклар*

яшайдиган жой **Сукок** деб аталган: *суқоқ* > **Сукок**. *Кийик*, *оқ рангдаги кийик*, *умуман кийиклар* маъносидаги *суқоқ* сўзи ушбу топонимнинг этимони ҳисобланади. Кийик номи шу топонимнинг номланишини асословчи бир восита, яъни тамойил вазифасини бажарган. Бу сўз Махмуд Кошғарий қайд этган маънода кам ишлатилгани учун топонимнинг маъноси архаиклашган. Бизнингча, иккинчи тахмин биринчи тахминга караганда ишончли.

**Тангатопти** (Жиз. в. Бахмал т. жой; Қаш. в. Яккабоғ т. тепа) – топоними учта маъноли қисмдан ташкил топган: *танга* (350, 117-), *топ*, *-ти*. Унинг келиб чиқиши ҳақида учта тахмин бор:

1. Тўйларда, келин саломларда танга сочиш анъанаси ҳозирги кунгача сақланиб қолган. Сочилган тангаларни йғиш учун одамларнинг оёғи остидан уларни топиб олиш керак бўлган. Мана шу анъана топонимнинг шаклланишига экстралингвистик омил саналади. Бу халқ этимологиясининг бир кўриниши.

2. Ер қазилган вақтда топилган қадимий ва қимматли танга (лар)га нисбатан ўша жой **Тангатопди** деб аталган.

Бизнингча, иккинчи фикр бу жой номининг шаклланишини асослаш учун мос. *Танга+ни+топ+-ди* шаклидаги бирикма фонетик жиҳатдан товуш тушиш ҳодисасига учраб, *танга топди* ҳолатига келган. Топонимлашув ҳодисасининг топонимик деривация жараёни туфайли *танга топди* бирикмаси жой номига кўчган: *танга+-ни+топ+-ди* > *танга топди* > *тангатопди* > **Тангатопди**.

*Тангани топди* бирикмаси объектни номлаш учун танланиб, топонимик деривация жараёнида топонимга кўчган: *тангани топди* > *танга топди* > **Тангатопди**. Демак, топоним учун *тангани топди* бирикмаси этимони бўлиб келган. Топонимик объектларнинг бу тарзда номланиши топонимлар таркибида жуда кам учрайди. Бундай номланиш кўпинча микротопонимларга хос алоҳидалик хусусиятларини ифодалайди.

3. Топоним *танг*, *туб* (*тун*), *ди* маъноли қисмларидан иборат. *Танг* сўзи форс-тожикча бўлиб, одатда, икки маънода ишлатилган. Унинг биринчи маъноси ўрганилаётган топонимга оид: *оралиги*, *эни*, *ҳажми етар-лича катта бўлмаган*, *тор*, *чоғ*. (350,116-117-бетлар)

*Туб* сўз бешта маънога эга бўлиб, биринчи маъноси биз кидираётган *таг*, *ост* деган маънони ифодалайди (350,215-бет). Топонимдаги *ди* маъноли қисм аслида *деҳ* бўлиб, форс-тожик тилида қишлоқ маъносини беради (317, 231-бет). Топонимдаги *танг* ва *деҳ* сўзлари форс-тожикча бўлса, *туб* сўзи эса туркий сўз саналади. Номлаш эҳтиёжи билан танланган бу апеллятивлар куйидагича тарзда топоним сифатида шаклланган: *танг + туб + деҳ* > *танга тубдеҳ* > *танга тундеҳ* > *танга тонде* > *тангатопди* > **Тангатопди**. Бу жараён икки сўз орасида бўлгани учун *а* ундоши ортирилган, *б* ундоши *п* ундошига айланган (275,40-), *у* унлиси *о* унлисига

Ўзгарган, *қишлоқ* маъносидаги форс-тожикча *деҳ* сўзидан *х* ундоши тушиб қолган ва *е* унлиси *и* унлисига алмашган. Демак, топонимнинг этимони *танга тубдеҳ* бирикмаси бўлиб, *тор жойидаги қишлоқ* маъносини ифодалайди.

Бизнингча, Яккабоғ туманидаги топоним учун иккинчи тахмин мос, чунки у ердан олдинги даврларда яширилган тангалар топилган. Учинчи тахмин эса Жиззах вилояти Бахмал туманидаги топонимнинг шаклланишига хосдир.

**Тасбулоқ** (Нав. в. Наманган т. к.; Сам. в. Нарпай т. булоқ) топонимини ҳам шундай тарзда қайд этиш мумкин: *ташли булоқ* > *таш булоқ* > *тас булоқ* > *тасбулоқ* > **Тасбулоқ** (топонимлар таркибидаги қудуқ ва булоқ тополексемалари ҳақида тадқиқотгимизнинг олдинги қисмларида махсус тўхталинган). Топоним таркибидаги *тош* сўзи *кенг*, *ҳажман ортиқлик* маъносига эга (164,166-). Топонимни *тошли булоқ* дейиш синхрон нуктаи назардан тўғри. Диахрон жihatдан жой номи *кенг булоқ* деган маънони ифодалайди, деб қайд этиш ўринли. **Тасбулоқ** топонимининг этимони эса *ташли булоқ* бирикмаси саналади ва у *кенг булоқ* маъносини билдиради.

**Таскудук** (ҚР., Нав., Хор., Сам. в. кудуқ) – топоними иккита маъноли қисмдан иборат топоним: *тас*, *кудук*. Топонимнинг биринчи маъноли қисми олдин *таш* шаклида бўлган. Тил тараққиёти давомида ва козоқ тилининг таъсирида ушбу сўз таркибида фонетик ўзгаришлар рўй бериб, *ш* товуши *с* товушига ўтган, *-ли* топоформанти эса тушиб қолган: *ш* > *с*, *таш* > *тас*, *ташли кудуқ* > *таш кудуқ*. Бу фонетик ўзгаришлар топонимнинг шаклланиши жараёнида рўй берган: *ташли+кудук* > *таш кудуқ* > *тас кудуқ* > *таскудук* > **Таскудук**. Маҳмуд Кошғарийнинг қайд этишича, *тош* сўзининг *кенг* ва *ҳажман ортиқлик* каби маънолари бор (164,166-). Бундан англашиладики, ушбу топоним *кенг кудуқ* ёки *ери кенг кудуқ* маъносини ифодалайди. Унинг этимони *таш кудуқ* бирикмаси саналади.

**Татарқазган** (Бух. в. Жондор т. кудуқ) – гидроними учта маъноли қисмдан иборат: *татар*, *қаз*, *-ган*. Унга *кудук* ТА қўшилган: **Татарқазган кудуғи**. Топонимнинг шаклланишига оид икки хил фараз мавжуд:

1. *Трактор билан қазилган кудуқ* талаффуз жараёнида шу ҳолга келиб қолган. Сабаби, XX асрнинг 20-30-йилларида халқ тракторни *тартар* деб аташган ва шу тарзда объектнинг номи ҳам шакллана борган: *тар+тар* > *татар+қазган* > *тартар қазган* > *татар қазган* > *татарқазган* > **Татарқазган**.

2. Бизнингча, топонимнинг биринчи маъноли қисм бўлган *татар* сўзи туркий этнонимлардан бири. Гидронимнинг иккинчи маъноли қисми бўлган *қаз* – *ерни чуқур ҳосил қилиш мақсадида ўймоқ* маъносини ифодаловчи буйруқ-истак майлидаги феъл (164,280-;84,439-;263,503-).



Учинчи маъноли кисми *-ган* қўшимчаси *-ган* кўринишли сифатдош ясовчи қўшимчанинг варианты. Топоним *от+сифатдош* кўринишидаги *татар қазган* предикатив бирикмадан топонимлашув ҳодисасининг топонимик деривация жараёнида номланиш талаби ва жой номининг мотивланиши туфайли топонимик лексикага кўчиб, жой номига айланган: *татар + қаз + -ган > татар қазган > Татарқазган*.

Айни шу жой номи предикатив бирикма тарзида шаклланган, унда *татар* сўзи топоасос бўлиб келган. Бу сўз туркий этнонимлардан бири (360, 53-62-; 346, 60-; 11, 42-). Шунинг учун у этноним асосида юзага келган гидронимлардан бири. Ушбу гидронимнинг этимони деб *от+сифатдош* кўринишидаги предикатив бирикма бўлган: *татар қазган* саналади. Бу предикатив бирикмада ҳам ҳеч бир ўзгаришсиз, тобе ва ҳоким кисмлар бирикиб, бир бутун ҳолатда топонимга кўчиши юз берган: *татар қазган > Татарқазган*. *-ган* топоформангининг ҳозирги кунда қўлланмаслиги, аммо ўзбек тили шеваларида ишлатилиши эътиборга олинса, унда ушбу *қудуқ* – гидронимнинг пайдо бўлганига анча вақт бўлганлигини сезиш мумкин. Ҳеч бўлмаганда, у XIX асрнинг иккинчи ярми ёки XX асрнинг бошларида қазилган қудуқлардан бири. Сабаби, чўл худудларида ҳамда чўлга яқин жойларда қудуқ сувсиз кун кўриб бўлмайди. Мана шу ҳол эса объектнинг номланиши учун экстралингвистик омил. Унинг сўз билан аталиши экстралингвистик омилнинг лингвистик омиллар билан қарор топиши ҳисобланади.

Татар киши қазигани учун ҳам у шундай номланган, яъни топонимиканинг неготивлик ҳолатига мос ҳолда яратилган (102, 40-45-; 92, 33-37-). Демак, предикатив бирикмадан шаклланган топонимнинг фаоллашувида, сўзсиз, топонимларнинг номланиш тамойиллари ва омиллари амалда қўлланганки, бу ҳолат ономастик конверсия жараёнида акс этган.

**Термиз** (Сур. в. ш.) - топоними ҳақида куйидаги фаразлар бор:

1. Уни қадимги даврда юнонлар *иссиқ* маъносидagi термос (350, 166-) сўзи билан номлашган. Кейинчалик *термос > термоз > термиз > Термиз*. Ушбу ҳолда жой номи юнон тилидан туркий тилларга, жумладан, ўзбек тилига ўзлашган сўздан шаклланган топоним бўлиб чиққан. Бу ҳолат оккозионал этимология саналади, чунки бир тил лексемаси фонетик жиҳатдан маълум ўзгаришлар асосида иккинчи тилга ўтган ёки шу тил сўзлигига ўхшаш бўлиб қолган. Айтилган фараз киёслаш тамойили жараёнига оид бўлса ҳам, у оккозионал этимологиянинг бир кўриниши.

2. Топонимнинг келиб чиқиши ва номланишини шахс номи, аниқроғи, юнон сар-кардаларидан бирининг исми бўлган Деметрий билан боғлашади (306, 47-). Бу тахминга қўшилиб бўлмайди. Сабаби, халқ босқинчиларнинг номини топонимларда қўп асрлар давомида сақламаган. Бунга қадим тарих гувоҳ. Шу ўринда баъзи жойларда учрайдиган **Искандар** топоними ҳақида ҳам гапириш лозим. Топоним учун *Искандар* антропоними асос, яъни

этимон. Антропонимга эса бадийи асарларда қўлланадиган кахрамон номи асос бўлган, аммо тарихий шахс бўлган Александр Македонский номидан топоним шаклланмаган.

3. Топоним *хўл, суви кўп* маъносидаги *тар* сўзига биз сўзини қўшиш билан ҳосил бўлган: *тар+биз > тарбиз > тармиз > термиз > Термиз*. Бунда *биз* сўзидаги *б* ундоши *м* ундошига алмашган (275,40-41-). *Сувли жой, сувли жойликданмиз* деган маънолар топонимга юкланган. *Тар* сўзининг *хўл, суви кўп* деган маъноларига боғлиқлиги ўз-ўзидан аён. Бу сўзнинг маъносини асослашга *тарвуз* сўзи восита бўлади. Тарихан қараганда *тарвуз* сўзи иккита маъноли қисмга ажралган: *тар, -вуз* ёки *вуз*. Ундаги *тар* лексемаси *хўл, нам, сувли* деган маъноларда қўлланган. Ушбу фараз географик жихатдан тўғри, топообъект дарё бўйида жойлашган. Аммо *тар* сўзининг *сувли, суви кўп, хўл* маънолари ушбу сўзнинг кейинги даврдаги маъно тараққиёти билан боғлиқ. Сабаби, қадимги туркий тилга оид лугатларда *тар* сўзининг бу маъноси кайд қилинмаган. Шу билан бирга «**Термиз**нинг тарихга кирган илк номларидан бири *Тарамаста – Тарамта* (бакртча – *дарё қиргоғи*) бўлган» деган фикр ҳам бор (306, 5-).

4. Топоним *тиришмоқ, тиришиб-тирмашмоқ* маъносидаги *тир* тополексемасига *биз* тополексемасини қўшиш билан шаклланган: *тир+биз > тирбиз > тирмиз > термиз > Термиз*. Унда *и > е, б > м* шаклларидаги товуш ўзгаришлари бўлган (275,23-,40-). Бу фаразга қўшилиб бўлмайди.

5. Мазкур топоним *термоқ* маъносидаги *тер* (350,116-;263,331-) ўзагига *биз* сўзини қўшиш билан ҳосил бўлган: *тер+биз > тербиз > термиз > Термиз*. Ушбу ҳолда *е* товушининг чўзиқлиги йўқолган (264,18-,42-,116-). Бу ерда қўлланган *тер* сўзидан *терлаганда чиқадиған суюқлик* маъносидаги *тер* (264,316-;263, 331-) сўзини фарқлаш керак. Бу фикрга қўшилмаймиз. Тўртинчи ва бешинчи фикрларда топонимни ҳосил қилган тополексемаларга хос ўхшашлик жуда аниқ. Бироқ у синхрон планда рўй берган. Диахрон планда эса бу ҳолат учрамайди.

6. Бу топоним *экин майдони* маъносидаги *тар* (264,237-) сўзига *-миз* қўшимча-сини қўшиш билан ҳосил бўлган: *тар+миз > тармиз > термиз > Термиз*. Ушбу ҳолда иккинчи маъноли қисмдаги и унлисига мослашиб, *а > е* кўринишдаги фонетик ўзгариш, яъни сингармонизм рўй берган. Жой номи *экин майдонимиз* деган маънони ифодалайди. Мазкур фикр *тар* сўзининг янги бир маъносини кўрсатиши билан аҳамиятли.

7. Ҳ. Ҳасанов ушбу топоним ҳақида қуйидагиларни ёзган: «Бу энг қадимий номлардан бўлиб, жунуб томондаги халқлар томонидан айтилган *таро мата – «нариёқдағи қишлоқ»* сўзларидандир (Овисто ёзувларида бор), яъни Амударёнинг нариги ёғи – шимоли бўлади. Дастлаб **Тармита, Тарамета** деб талаффуз этилган, Х асрдан бошлаб **Термиз** бўлиб қолган. Тарихда унинг **Александрия, Демитрис, Евкровтедия, Шаҳри Сомоний**

каби вақтинча номлари ҳам учрайди» (377,53-). Бирок муаллиф жой номи ҳақида айтган фикрларига бирорта далилни келтирмайди

8. М. Е. Массон ва Г. А. Пугаченколар топонимнинг келиб чиқишини грек-бактирий подшоҳи Деметрий ёки санскрит тилидаги *дарёнинг у қирғоғидаги аҳоли пункти* маъносидаги *таромато* бирикмасига боғлашганини Ш. С. Камалидинов ўзининг монографиясида қайд этган (119,100-101-). Бу тахминда ҳам қиёслаш қайд этилган олимларнинг фикрларида ўз ифодасини топган. Агар туркийларнинг кўчманчи деб, камситилиши XX асрда турли кўринишларда амал қилганини эътиборга олсак, у ҳолда М. Е. Массон ва Г. А. Пугаченколарнинг ушбу топоним ҳақидаги фикрларига танқидий назар билан қараш лозимлиги англашилади.

9. Топоним *тар* ва *биз*(миз) шаклидаги икки сўзнинг бирикишидан юзага келган: *тар+биз > тарбиз > тармиз > термиз > Термиз*. *Тарқа* сўзининг ўзаги *тар* қадимги туркий тилда қуйидаги маъноларни ифодалаган: *тор; кичик сувларда қўлланадиган оддий қайиқ; ёғ қуйқаси; иш ҳақи; ҳайдалмоқ, тарқалмоқ, тоймоқ* (84,536-;164,162-,180-). Т. Нафасов топонимнинг *Тарамастха, Тармита, Тарамита, Тарамата, Тарамета, Тарамат, Тармид, Тармиз* тарзида тарихий манбаларда қайд этилган шакллари борлигини қайд этган (211,176-). Шуниингдек, топонимнинг *Тармид* ва *Тармиз* шакллари *дарё қирғоғи, нариги томондаги жой, манзил* маъноларини англагиши манбаларда кўрсатилган (306,5-;9,1-). М. А. Мамедовнинг фикрича, *Табриз – Тебриз – табор+из. Табор – табур* этноним, *туркий халқ*. Этноним ясама сўз: *та-то-тау, нар-бар-вар –ар –қишлоқ, жой, юрт, уруг. қабила, оила. Табор - табур – тоғлик, тоғ халқи; -з // -из* қўшимчалари кўплик ва жамликни билдиради (155,72-74-).

Бизнингча, топоним таркибидаги *тар* сўзи ўзаги *ҳайдалган, тарқалган, тойган* маъноларини англатади. Жой номи таркибидаги *миз* тополексемаси эса *биз* сўзининг ўзгарган шакли, бунда *б > м* товуш ўзгариши рўй берган (264,18-,42-,116-;275,40-). Бу сўз қадимги туркий тилда ҳам мавжуд бўлган (84,104-). Демак, топоним қуйидагича тарзда шаклланган: *тар+биз > тарбиз > тармиз > термиз > Термиз*. Бунда топоним таркибидаги *тар* тополексемасида *а > е* тарзидаги фонетик ўзгариш рўй берган: *тар > тер* (264,9-10-;275,13-14-). Ушбу топоним топонимик деривация жараёнида апеллятив лексикадан ономастик лексика сатҳига кўчган. Шунингдек, ҳозирги ўзбек тилида қўлланувчи *тарқа* сўзи ҳам *тар* сўзига *-иқ, -а* қўшимчаларини қўшиш билан ҳосил бўлганини эътиборга олиш лозим (263,324-). О. Т. Молчанова *тар* сўзининг тоғли Олтой топонимиясида ишлатилиши ҳам унинг тополексема сифатида қўлланганлигини қайд этган (180,301-302-). Демак, *тар* ва *биз* тополексемаларидан ҳосил бўлган **Термиз** топоними *тарқалганлар ёки шу топообъектгача тарқалганлар яшаган жой* деган маънони беради. Унинг этимони *тарқалган биз* маъносидаги *тар миз (биз)* сўз бирикмаси. Ҳақиқатан ҳам, бу топо-

объектдан сўнг Амударё ва туркийлар кам яшайдиган Афғонистон мамлакати бошланади. Бу эса туркийларнинг мана шу объектгача этиб борганини кўрсатади.

Туркий уруғ, қабила ва халкларнинг шу объектгача тарқалиши тарихий жараён кўринишидаги экстралингвистик омил бўлиб, унинг тар ва биз шаклидаги лингвистик омил воситасида ифодаланиши ҳақиқатга яқин.

10. Ушбу топоним *турар жой* маъносидаги *туруглаз йэр(йер)* (162, 457-) шаклидаги бирикманинг турли хил кўринишидаги фонетик ўзгаришлардан топонимик дивергенция жараёнида ҳосил бўлган: *туруглаз йэр* > *туруғ йэр* > *тур йэр* > *турйэз* > *турмэз* > *турмиз* > *термиз* > *Термиз*. Бундай жараёнда биринчи сўзда у > е (у > э > е) (167,128-), иккинчи сўзда эса й > м (й > н > м) (275,54-,68-) ва р > з (167,166-) шаклидаги фонетик ўзгаришлар рўй берган. Биринчи сўзнинг иккинчи ва учинчи бўғинлари вақт ўтиши билан ҳамда топообъектга хос номланишнинг мотивланиш жараёнида тушиб қолган. Топоним *тур,-уз,-лаз, йэр(йер)* шаклидаги тўртта маъноли қисмдан ташкил топган. Унинг этимони - атрибутив бирикма кўринишидаги *туруглаз йэр(йер)* бирикмаси саналади. Бу фикр олдинги фикрни қўллаб қувватлайди. Сабаби, топоасос вазифасидаги иккала сўз ҳам туркий тилларга оид.

Т. Нафасов мазкур топонимни туркий этнонимлардан бири бўлган *табор* // *табур* билан боғлайди (211,175-176-). Ушбу этнонимнинг фонетик ўзгаришларга учраб *термиз* > **Термиз** ҳолига келишини ўйлаш керак. Аммо унинг ясама сўзлиги ҳамда *қишлоқ, жой, юрт, уруғ, қабила, ошла* маъноларини ифодаланиши (211,175-176-) биз илгари сураётган тахминни маълум маънода тасдиқлайди. Шунингдек, *турар жой* маъносида қўлланивчи *туруглаз йэр (йер)* бирикмаси мазкур топонимга оид тополема-ларнинг туркий тиллардаги сўзлардан шаклланганлигини билдиради. Бунда синхрон ва диахрон нуктаи назаридан топонимга муносабат ўз ифодасини топган. Топоним ҳақидаги еттинчи фикрга агар туркийларнинг кўчманчи деб камситилишининг турли даврларда ҳар хил кўринишларда амал қилгани эътиборга олинса, унга танкидий назар билан қараш лозимлиги англашилади. Шунинг учун ҳам бу фаразга қўшилиб бўлмайди.

Саккизинчи фаразда топонимни қиёслаш аниқ билиниб турибди. Демак, унинг этимологик таҳлилида фонетик ва лексик тамойиллар билан бирга қиёсий тамойил ҳам амал қилган. Топоним ҳақидаги саккизинчи фаразда қайд этилган *тарқалганлар ёки шу топообъектгача тарқалганлар яшаган жой* деган маъноси билан бирга саккизинчи фаразда ифодаланган *турар жой* маъноси ўзаро мувофиқлашишини кузатиш мумкин. Бинобарин, тўккизинчи фикрда топонимнинг шаклланиши ва маъноси лингвистик омиллар асосида ёритилган. Бу топоним ХУІ асргача тўлиқ шаклланган (381,208а-).

**Томчи** (Қаш. в. Чирокчи т. қ. ва булоқ) - ушбу топоним икки маъноли қисмдан ташкил топган. Биринчи қисм *том* сўзи топоасос бўлса, иккинчи маъноли қисм *-чи* эса топоформант. Бу *топоформант* бошқа топонимларда *этноформант* бўлса, мазкур топонимда эса топоформант вазифасида келмоқда. Жой номи апеллятив лексика сатҳида шаклланган: *том+чи*. Топонимга айлангунча *томчи* ясама сўзи икки маънода қулланган:

1. **Томчи** – *ёмғир парчаси, сувнинг кичик парчаси*. Топоним олдин булоқ номи бўлган. Сўнгра булоқ номи кишлок номига айланган: **Томчи** > **Томчи**. У *суви тепадан оқиб турувчи булоқ* маъносини беради.

2. **Томчи** – *уй-жой қурувчи киши*.

Сўнгра ономастик конверсия ҳодисаси туфайли *томчи* ясама сўзи ономастик лексикага кўчиб, жой номини англаган: *том--чи* > *томчи* > **Томчи**. У *уй-жой қурувчи киши* маъносини ифодалаган. Баъзи олимлар, жумладан, Т. Нафасов *-чи* топоформантини этноним ясовчи қўшимча (этноформант), деб кўрсатса ҳам (211,28-,84-), ушбу топоним таркибидаги *-чи* топоформанти этнотопонимни ясагани йўқ. Кундалик ҳаётда қўлланувчи *уй-жой қурувчи киши* маъносидаги *томчи* ясама сўзи унинг этимони.

**Тумшук** (Сур. в. Денов т. тепа) - жой номи иккита маъноли бўлақдан иборат: *тум, -уқ*. Тумтаймоқ, тумшаймоқ сўзларидаги *тум* ўзаги *айнимоқ, хафа бўлмоқ* маъноларини ифодалайди (350,223-). Бу ўзакка қўшилган *-уқ* қўшимчаси *тумшук*<sup>1</sup> сўзини шакллантирган: *тум+уқ* > *тумуқ* > *тумшук*. Натижада, уларнинг орасида *и* ундош товуши орттирилган. *Тоғ, тепалик ва оролнинг бурни, уч томони* (371,20-) халқ нутқида *тумшук* деб аталади. Бу сўзда қуш ва ҳайвонларнинг, шунингдек, инсоннинг бурни билан оғзи ҳам умумлаштириб номланган. Унинг этимологик таҳлилида лингвистик омил билан биргаликда географик усул амал қилган. Бўртиб чиқиб туриш тоғ ва тоғ олди ҳудудларида учрайдиган табиий географик ҳолатлардан бири. Топонимнинг шаклланишида географик омил ва номланиш тамойилининг нисбийлик ҳолати асосий восита бўлган. Демак, унинг этимони *буртиб чиқиб турган жой* маъносидаги *тумшук* сўзи бўлиб, ундан ономастик конверсия жараёнида жой номи пайдо бўлган: *тумшук* > **Тумшук**.

**Толдик** // **Толлик** (Нав. в. Мингбулоқ т. қ.) – топоними иккита маъноли қисмдан ташкил топган: *тол, -дик*. Топонимни *чарчадик* маъносидаги *толдик* ясама сўзи билан боғлаш ўринсиз. Сабаби, *тол* фитоним, *-дик* эса – *лик* қўшимчасининг фонетик ўзгарган шакли: *-лик* > *-дик*. Бунда ҳосил бўлган ясама сўз таркибидаги икки бир хил товушдан бири бошқа бир говушга (*л* > *д*) айланган, яъни фитотопонимда диссимиляция ҳодисаси

<sup>1</sup> Албатта, бу сўз тузилишини тарихий жиҳатдан бошқача изохлаш мумкин: *тум* (маълум сўз) + *-ши* (адиракот оти ясовчи қўшимча) + *-уқ* (от, нараса оти ясовчи) ёки: *тум* + *-ши* (тумшай ўрнида қўлланади) + *-қ* (нараса оти ясовчи қўшимча).

рўй берган. *Тол* сўзининг учта маъноси бўлиб, биринчи маъноси бўлган *ингичка узун баргли, сурх новда отиб ўсадиган дарахт ёки бута* (350,198-199-) жой номида мавжуд.

Демак, топоним *тол дарахти бор бўлган объект* маъносини ифодалаган. Топонимнинг шаклланиши жараёнида рўй берган фонетик ўзгаришлар куйидагича ҳолатда амалга ошган: *тол* > *тол+лик* > *толлик* > **Толлик** > **Толдик**. Унинг этимони *толлик* ясама сўзи.

**Тошкент** – топоними хақида бир неча фаразлар бор:

1. Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий «Сурагу-л-арз китоби» асарида **Тошкент** аввал *Торбанд*, *Буржи ҳижора*, *Тош қалъа*, *Шош* деб аталганини кайд қилади (193,268-269-). Бизнингча, араб ёзувидаги *Торбанд* номида о унлиси нотўғри ўқилган, аслида *а* бўлиши керак. Шунингдек, кишлок, шаҳар маъносидаги *канд* сўзи таркибидаги *к* ундоши араб ёзувининг турли кўринишларида *б* шаклида ўқилиб кетилган. А унлисининг о унлисига ўтиши кейинги жараёндир. *Торбанд* аслида *Тарканд* шаклида (84,109-) ёзилиши лозим эди. *Тошш қалъа* арабчада *Буржи ҳижора* деб аталган (193,269-). У ҳолда *Чош* (*Чоч*) ва *Шош* номларининг келиб чиқишини фақат араб тилига боғлаш шарт эмас, балки туркий ва араб тилларининг ўзаро таъсиридан, яъни унсурларидан шаклланган. Сабаби, топообъектнинг *Чош* (*Чоч*) ва *Шош* шаклидаги номи хитой манбаларида ҳам ишлатилган (328;3-50-). Демак, муаллиф **Тошкент** топонимининг *Торбанд* (*Тарбанд* // *Тарканд*) шаклини УШ асрдаги кўриниши деб, тўғри курсатган.

2. Маҳмуд Кошғарийнинг асарида бу шаҳар **Таркан** деб номланган (162,414-). Мана шундан сўнг муаллиф унинг **Тошкент** деб аталишини ҳам кайд этади.

3. Хитой манбаларида **Ши**, **Чач** деб қўлланганлиги Э. Хуршут томонидан кайд этилган (328,54). Шу ерда хитойликларнинг қадимдан юртимиз билан қизиққанига эътибор қаратсак. Уларнинг қизиқишлари заминда ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий, ҳам маданий манфаатлар ётганини эътиборга олиш керак. Бизнингча, улар **Тошкент**нинг олдинги номи бўлган **Ши** ва **Чач**ни ўзгартирмай қўллашган. Англашиладики, Маҳмуд Кошғарий давридан олдин объектнинг **Ши** (**Шош**) ҳамда **Чач** (**Чоч**) номилари машҳур бўлган.

4. Э. М. Мурзаев бу жой номининг маъносини *тош шаҳар* деган ҳолда Е. Д. Поливановнинг ушбу топонимни *таж* // *тажи* // *таджик* этнонимига (Поливанов Е. Д. О происхождении названия Ташкент // Сб.: «В. В. Бартольд туркестанские друзья, ученики и почитатели». Т., 1927.) боғлашига қўшилмайди (184,230-232-).

5. **Тошкент** шахрининг микротопонимларини тадқиқ этган Ш. Қодирова ушбу топонимнинг шаклланишини *Тарикентга* боғлайди: *Тарик* (*кент*) > *Тар(кент)* > *Шаш(кент)* > **Ташкент** (117,7-12-). Бу ерда

топонимнинг асоси деб бошқа сўз танланган, унинг илк шакли ва маъносини ўзида ифодалайдиган этимони ҳақида гапирилмаган.

6. Бу топоним ҳақида Ҳ. Ҳасанов қуйидагиларни ёзган: «Эҳтимол, «Тошкент» сўзи бу ердаги дастлабки *тош бино*га қараб пайдо бўлгандир. Келгуси археологик текширишлар ва филологик таҳлиллар бу масалага аниқлик киритса керак» (377,37-38;379,101-102-). Бу фикрдаги хато муаллиф томонидан қўлланган «эҳтимол» сўзи билан ҳам акс этиб турибди.

7. Топонимда *Тош – Шош – Тош* шаклидаги фонетик ўзгаришлар рўй берганини М. Миртожиев қайд этган (171,237-238-;172,3-;174,60-68-), ammo унинг этимони кўрсатилмаган.

8. У ҳақида С. Қорасв қуйидагиларни ёзган: «Соф туркий ном бўлган **Тошкент** сўзининг тарихий манбаларда қайд қилина бошланганига минг йилдан ошди» (361,13-). Шу муаллиф бошқа асариди худди шу топонимнинг этимологияси тўлиқ ўрганилмаганлигини қайд этган (122,100-102-).

9. З. Дўсимов бу жой номи ҳақида қуйидагиларни ёзган: «Топонимнинг энг кўп тарқалган этимологияси **Тошкент** –*тош қалъа, тош шаҳри*дир (89,132-). Топонимнинг нега шундай маъно беришини муаллиф Беруний ва Махмуд Кошғарийнинг талкинларига таяниб қайд этганини айтиб ўтган. Бу фаразни ўйлаб кўриш керак.

10. Топоним олдинги даврлардан бугунгача **Чоч, Шош, Шошкент (Шошканд), Мадина**т аш-**Шош, Бинкат, Тарканд** ва **Тошкент (Тошканд)** деб аталишини, *чоч* сўзи қадимда маҳаллий аҳоли тилида *тоғ* ва *тош* каби маъноларни англатишини, **Чоч** аввал тоққа, сўнгра дарёга, дарёдан кейин воҳага, воҳадан шаҳарга кўчган ном эканлигини А. Муҳаммадҷонов кўрсатган (199,53-59-). Мазкур фикрда эса географик ва археологик далиллар топонимнинг тадқиқига тўғри йўналтирилган.

11. А. Девонақолов бу жой номининг **Тошканд, Чоч, Шош, Ганг** шаклидаги кўринишларини форс тилидаги тарихий асар ва лугатлар, шунингдек, «Шоҳнома» асосида изоҳлашга ҳаракат қилган (75,151-157-).

12. Е. М. Поспелов топонимнинг **Бинкент** варианты араб географларининг ишларида берилганлигини қайд этган (247,188-).

13. Ушбу топоним XI асрда **Тарбанд** деб қўлланган (84,109-).

Бизнингча, топонимнинг **Торбанд // Тарбанд // Тарканд** вариантлари объектнинг олдинги номи, яъни М. Кошғарийгача бўлган номи. **Тошкент** эса **Тарканд**нинг ўзгарган шакли бўлиб, XI асрда ҳам қўлланган. Биринчи бўлиб объектнинг **Торбанд // Тарбанд // Тарканд** номининг қайд этилиши, сўнгра **Тошканд // Тошкент** деб аталиши фикримизнинг асосли эканлигини тасдиқлайди. Топоним М. Кошғарий давригача **Торбанд // Тарбанд // Тарканд** дейилган. Муаллиф яшаган даврдан бошлаб эса объект **Тарканд** ва **Тошкент** номлари билан аталган. Кейинчалик биринчи ном архаиклашган, иккинчи ном эса объект учун асосий ном бўлиб қолган.

Жой номи икки морфемадан иборат: *тар* ва *-кан*. *Тар* сўзининг *зич*, *тигиз*, *жис*, *маҳкам* маънолари бор (84,536-; 162,414-). Топонимнинг иккинчи маъноли бўлаги бўлган *-кан(-канд)* эса қалъа, қўрғон, ўралган жой маъноларини ифодалайди. У ҳолда **Таркан** *зич*, *муस्ताҳкам ўралган қалъа, қўрғон* маъноларини англатади.

*Тар* *зич*, *муस्ताҳкам* маъносини ифодалашига қараб, у қаттиқ, *муस्ताҳкам* маъносидаги *тош* сўзига фонетик ўзгаришлар туфайли ўтган. Бунда *p > ш* фонетик ўзгариши рўй берган: *тар > таш > тош*. Хуллас, *Чош (Чоч) Шош* сўзлари турли лингвистик ва экстралингвистик омиллар таъсирида *Таркан* ҳолига келган. Бунинг натижасида *p* ундоши *ш* ундошига, *a* унлиси эса *o* унлисига (275,10-) алмашган:

*Чош(канд) > Шош(канд) > Тарканд > Таркан > Тазкан > Ташканд > Тошкан(д) > Тошкент*.

Топоним таркибида *тар* сўзидаги *p* товуши *канд // кент* лексема кўринишларига эга бўлган ушбу сўзга кўшилиши билан куйидаги фонетик ўзгаришлар содир бўлган (168;73—77-167,149-,152-161-162-,170-171-;337, 159-178-):

1. *ч > ш*. 2. *ш > т*. 3. *p > д // т'*. 4. *д > д' > з (з > й; з > с > ш)*. 5. *p > з > з' (з > ш; з > с > ч > ш)* 6. *p > л > ш*.

Демак, *p* ундоши бирданига *ш* ундошига ўтмаган, олдин *д* ундошига (*p > д*) ўтган, сўнгра эса *д* ундоши *з* ундошига (*д > з*) ўтган. Энг охирида *з > с > ш* ўзгаришлари (*p > д > з > с > ш*) туфайли *p > ш* ўтиши рўй берган. Бундай бўлиши учун маълум бир давр керак бўлган. Мана шу давр топонимдаги тарихий-тадрижийлик жараёнини ўзида ифодалайди ва унга оид этимологик таҳлилнинг ҳақиқатга яқинлиги муаммосини ойдинлаштиради.

Бу фонетик ходисалар икки мустақил сўзнинг бирикиши натижасида куйидаги тарзда рўй берган: *тар+кан > таркан > тазканд > тасканд > ташканд > Тошканд > Тошкент*. *Тош+кент* бирикувидан бу жой номи вужудга келмаган, балки регрессив ассимиляция ходисаси рўй бериб, *ш* товуши таъсирида *т > ч* фонетик ўзгариш амалга ошган. *Чош+кент* бирикувидан ономастик конверсия туфайли *Чошкент* юзага келган. Вақт ўтиши билан *ч* товуши *ш* товушига ўтган (309,59-): *Чош(кент) > Шош(кент)*. Ўзбек тилида сўздаги бир хил ундошлардан бири бошқа бир ундошга айланади. Шунга кўра *Шошкент*нинг *Тошкент*га айланиши конуний фонетик жараёндир: *ш > т* ходисаси рўй берган. Мазкур объект номининг *Чошкент > Шошкент > Тошкент; Шаш > Шош; Ташканд // Тошканд* ҳолатидаги кўринишлари бор. Масалан, Бобур **Тошканд** деб қўллаган (47,92-94-). Топонимга ясовчи асос бўлган *Чош* сўзи қадимда маҳаллий аҳоли тилида *тоғ* ва *тош* каби маъноларни ифодаллагани (199,54-) каби

<sup>1</sup> Сараф: Бундай фонетик ўзгаришнинг бўлишини Б.А.Серебренников ва Н.З.Гаджиевалар ҳам қайд эттирган (275,71-).



бугунги кунда *хирмон*, *хирмон жой* деган маъноларни англатади (350,381-). Топонимнинг топоасоси бўлган *чош(чоч)* // *шош* сўзлари билан араб тилига оид манбалардаги *шош*, форс тили манбаларидаги *чоч* сўзлари билан ёшаклан ухшаш бўлган, ё араб ва форслар бу ерга келишганда аҳолидан эшитган сўзларини ўзгаришсиз қайд этишган бўлишлари керак

Демак, **Тошкент** топоними жойлашган ҳудуд қадимдан дехқончилик билан шуғулланилган ҳосилдор ер бўлган, чунки *Чоштена* ёки *Чошкент* фақат дехқончилик билан ҳаёт кечириш мумкин бўлган ҳудудларга хос номланиш. Шаҳарнинг **Эски шаҳар**дан бошқа қисмлари олдинги вақтларда дехқончилик қилинадиган ер бўлган. **Тошкент** шаҳри жанубидаги **Эскичоштепа йўли** ҳам бу фикримизнинг тўғрилигини тасдиқлайди. *Дехқончилик гуллаб яшнаган жой, хирмон жойли ер* маъносидagi *Шошкент* ва *Чоштена* ёки *Чошкент* атамалари **Таркан** ҳолатидаги жой номининг **Тошкент** кўринишига келиши учун асосий восита бўлган. Бу жараёнларда топонимларнинг ясалиш тамойили амал қилган. **Тошкент** жой номи халқ нутқида **Тошкан** тарзида айтилиши ҳам унинг таркибидаги *кент* элементининг туркий тилларга оидлигини кўрсатади (84,132-;162,295-,329-,330-). *Тош шаҳри* дейиш жой номининг маъносини бузади. Бинобарин, **Тошкент** топонимининг шаклланишига мустаҳкам ўралган қалъа маъносидagi *таркан* сўзи этимон вазифасини бажарган ва тарийлийликка хос тадрижийликни ифодалаган.

**Тоғай** (Фар. в. Ўзбекистон т. жой) топонимининг келиб чиқиши ҳақида икки хил фараз бор:

1. Инсон ва ҳайвон организмнинг қисмларидан бирининг номи *тоғай*. Шунга асосланиб, топообъектлар номи ҳам **Тоғай** деб аталган. Бу топонимнинг *тоғай* этноними ва *туқай* сўзлари билан боғлаш ҳолатлари бор. Аммо *тоғай* этноними ушбу топоним учун иккиламчи жараён, яъни олдин топоним ҳосил бўлган. Сўнгра шу топообъектда яшаганлар маъносида *тоғай* этноними юзага келган. Бу этноним билан аталган объект Хоразм вилояти Хазорасп туманида қишлоқлардан бирининг номи саналади: **Тоғай**. *Туқай* сўзининг **Тоғай** топонимига боғлаб бўлмайди. Сабаби, *у* унлисининг *о* унлисига ўтиши фонетик жараён сифатида учрамайди (275,15-18-). Бу халқ этимологияси.

2. Бу жой номи икки тополексемадан ташкил топган: *тоғ* (*та.ғ*), *оёқ*. *Тоғ ерининг тепаликка нисбатан баланд кўтарилган қисми* маъносини билдириб, VIII-XVI асрларда *та.ғ* тарзида айтилган. Кейинчалик *а* унлиси *о* унлисига чузиклигини йўқотиб ўтган: *та.ғ* > *тоғ* (164,167-;263,351-352-). *Оёқ гавданинг таяниб туриши ва ҳаракатланиши учун хизмат қиладиган сўзо* бўлиб, қадимги туркий тилдаги *қадамламоқ* маъносидagi *а:д* феълнинг *ай* шаклидан *-ақ* кўшимчаси кўшиш билан ясалган: *а:й+ақ* > *айақ* > *айақ* > *ойоқ* > *оёқ* (162,112-;263,250-). Айни шу сўзнинг *азақ* тарзидаги шакли ҳам бор (162,112-). *Та.ғ* ва *айақ* сўзлари ўзаро бирикиб, сўз бирик-

масини хосил қилиш жараёнида фонетик ходисалардан бири бўлган товуш тушиши ходисаси рўй берган: *та:г айақ* > *та.гайақ* > *та:гай* > *тогай*. Мазкур холда *айақ* сўзидаги иккинчи бўгин талаффуз жараёнида тушиб, биринчи тополексемадаги *а:* унлиси чузикликни йуқотиб, *о* унлисига ўтган: *а* > *о* (369,338-). Бунда топонимлашув ходисасининг топонимик деривация жараёни асосида хосил бўлган бирикма топонимга кўчган: *та:г+аёқ* > *та.гайақ* > *тагай* > *тогай* > **Тогай**. Бинобарин, иккинчи фикрда асос бор. *Тоғнинг тугаши ёхуд тоғнинг охири* деган маъно мазкур топонимнинг маъноси бўлиб, унинг этимони *та г айақ* (*та:г ойоқ*) бирикмаси. Ушбу топоним кўп қўлланадиган луғавий асослардан хосил бўлган бўлса ҳам, кам қўлланадиган ва кам объектли топонимлар жумласига киради.

**Тойлоқ** (Сам. в. т.; Қаш. в. Фузур т. қ.) – топонимининг шаклланиши тўғрисида учта фараз бор:

1. Мазкур топоним текислик маъносини англатади. Жой номи текис ер ва текислик маъносидаги *тойлоқ* сўзининг фонетик ўзгаришга учраган шакли(*а* > *о*; *п* > *л*)дан топонимлашув туфайли хосил бўлган: *тайлоқ* > *тойлоқ* > **Тойлоқ**.

2. Т. Нафасов топонимнинг маъносини *туянинг боласи* деб кўрсатган (211,171-). Аслида бу сўз *тойчоқ*, *кичик тойча* маъноларини ифодалайдиган *тай* сўздан –лоқ қўшимчасини қўшиш билан шаклланган: *тай* + -лоқ > *тайлоқ* > *тойлоқ* > **Тойлоқ**. (84, 527-;263,344-;350,198-). Бу ясама сўз *то-тем*, *уруғ номи* ва *киши исми* маъноларида ҳам қўлланган.

3. Топоним жойлашган ҳудуд тоғ ва текисликдан иборат. Бундай ҳудудда асосан отлар етиштирилган. Шунингдек, қорақалпоқларнинг *тойлоқли* деган уруғи ҳам бор (254,126-).

Учала фикрда ҳам асос бор: *тайлоқ* > *тайлоқ*; *тай* > *тай* + -лоқ > *тайлоқ* > *тойлоқ* > **Тойлоқ** > **Тойлоқ**. *Кичик той*, *тойчоқ* маъноларидаги *тайлоқ* ясама сўзини ифодалаган: *тайлоқ* > *тойлоқ*. Сўнгра бу ясама сўз ҳам этнонимни, ҳам киши исмини англатган: *тайлоқ* > *тойлоқ* > *тойлоқ* > **Тойлоқ**. Кейинчалик этноним объектга ном сифатида қўлланган, яъни этноним топоним(этнотопоним)га кўчган: *тай*+ -лоқ > *тойлоқ* > **Тойлоқ** > **Тойлоқ**. Унинг этимони *тойлоқ* этноними бўлса, ушбу этнонимнинг этимони эса текислик маъносидаги *тайлоқ* сўзи. Вакт ўтиши билан топонимнинг этимони билдирган маъно маҳсуслашиб, қуйидаги семантик ўзгаришлар рўй берган: 1) текислик маъносидаги *тайлоқ* сўзи *тойлоқ* шаклида ўзгарган; 2) *тойлоқ* сўзи *кичик той* маъносини ифодалаган; 3) кейинчалик ушбу сўз *кишилар сигинадиган нарса номи*, яъни *этноним (тотем)* маъносини англата бошлаган; 4) этноним *киши исмини* ҳам ифодалаган; 5) этноним топообъектнинг номини ҳам билдирган. Топоним диахрон, фонетик, лексик ва топонимларнинг ясалиши тамойиллари билан этимологик таҳлил этилган. У ономастик конверсия жараёнида семантик ўзгаришларга

учраб, шаклланган этнопонимлардан бири.

**Тонготар** (Жиз. в. Бахмал т. тепа) - топонимнинг шаклланишида *тонг* сўзи тоноасос бўлиб хизмат қилган. Бундай дейишга асос ушбу сўзнинг *қуёш чиқишдан олдинги пайт* маъносини ифдалаши. Унинг омоним сўзлигини эътиборга олиб, биринчи *тонг* омоним сўзнинг аввалги маъноси билан *отар* сўзлигидаги биринчи омонимик сўзликнинг олдинги маъноси бирикиб, жой номига асос бўлган предикатив бирикмани ҳосил қилган: *тонг+отар > тонг отар*. Ономастик конверсия ходисаси туфайли мазкур предикатив бирикма топонимга айланган.

*Отар* сўзининг ўзаги *отмоқ* сўзи, *-ар* сифатдош ясовчи қўшимча. Топонимни ташкил қилган *тонг*, *от*, *-ар* маъноли қисмлар ўзбек тилига (350, 202-;349,547-;269,402-) оид. *Эрта тонг отар*, *биринчи қуёш чиқади-ган жой* маънолари билан ясалган *тонг отар* предикатив бирикмаси мазкур топоним учун этимон. Унинг кам қўлланиши ҳам номланиш жараёнига боғлиқ.

**Туяторгар** (Зарафшон дарёсидан Жиззах в. худудига сув келтирадиган канал Қаш. в. Қарши т. ариқ) – топонимнинг номланишига гидронимнинг тўлиб-тошиб оқиши сабаб бўлган. Яқин-яқингача Қашқадарё ва Жиззах вилоятларининг чўлғи худудларида туялар транспорт воситаларидан бири ҳисобланган. Мана шу ҳайвон кучли ва ҳаракатчан бўлса ҳамки, ушбу ариқдан ўта олмаган. Бу ҳолат ариқнинг номланишига асос бўлган.

Топоним тўртта маъноли қисмдан ташкил топган: *туя*, *-ни* (белгисиз), *торт*, *-ар* (350,240-). Жой номи олдин предикатив бирикма бўлган: *туяни тортар*. Бу бирикма қисмларини боғлайдиган восита тушум келишигининг *-ни* қўшимчаси. Ушбу қўшимча бирикманинг тобе қисми билан ҳоким сўзини боғлашда бир восита ролини бажариб, объектли бирикмани юзага келган: *туяни тортар*.

Топоним таркибидаги *-ни* топоформанти, яъни тушум келишиги қўшимчаси бўлган *-ни* талаффуздаги эллипсис жараёни натижасида тушиб, *туятортар* кўринишидаги қўшма сўз ҳолатига келиб қолган. Ҳосил бўлган қўшма сўз топонимик деривация туфайли топонимга айланган: *туяни тортар > туянитортар > туятортар > Туятортар*. Бу топонимнинг этимони объектли бирикма: *туяни тортар* бирикмаси. Объектли бирикмалардан шаклланган жой номларининг этимонлари таркибида тушум келишиги қўшимчаси бўлган *-ни* топоформантининг эллипсис ходисасига учрашининг одатий бир ҳоллигини мана шу топоним кўрсатиб туради.

Хоразмда қудуқлардан, Зарафшон ва Қашқадарё воҳаларида дарёлардан сув чиқариш учун чиғир иншоотларидан фойдаланишда баъзан туялар қўлланган: *туя билан тортар > туя тортар > туятортар > Туятортар*. Мана шундай гидронимик иншоот туя билан ишлатилгани учун чиғир тер-

мини ўрнида *туятортар* деб аталган. Бу атама ҳам чиғирикка нисбатан, ҳам шу гидронимик қурилма жойлашган худудга нисбатан ном сифатида ишлатилган: *туятортар* > **Туятортар**. Қашқадарё вилоятининг Қарши туманидаги **Туятортар** топоними гидронимик объектнинг номи. У ариқдаги сувнинг қўплигига ишора маъносини билдиради. Ҳақиқатан ҳам, ўша ариқдан сув кўп ва тез оққани учун кучли ҳайвон бўлган туя ҳам ўта олмайди. Ушбу топоним шу тарзда номланган объект номидан куйидагича шаклланганлиги билан фарқланади: *туяни ҳам тортар* > *туяни тортар* > *туя тортар* > *туятортар* > **Туятортар**. Бу икки топоним илк шаклланиш давридаги баъзи бир апеллятивлари билан фарқлангани каби маънода ҳам фарқка эга. Биринчи объектнинг номи *туя* билан *тортар* маъносини ифода қилади. Иккинчи объектнинг номи эса *туяни ҳам тортадиган сувга эга бўлган ариқ* маъносини англатади. Бу икки объектнинг маъносини топишда географик ва реконструкция усуллари билан этимологик таҳлил олиб борилди. Демак, қайд этилган объектли бирикмадан пайдо бўлган **Туятортар** топоними чиғирикка нисбатан қўлланилган *туятортар* атамаси ва **Туятортар** жой номига нисбатан ўхшаш бўлиб қолган. Бу ҳол ҳам объектли бирикма қолипли топонимларга хос хусусиятлар жумласига киради.

**Туяқисилди** (Қаш. в. Қамаш т. адир; Сур. в. Денов т. тепа) – топонимда тўртта маъноли қисм бор: *туя, қис, -ил, -ди*. Унинг биринчи маъноли қисми бўлган *туя* сўзи XIII-XIV асрларда *тўва* тарзида галаффуз этилган (22,26-). Тобе алоқанинг мослашув тури орқали тобе ҳамда ҳоким сўзлар ўзаро бириқиб, бир бутун ҳолда предикатив бирикмани ҳосил қилган ҳамда жойга ном бериш зарурияти ва экстралингвистик омилларнинг лингвистик фактлар билан номланиш талаби туфайли бу бирикма топонимик деривация жараёнида жой номига ўтган: *туя+ қис+ил+-ди* > *туя қисилди* > **Туяқисилди**.

Унинг этимони *туя қисилди* кўринишидаги предикатив бирикма. Топонимни ташкил қилган *туя қисилди* предикатив бирикмаси кўчма маънода ишлатилган бўлиб, *энг тор жой, энг тор дара* маъноларини англатади (211,181-). Демак, предикатив бирикмадан юзага келган топонимларни топиб, белгилашда уларнинг таркибидаги маъноли қисмларни таҳлил қилиш ҳамда улардаги белгисиз шаклда муҳрланган маъноли бўлақларнинг бор ёхуд йўқлигини ҳисобга олиш зарур.

**Тўнғизтароқ** (Қаш. в. Шаҳ. т. дала) – топонимнинг келиб чиқиши ва шаклланиши ҳақида икки хил тахмин бор:

1. Топоним икки маъноли қисмдан иборат: *тўнғиз, тароқ*. Ундаги *тўнғиз* сўзи оғзаки нутқда *ёмон* деган маънони англатади. Икки сўз бириқиб, *ёмон, қўпол тароқ* деган маънони ифодамоқда: *тўнғиз тароқ* > *тўнғиз тароқ* > *тўнғизтароқ* > **Тўнғизтароқ**. Унинг этимони *ёмон ва қўпол тароқ* маъносидаги *тўнғиз тароқ* бирикмаси саналади. Бу фикр топо-

нимнинг маъносини очиб бермайди.

2. Топоним таркибида иккита маъноли қисм бор: *тўнғиз*, *тароқ*. Унинг таркибидаги *тўнғиз* сўзи *ёввойи ҳўкиз*, *чўчқа* деган маънони билдиради (84,575-;263,370-371-;350,250-), *ёввойи* хайвонлардан бири ҳисобланади. Ундаги *тароқ* сўзи (350,128-) *соч*, *соқол тараш учун ишлатиладиган ёғоч*, *металл*, *суяк ва шу кабилардан ясалган тишли буюм* деган маънони англатади. Ушбу сўз топоним таркибида дарахтлар тартибсиз ўсган далага ишора қилади. Мазкур икки сўз бириккандан ҳосил бўлган топоним *дарахтлар тартибсиз ўсган дала* маъносини ифодалаган. Ҳозирги кунда бу даладан дарахтлар олинган, аммо унинг номи ўзгаришсиз қўлланмоқда. Демак, топонимга табиий географик ҳолатлардан келиб чиқиб баҳо бериш мақсадга мувофиқ. Унинг этимони *дарахтлар тартибсиз ўсган дала* маъносидagi *тўнғиз тароқ* бирикмаси. Ушбу бирикма ономастик конверсия туфайли топонимга кўчган: *тўнғиз+тароқ* > *тўнғиз тароқ* > *тўнғизтароқ* > **Тўнғизтароқ**. Бу эса жой номларини таҳлил қилганда, у хоҳ оддий изоҳли таҳлил бўлсин, хоҳ этимологик таҳлил бўлсин, фарқи йўқ, сўзларнинг маъноси билан биргаликда ономастик конверсия ва топонимик деривация ҳамда экстралингвистик омиллар томонидан юклаган маънолар ҳам олиниб, асосли шарҳланиши лозимлигини кўрсатади.

**Тўрткўл** (ҚР шаҳар) – топонимнинг келиб чиқиши ҳақида учта фараз бор:

1. Жой номи ҳақида Ҳ. Ҳасановнинг «Кўл сўзига алоқаси йўқ. Ёзгандан ҳам Тўрткўл деб, ёзиш лозим эди. *Чолдевор*, *қолдиқ дўнг*, *тўрткўл дейилган*» (379,74-) фикрини ўйлаб кўриш лозим. Чунки ушбу фаразни рад этадиган бир неча далиллар бор: 1) боскинчилик ва ўзаро урушлар туфайли мамлакатимизнинг қаерида чолдевор бўлмаган жой қолган?! Бошқа жойлар вайронага айлантирилса ҳам, уларнинг номланиши *кўл* сўзига боғланмаган;

2) топообъектнинг ёнидан оқадиган Амударё нега эътибордан четда қолган?! Дарё бўйида кўлларнинг бўлиши табиий ҳол.

Кўрииб турибдики, Ҳ. Ҳасановнинг мазкур топоним ҳақидаги юқорида қайд қилинган фикри ўринсиз. Демак, топонимнинг этимонини *тўрт* кўл бирикмаси дейиш ҳам хато.

2. «Тўрткўл кўрғон, атрофи ўралган қишлоқ ёки баланддаги қишлоқ маъноларига эга» (89,134-135-) дейилганда, табиий-географик омиллар мажмуи бўлган экстралингвистик омиллар эътибордан четда қолган.

3. Топоним иккита тополексемадан ташкил топган: *тўрт*, *кўл* (264, 373- ва 225-;84, 313-). Жой номининг иккинчи маъноли қисми XIII-XIV асрларда ҳам *кўл* (қол) дейилган (22,16-). Унинг жойлашиш жойи Амударё бўйида бўлиб, хар жиҳатдан сув билан боғлиқ. Сабаби, дарё ёқасида, албатта, кўлларнинг бўлиши аниқ. Шунинг учун жой номини табиий-

географик жараёнга боғлаб асослаш туғри *тўрт* сўзи кўплик (103,13-14-) маъносини *кўл* > *тўрткўл* > *Тўрткўл*. Демак, уни *кўл* урини. Бу топонимнинг этимони *тўрт* унинг этимологик таҳлили жараёнида таркибини ўрганиш усуллари лексик тамоийи

**Уйчи** (Нам. в. т.) топоними *уд* > *уй* ҳолатида шаклланган. Жой номида *д* > *й* (168,77-). Уни синхрон нуктаи назардан *уй* деб, тушуниш нотўғри. Чунки топоним *уй* ҳўкиз, сигир кабиларни *тотем* деб билган нимдан шаклланган этнопонимлардан *бир* *хайвон*, *ёввойи ҳўкиз*, *сигир* деган маъноларни

**Улач** ( Тош. в. Бекобод ва Оҳангарон т. тепа) – топоними иккита маъноли қисмдан

Феъл туркумига оид *ула* сўзига ҳаракат номи, либ, улаш ясама сўзи юзага келган. *Ула* номи ва уламоқ маъноларида қўлланган

*улуш* шакли қадимги туркий тилда қишлоқ далайди (162,94-). Фонетик ўзгаришлар туфайли кўшимчасига айланган: *ш* > *ч*. *улаш* > *улаш*

қўридаги маънолари билан топонимик лексика сатхига кўчиб, жой номига айланган

**Улач**. Демак, ушбу топонимнинг этимони *улашмоқ*, *уламоқ*, *боғламоқ* маъноларидаги фонетик ўзгаришларга учраб, *улач* ҳолатига тилларда этноним номи ва *уламоқ* маънолари

Нафасовнинг қайд этишича (211,190-), *Улач* жой маъноларини англатади. Муаллиф шундай фикр юритади. Шунинг учун унинг

кўшиламмиз. Сабаби, яшаш жойи бўлган боғлаб қурилган.

**Улюз** (Анд. в. Марҳамат т. тепа) – ҳақида икки хил фараз мавжуд:

1. Мазкур топоним *у* томон маъносидagi топган: *ул+юз* > *улюз* (*улуйз*). Ушбу фикр этимологияси.

2. Бизнинг фикримизча, топоним бўлақдан иборат: *ул*, *юз* (*йюз*). Биринчи сўзининг қисқарган шакли: *улуз* > *ул*. Бирикма таркибида рўй берган: *улуз+юз* > *улуз*

Натижада, биринчи сўзнинг иккинчи бўғини юз > *улузюз* > *улюз*.

Бўлган *-уз* тушиб қолган.

Бундай кискариш тилдаги тежамкорлик билан боғлиқ (338,110).

Топоним таркибидаги *юз* сўзи - кабиланинг номи, яъни этноним (238, 38-43--). Шу этнонимнинг бир тармоғи *катта ва улуг уруг* маъносида *улуг юз* деб аталган. Бизнингча, топоним қадимий кабилалардан бири бўлган *юз* кабиласининг бир тармоғи бўлган *улуг юз* этнонимининг фонетик ўзгаришига учраши асосида шаклланган. Демак, *улуг, юз* сўзлари маълум бир тараккиёт босқичини босиб ўтиб, сўз бирикмаси ва қўшма сўзга айланади. Сунгра этнонимлашув жараёни оқибатида этнонимни ҳосил қилган. Ономастик конверсия жараёни туфайли эса этноним фонетик ўзгаришга учраб, топонимга кўчган: *улуг+юз > улуг юз > улугюз > улугюз > Улюз*. Топонимнинг этимони *улуг юз* кўринишидаги сўз бирикмаси. Этнонимлар билан шаклланган бундай топонимлар мамлакатимизда кўп учрайди (35,67-71).

**Учма** (Жиз. в. Фориш т. қ.) – топоними келиб чиқиши ҳақида бир неча хил тахмин бор:

1. Топоним *чирогинг ўчмасин* деган маънодаги *учма* сўзидан фонетик ўзгариш билан ҳосил бўлган: *ўч+ма > учма > Ўчма > Учма*. Бу ерда ў унлиси у унлисига алмашган: *ў > у*. Топоним иккита маъноли буладан (топоасос вазифасидаги тополексема ва топоформантдан) ташкил топган: *ўч, -ма*. Ушбу таҳлил халқ этимологиясининг бир кўриниши.

2. Мазкур топоним *аранг* сўзи маъносида қўлланувчи *учма-уч* (326, 286-) шаклидаги равиш сўз туркумига оид сўздан юзага келган. Бунда равиш сўз туркумидаги сўзнинг иккинчи қисми эллипсис ҳодисасига учраб, сўз таркибидан тушиб қолган. Қолган сўз эса ономастик конверсия жараёнида жой номига айланган: *ўч+-ма > учма+ўч > учмаўч > учма > Учма*. Демак, бу топонимнинг этимони такрорий сўз бўлган *учма-уч* сўзи ҳисобланади. Бу таҳлил ҳам халқ этимологиясининг бир шакли.

3. Ушбу топоним янги авлод шаклланди маъносидаги *учирма* (350,286-) сўзининг товуш тушиши ҳодисасига учраши натижасида пайдо бўлган: *учирма > учма > Учма*. Унда жой номи *уч, -ир, -ма* шаклидаги маъноли қисмлардан ҳосил бўлган бўлиб, *учирма* ясама сўзи унинг этимони саналади. Бу фикрга ҳам қўшилиб бўлмайди, чунки бунда топонимга синхрон планда қаралган.

4. Тоғ ва тоғ ён бағирларида зич тошлардаги ёриқлар орасига кундузи қорнинг эриган суви қиради. Кечга бориб у музлайди. Натижада, тошлар ёрилиб, парчаланadi. Ёрилиб, парча-парча бўлиб кетган тошлар тоғнинг куйисига шамол натижасида силжиш каби турли табиий омиллар туфайли вақти-вақти билан тушиб турган. Бу ҳол тез-тез такрорлагани учун тош парчалари тушадиган жойлар ҳам **Учма** деб аталган.

5. Мазкур топоним жойлашган ҳудудидаги тик қоя, юриш қийин бўлган баландликдан кишилар эътиборсизлик туфайли ерга йнқилиб тушишган. *Мана шундай тик қоялик, баландлик мавжуд бўлган жойни одамлар тиқилиб кетма, қулаб тушма* деган оғохлантириш маъносида **Учма** деб

аташган. Топонимнинг бу маъносини халқ географик терминларидан бири бўлган *учма* сўзи ҳам асослайди: *тоғ йўли, жар ёқаси, тош кулаб турадиган чўқур жарлик* (374,19-). Бунда апеллатив лексикадаги *учма* ясама сўз (350,287-) ономастик конверсия жараёнида топонимик лексика сатҳига кўчган: *уч+ма > учма > Учма*. Унинг илк кўриниши *учма* ясама сўзи. Бундай номланган топообъектлар тоғ ва тоғ олди худудларда учрайди. Мазкур фикрга қўшилиш мумкин. Баъзи бир баланд жойларни халқ вакиллари *учма* дейди, аммо улар тўлиқ ҳолда, ҳатто, микротопоним сифатида шаклланмаган.

Бизнингча, биринчи, иккинчи, учинчи, тўртинчи фаразларда қайд қилинган *учма* сўзи топонимга нисбатан шаклий ўхшашликни ҳосил қилган. Бешинчи фикр унинг этимологик таҳлили учун ўринли. *Баландлик, тик қоян кулаб тушма, йиқилиб кетма* деган маънода номланган объектнинг номланиши экстралингвистик омил бўлган табиий географик муҳитга мос.

**Фарғона** жой номининг этимологик таҳлили ҳам баҳсли. Топоним воҳа, вилоят ва шаҳар номи. Унинг юзага келиши тўғрисида қуйидаги тахминлар бор:

1. Шубу топонимнинг келиб чиқиши ҳақида халқ вакиллари қуйидаги фаразни айтишади: Бу ерларда аввал барно ва бир-биридан чиройли қизлар бўлган экан. Шунинг учун одамлар уларни *парилар*, яшайдиган жойларини эса *парилар жойи* ва *парихона* деган маънода **Пархона** деб аташган.

2. Топоним ҳақида «Бобурнома» да махсус тўхталинган, аммо унинг луғавий ва этимологик маъноси кўрсатилмаган (47, 5,-9-).

3. Урду тилида **Фарғона** жой номи *Паркана* шаклида ёзилиб, *вилоятнинг бир бўлаги, бир неча қишлоқни ўз ичига олган туман* маъносини англатган (Урду-русский словарь.М.,1951.стр.150.) Бундай изоҳ сўзнинг луғавий маъносига тегишли.

4. Топонимнинг юзага келиши тўғрисида Ҳ. Узоқов «*«Фарғона», «Водил» ва «Кувасой» сўзларининг этимологияси ҳақида»* номли мақола (311, 138-146-) ёзган. Унда қайд этилишича, топоним тўғрисида А. Н. Бернштам, Геродот, Плиний, Р. Муқерджи, Ҳофиз Убеҳийнинг «*Тухфатул аҳбоб»*, Мухаммад бин лод бин Абдулваҳобнинг «*Муайидал Фузало»*, Мухаммад Қосим бин Ҳожи Мухаммад Кошоний Сурурининг асарларида **Фарғона** шахрининг географик тафсилоти ва у тарихий манба сифатида баён қилинган, яъни Ўрта Осиёда кўп тарқалган сўзлардан бири саналади. Аммо уларда топонимни ифодаловчи апеллативнинг маъносига эътибор берилмаган ҳолда шу номдаги шаҳарнинг географик тавсифини берилган. Шу сабабли «*Мазкур сўзнинг этимологияси барча адабиётларда изоҳлашдан нарига ўтмаган (311,140-)*». Демак, мақоланинг сарлавҳасида сўз билан топоним, унинг ичиде эса этимология билан бирга изоҳлаш бир-биридан фарқланмаган.

Муаллифнинг қайд этишича, бу ном олдиндан қўлланиб, «*тоғлар ўр-*



*тасидаги водни»* ва *парикан* номли қабила номи маъноларини англишти тарихий китоблардан қайд этилган. Мақолада топонимнинг келиб чиқишига оид бир фараз сифатида тоқларни пархиш қилиш халқ тилида *пархиш* ва *пархона* дейилиши ҳам айтиб ўтилади. Бир қатор далилларни таҳлил қилиб, муаллиф жой номининг юзага келишида *парихона* // *пархона* шаклидаги халқ таъбирини туғри деган хулосага келган.

Бизнингча, жой номининг маъносини халқ этимологиясига боғлаш мақсадга мувофиқ. Демак, топоним *парихона* // *пархона* > *фархона* > *фаргона* > **Фаргона** шаклларида фонетик ўзгаришларга учраб, ҳосил бўлган. Бу ҳолда *и* унлиси тушиб қолган (369,393-), *п* ундоши *ф* ундошига, *х* ундоши эса *г* ундошига ўтган. Топонимнинг этимони парихона ёки пархона шаклидаги атрибутив бирикма. У *парилар яшаган жой, парихона* деган маъноларни ифодалайди. Шунинг учун ҳам «Ҳар бир жой номининг келиб чиқиши билан боғлиқ халқ этимологияси топонимик ривоят сифатида эпик шакл касб этар экан, ўша ривоят сюжети локаллашган ҳудуд доирасидаги тингловчилар аудиторияси орасида ишонч қозонган» (268, 38-).

**Хонкелди** (Қаш. в. Шаҳ. т. қир) – топоними учта маъноли қисмдан иборат: *хон, кел, -ди* (264,286-;350;337-378-;). *Хон* сўзи *ҳоким, давлат бошлиғи* маъноси билан ушбу топоним юзага келган.

*Кел* сўзи *юрш, чиқиш, сўзловчи турган томонга, жойга ёки сўзловчи қурсатган, айтган жойга яқинлашмоқ* маънолари асосида хон топоасосига бирлашиб, топонимни яшага хизмат қилган: *хон + кел + -ди* > *хон келди* > **Хонкелди**. Аппелятив лексикадаги *хон келди* предикатив бирикмаси номланиш талаби билан ономастик конверсия натижасида жой номига ўтган. *Хон* сўзи тарихий сўз, олдин *ҳоқон* кўринишида ҳам ишлатилган бўлиб, «*ҳокими мутлақ*» маъносини англатади.

Н. Абдурахмановнинг фикрича, *хон* сўзи *кан* сўзидан келиб чиққан (8,155-). Бу ҳолда сўзда куйидаги ўзгаришлар рўй берган *к* > *х*, *а* > *о*; *кан* > *хан* > *хон*. Мазкур топонимнинг этимони аппелятив лексикадаги *хон* ва *келди* сўзларнинг қўшилишидан ҳосил бўлган *хон келди* предикатив бирикма. Бир объектнинг номи бўлиб келгани учун у бир объектли топоним. Сабаби, у фақат бир ўринда топообъектнинг номи ролини бажарган. Бир қанча объектлар номи бўлиб келган топонимлар эса кўп объектли топонимлар дейилади.

**Чимбой** (Тош. шаҳрида мавзе, Сам. ва Қаш. вилоятларида кишлоқ, Камаш туманида тоғ) - топонимидаги *чим* маъноли бўлаги эса уруғ номини англатади. Шунинг учун қайд этилган топообъектларга уруғ номи ном сифатида кўчган (211,207-). Бунинг исботи, *чим* маъноли қисмлардан иборат топонимларнинг тарқалиш чегарасидир: Самарқанд вилоятида **Чимбой**, **Чимбойобод**; Китоб туманида **Чимбойарик**, **Чимбойтепа**; Яқкабоғ тумани **Чимбойтепа**; Тошкент шаҳрида **Чимбойарик** ва **Чимбой**

каби топонимлар учради. *Чим уруги вакиллари яшаган жой* деган маъно **Чимбой** топонимининг маъносини ифодалайди. Унинг этимони *чим бой* бирикмаси саналади. Ундан *чимбой* этноними хосил бўлган. Сунгра этнонимдан топоним вужудга келган: *чим+бой > чим бой > чимбой > Чимбой*.

**Шохимардон** (Фар. в. к.) топонимининг келиб чиқиши ва шаклланиши ҳақида бир неча фараз бор:

1. Топоними ҳақида ўша ерда яшовчилардан сўраб-сўриштирилганда куйидаги фикрларни айтишади:

1) *Шоҳлар марди яшаган жой*. Бу фикрда маълум асос бор, чунки қадимда ёмон, қонхўр шоҳлар ҳам бўлган. Лекин бу фикр жой номини тўлиқ ёритиб бера олмайди. Ушбу фикр халқона этимология хисобланади;

2) мазкур топонимни кишилар *мардлар шоҳи истиқомат қилган* ер деб, изохлашади. Чунки топоним форсий изофа билан шаклланган: *шоҳ+и+мрд+он > шоҳи мардон > шохимардон > Шохимардон*. Бу фараз ҳам халқ этимологиянинг бир кўриниши. Кишилар онгига халқ этимологияси шунчалик сингганки, улар топоним ҳақидаги бошқа фикрни қабул қилишмайди. Бу ҳақида В. Н. Топоров ҳам махсус тўхталган (295,11-21-).

2. Фольклор асарларида (масалан, «Алпомиш» достонида ва баъзи бир эргакларда) **Шохимардон** ва *Шохимардон тирлари* ҳақида гап боради, яъни улар таърифланиб, тавсифланиб, улуғланади. Бунда ҳам биринчи ва иккинчи фикрларнинг мазмуни бор, шунинг учун ҳам у халқ этимологияси жумласига қиради.

3. Ушбу топоним тўртта маъноли қисмдан иборат: *шоҳ-и, мард, -он*. Шоҳ сўзи форсча бўлиб, подшоҳ маъносини англатади (350,427-). -и форсий изофа. Мард сўзи ҳам форсча бўлиб, *қўрқинни билмайдиган, қўрмас, ботир; катта ишларга қодир, азамат; айтганини устидан чиқадиган тан-ти, хотам; кураш қаҳрамони* каби маъноларни ифодалайди (349,447-). -он (асли -ан тарзида бўлган, а унлиси о унлисига алмашган) кўплик кўшим-часи (163, 99-;165, 407-).

Бизнингча, топонимга асос бўлган сўз аслида *эрта тонг* маъносидаги *сахари мардон* бирикмаси бўлган. Талаффуз жараёнида бу бирикмада товуш тушиши, икки сўзнинг бир сўз ҳолатига келиши ва товуш ўзгаришлари рўй берган. Натижада, *сахари мардон* бирикмасидаги -ар морфемаси талаффузда тушиб қолган, с ундоши *ш* ундошига ўтган (168,74-;167,152-,161-162-,170-171-), а унлиси о унлисига айланган (168,72-275,9-11-): *сахари мардон > саҳи мардон > шаҳи мардон > шохимардон > Шохимардон*.

Топонимдаги *сахар* сўзи фаол қўлланадиган сўзлар жумласига қиради. Бу сўз *сахар* тарзида Э. Фозиловнинг луғатида (322, 269-270-), «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да *сахари мардон* тарзида қўлланган (350,447-). Шунингдек, *сах* топоасосли **Саҳсин** шахрининг Маҳмуд Кошғарий

(162,410-;165,399-) томонидан берилиши ҳам ўрганилаётган топонимнинг *сахари мардон* шаклидаги атрибутив бирикмадан ҳосил бўлганини тасдиқлайди.

*Эрта тонг* маъносидаги *сахари мардон* бирикмасининг топонимга асос бўлишига экстралингвистик омиллардан бири бўлган географик омилнинг ўрни катта. Сабаби, Шохимардонга боргунгача бўлган йўл қисман баландга кўтарилиб боради. Ушбу топоним тоғ орасида жойлашган бўлса-да, бошқа топонимик объектларга нисбатан баландликда ўрғашган. Эрта тонгда чиққан қуёшнинг илк нурлари тоғ бағридан кўтарилиши билан аввал мана шу қишлоққа тушади. Бундай ҳолат у ерга борган кишиларга тез билинади. Бу ҳол кўп марта кузатилган. Демак, топоним географик шарт-шароит туфайли *эрта тонгданоқ қуёш нури тушадиган жой* маъносини ифодалайди. Унинг этимони *сахари мардон* бирикмаси саналади.

*Элатон* (Анд. Избоскан т., Нам. в. Учкўрғон, Уйчи, Янгиқўрғон т. к.) топоними учта маъноли қисмдан иборат: *эл*, *-ат*, *-он*. Топоним таркибидаги *эл* апеллятивининг қуйидаги маънолари бор: «1. *Кишиларнинг миллат шаклига келмасдан олдинги тарихий бирлиги*. 2. *Эл, эл-халқ, қабила*. 3. *Бир жойли ёки бир қабилага, уругга мансуб кишилар*. 4. *Юрт, дийр: мамлакат*» (350,443-).

*Эл* сўзига жамликни ифодаловчи *(а)т* қўшимчаси қўшилгач, янги бир сўз ҳосил бўлган: *эл+ат > элат*. Мазкур сўз қуйидагича этимологик таҳлил қилинган: «ЭЛАТ *бир уруг-қабилага мансуб кишилар, қабилалар бирлашмаси*. Бу *киши менинг элатим бўлади*. Ўзбек элати XI асрда шаклланган. Бу сўз *эл* отидан жамлаш маъносини ифодаловчи *(а)т* қўшимчаси билан ҳосил қилинган дейилади: *эл+ат=элат* (ЭСТЯ, 1,343)<sup>1</sup>» (270,462-).

«Древнетюркский словарь»да *эл* сўзининг *қабилалар иттифоқи, халқ* маънолари берилган (84,168-169-). Шунингдек, бу китобда *элат* сўзи берилган ҳолда, бу сўз феъл сўз туркимига оид сўз сифатида талқин қилинган (84,169-). Шу билан бирга айни шу сўзнинг *эл*, *мамлакат*, *юрт* ҳокимият, *шаҳар* каби маънолари ҳам бор (162,83-79-,46-,336-;163,32-). Демак, ушбу луғатда *элат* сўзининг от сўз туркумига оид кўриниши берилмаган.

Ҳосил бўлган *элат* сўзига эски ўзбек тилидаги кўплик қўшимчаси бўлган *-он* (*-ан*) (163,99-) қўшимчаси бириқиб, *элатон* шаклидаги сўзни ҳосил қилган: *элат+-он > элатон*. Бу сўз таркибида иккита қўшимча мавжуд: *-ат*, *-он*. Аммо унинг таркибида топоформант битта: *-он*, яъни *элат* сўзига *-он* қўшилгач, *элатон* апеллятиви юзага келган. Мазкур турдош сўз топонимлашув ҳодисасининг топонимлик диверсия жароғи воситасида объект(лар)ни номлаш учун танланган. Унга топонимик маъно юклангач, ономастик лексика сатҳига ўтиб, маълум бир объектга ном

<sup>1</sup> Бу асар фойдаланилган адабиётлар руйхати асосида қуйидагича белгиланди: (270, 243-)

вазифасини бажара бошлаган: *элт<sup>1</sup>-он* > *элтон* > **Элатон**. Бу топоним *эллар ҳамда қабилалар иттифоқи яшаган жой* деган маънони ифодалайди.

*Эллар*, *қабилалар иттифоқи* маъносини англатадиган *элтон* сўзи ушбу топонимга этимон бўлган. *Элат* ва *элтон* сўзларининг маъноларида архаиклашиш рўй берган. Улар бугунги кунда кам ишлатилгани учун **Элатон** топоними ҳам нисбатан олганда ўз маъносини хиралаштирган.

**Ялоқтепа** (Сам. в. Ургут ва Пайарик т. қ. ва тепа) топоними хақида икки хил фараз бор:

1. Гала-гала бўлиб учадиган қорақуш ва чуғурчуқлар *қораялоқ* деб аталади. Баъзан эса уларни *ялоққуш* ёки *ялоқ* деб айтишади. Икки сўз бирикиб, сўз бирикмасини, қўшма сўзни, сўнгра ономастик конверсия туфайли топонимик лексика сатҳига кўчган: *ялоққуш + тепа* > *ялоққуш тепа* > *ялоққуштепа* > *ялоқтепа* > **Ялоқтепа**. Б. Уринбоев *чуғурчуқлар кўп бўладиган тепа* ва *уст қисми ясси, текис бландлик, суйрителанинг Ялоқтепа* деб аталишини таъкидлайди (354,167-). Ушбу фикрга қўшилмаймиз. Сабаби, бундай тепалар кўп, аммо бу тарзда номланмаган.

2. Бизнингча, минерал тузлар ва уларнинг бирикмалари еримизда мавжуд. Мана шундай хусусиятга эга бўлган тепаликни ялаган ёки унинг бирор парчасини олиб сўрган кишилар оғзи, тили ва ошқозони учун фойдали шифо топишган. Мамлакатимиз худуди ўзининг мана шундай табиий бойликлари билан қадимдан машхур бўлган. Унга мана шу топоним каби **Кўкгош** (Қаш. в. Қамаш т. тепа) жой номини ҳам мисол сифатида кўрсатиш мумкин. Кўк йўтал касалига чалинганлар **Кўкгош**даги тошга сув қўйиб, сўнг идишга солиб ичишса, бу дарддан фориғ бўлишган. Бинобарин, **Ялоқтепа** минерал тузларга бой бўлгани учун *яланган тепа* деган маънони ифодалайди: *ялоқ + тепа* > *ялоқ тепа* > *ялоқтепа* > **Ялоқтепа**.

**Янақазган // Жанақаз(қудуғи)** (Нав. в. Томди ва Қизилтепа т. қудуқ) – жой номи учта маъноли булақдан тузилган: *яна, қаз, -ган*. Топонимик деривация жараёни туфайли улар бирлашиб, бир бутун ҳолатда топонимни ташкил қилган: *яна + қаз + қан* > *яна қазган* > **Янақазган**. Сўнгра унга *қудуқ* индикатори қўшилган: *яна қазган* > **Янақазган + қудуғи** > **Янақазган қудуғи**. Унинг таркибидаги *қудуқ* индикатори баъзан талаффузда тушиб қолган: **Янақазган қудуғи** > **Янақазган**.

*Яна* сўзи равиш сўз туркумига оид бўлиб, шеваларда *жана* форма-сида ҳам қўлланади, *-ган* феълнинг сифатдош шаклини ясовчи қўшимча. *Қуйи* ва *қуди* сўзларининг *-қ* сўз ясовчи қўшимча таъсирида ҳосил бўлган *қудуқ* кўринишига келиши ўзбек тилига хос бўлган сингармонизм ходисасига боғлиқ (263,571-). Ҳосил бўлган сўзда *и* > *у* ва *й* > *д* (275,53-54-) шаклидаги фонетик ўзгаришлар рўй берган ва *-и* эгалик қўшимчаси қўшилган. Ундаги *қудуқ* индикатори топоасосга қўшилмайди. Топонимнинг *қудуқ* индикатори баъзан тушиб қолган: **Янақазган + қудуғи** >

**Янаказган кудуги > Янаказган.** Унга *яна қазган кудуги* кўринишидаги релятив бирикма этимон ҳисобланади.

**Янақишлоқ // Жанақишлоқ** (Қаш. в. Яккабоғ т. к.) – топонимнинг шаклланиши ҳақида икки хил фараз бор:

1. Биринчи маъноли қисм *яна* // *жана* сўзи равиш сўз туркумига оид (349,529-), иккинчи маъноли қисм диахрон планда учта маъноли қисмга бўлинади: *қиш+ла+қ* > *қишлоқ*. Ясалган сўз синхрон планда бир маъноли ўзак морфема. Бундай хулосага келишнинг сабаби ушбу жой номининг этимонини *яна(жана)* *қиш+ла+қ* тарзида олиб бўлмайди. Аппеллятив лексикадаги сўз ясалиш жараёни бирламчи ҳодиса сифатида бирикма таркибида олдин рўй берган ва топонимга кўчган: *яна+қишлоқ* > *яна қиш-лоқ* > *янақишлоқ* > **Янақишлоқ**. Унинг этимони *яна(жана)* *қишлоқ* шаклидаги релятив бирикма.

2. Топонимнинг биринчи маъноли бўлаги равиш сўз туркумига оид эмас, балки *йона (жона)*, *йоналик (жоналик)* кўринишидаги сўз от сўз туркумига оид. *Яна (Йана)* сўзининг биринчи бўғинида олдин *о* унлиси бўлган, сўнгра бу унли *а* унли товушига айланган: *о* > *а*. Бу ҳолда *йана* ва *қишлоқ* сўзлари ўзаро бирикиб, *йана (яна)* *қишлоқ* атрибутив бирикмани юзага келтирган. Ундан сўнг топонимик деривация жараёни билан бу бирикма топонимга кўчган: *йона+қишлоқ* > *йана қишлоқ* > *яна қишлоқ* > *янақишлоқ* > **Янақишлоқ**. Бу ерда *йана* тополексемасининг *йа* кўринишидаги биринчи бўғини *я* шаклига айланган: *йо* > *йа* > *я*. Бу топонимнинг этимони *яна қишлоқ* кўринишидаги релятив бирикма эмас, балки *яна (йана)* *қишлоқ* шаклидаги атрибутив бирикмадир. *Яна* сўзи *ёна* // *йана* ҳолатида бўлган, график ўзгариш билан шу ҳолда ёзилган. У ҳолда мазкур топоним *ёналикдаги қишлоқ ёки жарлик бўйидаги қишлоқ* маъносини англатади. Бизнингча, биринчи фикрда қайд этилган *аҳоли кўп ва тигиз яшайдиган жой* номи маъносидаги **Янақишлоқ** топонимининг таҳлили ишончлироқ. Сабаби, мазкур топоним текисликда жойлашган, яъни табиий географик омил ушбу топонимнинг шаклланишига асосий восита бўлган.

Иккинчи тахмин мазкур топонимга мос эмас. Сабаби, шаклан бир хил аммо мазмунан бошқа-бошқа бўлган жой номлари ҳақида фикр юритилди. Бироқ иккинчи фаразга тўғридан-тўғри мос тушадиган топообъектни Сурхондарё вилоятининг Денов туманидаги тоғли худудда мавжуд: *йоналикдаги қишлоқ* > *йонадаги қишлоқ* > *йана қишлоқ* > *йанақишлоқ* > *янақишлоқ* **Янақишлоқ**. Демак, мазкур икки топоним шаклан бир хил бўлса ҳам, мазмунан ўзга маъноларни ифодалаган<sup>1</sup>. Иккала топоним ҳам топонимлашув ҳодисасининг топонимик деривация жараёни оқибатида шаклланган. **Янақишлоқ** топоними *ёналик ёки жарликдаги қишлоқ*

<sup>1</sup> Биринчи фикрда қайд этилган жой номи релятив бирикма қолипли топоним бўлса, иккинчи фикрда кўрсатилган жой номи *от от* кўринишидаги атрибутив бирикма қолипли топоним ҳисобланади.

маъносини англатади. Бу топонимда *яна* (йона) сўзи *ҳаракат-ҳолатнинг сифати, миқдор-даражаси* каби маъноларни англатади.

**Янгиер** (Сир. в. т.) жой номи далиллар билан таҳлил қилинса, қуйидаги ҳолат кўринади: у жой номи бўлишидан олдин, иккита сўздан иборат бўлган: *янги* ва *ер* (350,482-483-;349,248-249-) (ёки *йанги* ва *йэр*). Ушбу икки сўз апеллятив лексикага ҳос маъновий хусусиятларни намоён қилади. Нутқимизда кўп ишлатиладиган *янги+ер > янгиер* сўзи ҳам бор. Бу икки сўздан апеллятив лексикага оид қўшма сўз сифатида шаклланган.

**Янги** ва **бўз** ерларни ўзлаштириш бошланган XX асрнинг эллигинчи ва олтимишинчи йилларида «*янги очилган, илк марта ишлов берилаётган ер*» маъносидаги *янги ер* бирикмаси ономастик конверсия туфайли топонимга кўчди (242,132-) ҳамда топоним вазифасини бажара бошлади: *янги+ер > янги ер > Янгиер*. Бу ерда аналогия ҳодисаси рўй берган. Сўз ясалиш ҳодисаси ҳисобланган *янги+ер > янги ер* сўзи ономастик конверсия туфайли *янги ўзлаштирилган жой* маъносида шаклланган топоним **Янгиерга** ўхшаш бўлиб қолган. Чунки *янги ер* апеллятив лексика таркибида сўз яшашнинг композиция усули билан шаклланган *янги сўз* сифатида ўрганилса ҳамки, топонимга ўтмаган.

**Янгиер** топоними эса *янги ер* сўз бирикмасининг бирдан кўчириб олиниши эмас, бошқа сўз, яъни топонимлашув туфайли топоним ҳисобланадиган ономастик лексиканинг бирлиги бўлиб қолган. Бунда ономастик деривация жараёнининг маҳсулини кўриш мумкин. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, тарихий номлар диахрон усулда ҳам ўрганилгани каби ҳозирги номларнинг синхрон усулда тадқиқ этилиши ҳам ўринли. 3. Дусимовнинг кайд этилишча, синхрон усулда топонимларни гадқиқ қилишда номланиш тамойилининг позитивлик талаби билан ясалган топонимлар Хоразмда кўп учрайди (92,33-37-).

**Япалоктепа** (Қаш. в. Фузур т. тепа) топоними ҳақида иккита таҳмин бор:

1. Синхрон нуктаи назаридан эса у икки маъноли бўлақдан ташкил топган: *япалоқ* ва *тепа*. Диахрон нуктаи назаридан қаралганда *япалоқ* (*йапалоқ*) сўзи бешта маъноли қисмдан иборат: *йап*, *-а*, *-ла*, *-қ*, *тепа*. Демак, **Япалоктепа** топонимининг биринчи қисми *йап* ўзағига эмас, балки *йай* (*йаз*) ўзағига эга, яъни бу сўз аслида *йай+иб > йайип > йап+-а+-ла+-қ > йапалоқ > япалоқ* шаклидан ҳосил бўлган. Бу ҳолда й ундоши қуйидаги фонетик ўзгаришларга дуч келганини инкор қилмаймиз: *й > ж > ч > ш > с > з* ҳамда *з > й* (275,53-56-,61-).

Ушбу топонимда *япалоқ* сўзи топоасос вазифасини бажарган. Ясси, *япалоқ* сўзи тепаликнинг ёйиқроқ, кенгрок эканлигини англатади. Ана шу атрибутив бирикмадан жой номи шаклланган: *йай+иб > йайип > йап+-а+-ла+-қ > йапалоқ > япалоқ+тепа > япалоқ тепа > япалоқтепа > Япалоқ-*

**тепа.** Бу топоним учун «*йайилиб кетган*», «*йайилган тепа*» маъносидаги *йапалоқ тепа* бирикмаси этимон.

2. Бу жой номи *йалти* (164,37-), -қ, *тепа* маъноли қисмларидан иборат. Топоним таркибида товушлар(л ва п)нинг ўрин алмашиши - метатеза рўй берган (168,78-), -қ қўшимчасининг таъсирида *и* товуши *о* товушига ўтган, яъни сингармонизм ҳодисаси амал қилган ва биринчи бўғиндан сўнг *а* товуши орттирилган: *йалти*+*-қ* > *йалтиқ* > *йалпоқ* > *йапалоқ*+*тепа* > *йапалоқ тепа* > *йапалоқтепа* > **Йапалоқтапа**. Демак, топонимнинг этимони *йалтиқ* > *йапалоқ* шаклидаги ясама сўздир. Бизнингча, бу фаразда ҳақиқатга яқинлик кўпроқ.

**Ястепа** (Сам. в. Тайлоқ т. тепа) – топоними иккита маъноли қисмдан ташкил топган: *яс*, *тепа*. Биринчи маъноли қисм *яс* сўзи фонетик ўзгаришларга учраб, шу ҳолга келган. Асли *ясси* шаклида бўлган (349,488-). Топоним куйидагича ҳолда шаклланган: *ясси*+*тепа* > *ясси тепа* > *ясситепа* > *ястепа* > **Ястепа**. Унинг этимони *текис тепа* маъносидаги *ясси тепа* бирикмаси. Демак, бу топоним фонетик ўзгаришлардан бири бўлган товуш тушиши ҳодисаси рўй берган бирикма асосида юзага келган.

**Ўртабўз** (ҚҚР текислик; Сам. в. Жомбой, Нуробод, Пайариқ т. тепа ва к.) – топоними иккита маъноли қисмдан иборат: *ўрта*, *бўз*. Бўз сўзи *кўкка мойил оқ ранг* маъноси билан жой номи таркибида қўлланган (349,157-158-). Оқиш рангдан келган тупроқ *бўз тупроқ* дейилган. Ўрта (350,514-,) сўзи топонимлар таркибида худудий бўлак маъносида ишлатилади: **Ўртабўз**, **Ўртақишлоқ**. Шуниингдек, *ўрта* сўзи *белги* ва *миқдор* маъноларини ифодалаб, бўзли тупроқнинг ўртача рангини ҳамда ҳолатини кўрсатади.

Ономастик конверсия ҳодисаси натижасида бу бирикма таркибидаги маъноли қисмлар бирлашиб, бир бутун ҳолатда қўшма сўз холига келиб қолган, шу тарзда жой номига кўчган: *ўрта*+*бўз* > *ўрта бўз* > **Ўртабўз**. *Оқиш рангли бўз тупроққа эга бўлган ҳудудий бўлак* деган маъно топонимнинг маъноси саналади. Ушбу топонимнинг этимони *ўрта бўз* кўри-нишидаги атрибутив бирикма. У номланиш талаби билан ономастик конверсия тўфайли бир бутун сўзга айланиб, жой номига ўтган.

**Ўртачим** (Сам. в. Иштихон ва Окдарё т. тепа; Қаш. в. Қамаш т. к.) – топоними иккита маъноли қисмдан иборат: *ўрта*, *чим*. Унинг биринчи тополексемаси *ўрта* сўзи бўлиб, *оралиқ*, *қуришов*, *давра*, *ярим*, *марказ*, *муҳит* (350,514-;263,489-) маъноларини ифодалайди.

Ажрикли жой, ажриқ кўп ўсган ернинг *чим* дейилиши эътиборга олинадиган бўлса (263,426-;350,369-), ушбу топоним *ажрикли жойнинг ўртаси*, *ажриқ ўсган ернинг ўрта қисми* маъносини англатади. Унинг этимони *ўрта чим* бирикмаси бўлиб, ономастик конверсия ҳодисаси тўфайли жой номига кўчган.

**Қайки** (Нам. в. Учқўрғон т. к.) – топоними тарихан олинганда *қаз*, -*гу* (84,404-;407-;162,401-;263,515-) кўринишидаги маъноли қисмлардан

ташкил топган ва з > й (167,165-); э > қ; у > и (275,20-) шакллардаги фонетик ўзгаришларни бошидан кечирган ҳолда бугунгача етиб келган: қаз+-зу > қазғу > қайғу > қайқи.

Юзага келган қайқи сўзи *дард-алам*, *гам-ғусса* маъносини ифодалайди. Бу ясама сўз ономастик конверсия туфайли апеллятив лексика сатҳилан топонимик лексика сатҳига кўчиб, объектнинг номи бўлган: қайқи > **Қай-қи** ва қайғу-алам бўлган жой маъносини англатади. Топонимнинг этимони *дард-алам*, *гам-ғусса* маъносидаги қазғу (қайғу) ясама сўзи.

**Қайнар** (Сам. в. Ургут т. қ.; Қаш. в. Китоб т. қ.; Сур. в. Денов т. булоқ) – жой номи учта маъноли қисмдан иборат: қайн (қайын), -а, -(а)р. Қайна сўзи қадимги туркий тилда буг чикариб вақирла маъносидаги қайын феълига (84,407-) кучайтириш ҳамда такрорийликни ифодаловчи -а қўшимчасини қўшиш билан шаклланган: қайын+-а > қайына > қайна. Ушбу сўздаги *ы* (*и*) унлиси талаффузда тушиб қолган. Ҳосил бўлган сўзга сифат-дош ясовчи -(а)р қўшимчиси қўшилгач, қайнар сўзи ҳосил бўлган: қайна+-ар > қайна(а)р > қайнар. Суви пастдан юқорига кўтарилиб чиқадиган булоқ қайнар деб аталган Ушбу топоним қайна<sup>1</sup>-р шаклидаги форма ясаши ҳамда топонимик деревация натижасида юзага келган. Қайна сўзи қайын+-а > қайына > қайна > қайна (263,508-) ҳолатида юзага келган феъл сўз туркумига оид сўзлардан бири.

Қайна сўзи аслида қай (ёки қайт) орқага юриш (қайтариш), тесқари ҳаракат маънолари билан боғланидиган феъл ўзагидир: қайит(қайт); қайтар – буқла. Чой ёки сувнинг (суюқликнинг) қайнашида ҳам унинг кўтарилиб туриб, қайтиб тушиши назарда тутилади: қайтинди, қайинди каби. Унинг давомийлиги –а қўшимчиси орқали берилган: қайин+-а > қайна. Топонимнинг этимологик таҳлили ана шу қай ўзагига бориб тақалади. Киёсланг: *тирик // тирил*, *қайир // қайт // қайил* каби ўзак боғли ёки тарихий ўзак бўлиб қолган (316,6-).

Мазкур топоним учун этимон қайна ўзагига -(а)р сифатдош ясовчи қўшимчасининг қўшилишидан ҳосил бўлган қайнар сўзи. Бу сўз апеллятив лексикада фаол қўлланидиган сўзлардан бири. Топонимлашув ходисаси туфайли пайдо бўлган сўз жой номига кўчган. қайна+-р > қайнар > **Қайнар**. Унинг пайдо бўлишига суви отилиб, тошиб чиқадиган сув манбаининг табиий хусусияти асосий роль ўйнаган. Сабаби, аҳоли доим оқадиган булоқ атрофида тўпланади ва бундай булоқлар кўп ҳолларда **Қайнарбулоқ** (Қаш. в. Яққабғ т.) деб аталади. Унинг номланишида географик омилнинг таъсири бор. Топонимнинг этимони қайын +-а > қайна+-(а)р > қайнар ҳолатида шаклланган қайнар ясама сўзи.

**Қайрағоч** (Сам. в. Челак ва Ургут т.; Қаш. в. Шах. т. тепа, жой) топоними таркибида иккита маъноли қисм бор: қайир ва оғоч (ығоч). Баъзилар қайир сўзини *дарактнинг нўстлоғи* маъносида тушунишади. Бирок ушбу маъно бирор ерда кўрсатилмаган.



Қайир сўзи қаттиқ, тухта, букилса ҳам синмайдиган маъноларини англатади (263,511-512-). Оғоч (ыгоч) сўзи дарахт маъносини ифодалаган (84,218-). Ушбу икки сўз бирикиб, сўз бирикмасини ҳосил қилган, сўнгра бирикма таркибидаги қисмлар орасидаги грамматик муносабат йўқолиб, қўшма сўзга айланган: қайир+оғоч > қайир оғоч > қайрағоч. Бунда қайир сўзидаги и унлиси тушиб қолган, оғоч сўзидаги о унлиси а унлисига алмашган: о > а. Ҳосил бўлган қўшма сўз аввал фитонимлашув туфайли фитонимга, сўнгра топонимик деривация жараёнида жой номига кўчиб, қаттиқ, букилса ҳам синмайдиган дарахт ўсган жой деган маънони ифодалаган: қайрағоч > қайрағоч > Қайрағоч. Топонимнинг этимони фитонимга асос бўлган қайир оғоч шаклидаги сўз бирикмаси. Ҳосил бўлган топоним фитотопоним, чунки жой номи таркибидаги оғоч атамаси ва қайир+оғоч > қайрағоч шаклида ҳосил бўлган қўшма сўз фитонимни билдиради.

Қайнақувди (Қаш. в. Шах. т. Сувтушар к. гузар) - учта маъноли қисмдан ташкил топган топоним: қайна, қув, -ди. Ушбу маъноли бўлақларнинг биринчиси синхрон планда бир ўзак морфемадан ташкил топган. Аммо диахрон планда бу тополексема икки ўзак морфемадан иборат: қайин (350,537-)+она. Мазкур иккала қисм талаффуз қилинган вақтда фонетик ходисалардан бири бўлган товуш тушиши ходисаси рўй бериб, улар бир ўзак морфема ҳолатига келган: қайин + она > қайинона > қайна. Бу ерда от сўз туркумидаги қайна сўзи топоним таркибидаги топаосос вазифасини бажарган.

Икки сўзнинг бириқиши туфайли қайин + она > қайинона > қайна сўзи ҳосил бўлган. Бунда қўлланган қайн сўзи қайин кўринишида бўлиб, эрнинг тузишганлари маъносини билдиради. Қайин сўзи қазин сўзи билан ўзаро боғлиқ. Сўздаги з товуши й ундошига алмашгани (з > й) ни Махмуд Кошғарий қайд этган (162,68-). Қазин сўзи аёл маъносини англатувчи қатун сўзи билан боғланади (162,388-;263,509-). Демак, қазин (қайин) ва она сўзлари аёл деган маънони ифодалайди. Қайна (қайин она) сўзи хотин ёхуд эрнинг онаси деган маънода қўлланади. Қайин ота > қайната – хотин ёки эрнинг отаси. Қайинука – эр ёки хотиннинг укаси. Топонимнинг иккинчи маъноли бўлаги қув сўзига феълнинг ўтган замон формасини ясовчи -ди қўшимчаси қўшилган: қув+ди > қувди.

Топоним олдин қайин онаси қувди тарзида айтилган, кейинчалик фонетик ўзгариш рўй бериб, ҳозирги кўринишга келгач, предикатив бирикма ҳосил бўлган: қайин онаси қувди > қайнаси қувди > қайна қувди. Унинг заминида эса предикатив бирикма қолипли топоним шаклланган: қайин онаси қувди > қайнаси қувди > қайна қувди > Қайнақувди. Объектларнинг номланиш жараёни ва жой номларининг мотивланишидан кўришиб турибдики, миллий анъана, яъни экстралингвистик омил ушбу топонимнинг юзага келиши учун етакчи восита вазифасини бажарган.

Қайна куёвини ёқтирмай қолиши, *Узингга уй-жой қур*, деб туриб олиши ёхуд дангқаса, ишёқмас куёвларни ишлашга мажбур қилиши сабабли *қайна қувди* предикатив бирикмаси шаклланган. **Қайнақувди** топонимнинг этимони *қайин онаси қувди* ёхуд *қайнаси қувди* ҳолатидаги предикатив бирикма. *Қайин онаси қувди* > *қайнаси қувди* предикатив бирикмадан топонимик деривация жараёнида **Қайнақувди** топоними юзага келган.

**Қайирма** (Нам. в. Чуст т. к.; Қаш. в. Ғузур т. арик ва к.) – иккита маъноли қисмдан ташкил топган топоним: *қайир*, *-ма*. *Қайир* сўз топоасос бўлиб келган, *-ма* қўшимчаси эса топоформант. Дарё ва қўллар буйлаб чўзилган, сув кўпайганда сув босиб кетадиган пастак захоб ерлар *қайир* дейилган (349,130-). Мазкур сўз баъзи манбаларда *берч ер* маъносида изоҳланган (84,407-;164,165-). Унга боргунча баланд-пастлик ва турли бурилишлардан ўтиб борилади. *Қайир* сўзининг *дарё ва қўллар буйида чўзилган*, сув *кўпайган вақтда сув босиб кетадиган пастак захоб ер* маъноси архаиклашган. Ҳозирги кунда бу сўз *бурш* маъносини англатади, яъни унинг маъносида ўзгариш рўй берган. Топонимнинг географик жойлашуви ҳам архаиклашган маънони инкор этади.

Т. Нафасовнинг қайд этишича, бу топоним барча туманларда арик ва қишлоқ номи бўлиб келади. Аммо у *қайир* сўзини негадир туркий ҳамда мўғул тилларига оид бўлган *хайр* сўзига боғлаб таҳлил қилган (211,232-). Бу изоҳга қўшилиб бўлмайди. Мазкур ойконимни бориб кўриш учун унғача турли баланд-пастлик ҳамда бурилишлардан ўтиб бориш керак. Географик омилдан кўриниб турибдики, *қайир* сўзини *хайр* сўзига боғлашнинг ҳеч бир зарурияти йўқ. Яна *қайир* сўзининг ўзбек тилига оидлиги ҳам асосий далил (350,37-). Топонимнинг иккинчи маъноли қисм *-ма* топоформанти эса *-им* *+-а* кўринишидаги мураккаб қўшимчадан иборат. Қиёсланг: *бос+-им+а* > *босма*; *тер+-им* *+-а* > *терма* кабилар.

Бинобарин, ушбу топонимнинг номланишига географик омил асосий восита бўлган, чунки бу ойконимгача бўлган дромонимлар (йўллар) турли-туман ҳолатдаги қайрилиш ва баланд-пастликлардан ташкил топган. Мана шу ҳолатни эътиборга олган аҳоли ўзлари яшайдиган жойни **Қайирма** деб аташган. *Қайирма* ва *қайрилиш* сўзларининг маънолари кузатилса, турли бурилишлар асосида *қайрилиш*, *бурлиш* маънолари ётади. **Қайирма** жой номи *қайрилиш* сўзининг архаик ҳолати. Демак, **Қайирма** топонимининг этимони географик омил воситасида топилган *қайрилиш* маъносидаги *қайирма* сўзи. У ономастик конверсия ҳодисасидан сўнг жой номига кўчган: *қайир+-ма* > *қайирма* > **Қайирма**.

**Қизарик** (Нам. в. Янгиқўрғон т. к. ва арик) ушбу топонимнинг келиб чиқиши ҳақида уч хил тахмин бор:

1. Туб аҳоли вакиллари жой номининг келиб чиқишини *қиз* сўзига боғлашади: *қизлар қазиган ариқ* > *қизарик* > **Қизарик**. Бу ҳолда

топонимнинг этимони *қизлар қазиган ариқ* бирикмаси. Жой номи ҳақидаги ушбу фикр халқ этимологиясининг бир кўриниши ҳисобланади.

2. Топонимдаги *қиз* сўзи қадимги туркий тилга оид *қуз* сўзи (211,244-)га боғланган: *қуз+ариқ > қуз ариқ > қузариқ > қизариқ > Қизарик*. У ҳолда мазкур топоним *баландликдаги ариқ* деган маънони англатади. Жой номининг этимони *қуз ариқ* бирикмаси. Аммо гидроцимлардан бири бўлган ариқларнинг баландликда бўлиши камдан-кам ҳолат.

3. Ушбу топоним иккита маъноли қисмдан ташкил топган: *қиз, ариқ*. Иккала маъноли қисм ҳам туркий тилларга оид (350,570-;349,59-,70-;162,96-). Топоним таркибидаги *қиз* сўзи асли *қизил* шаклида бўлган. Улар ўзаро бирикиб, олдин сўз бирикмасини, сўнгра қўшма сўзни ташкил қилган. Мана шу жараёнлар даврида тарихан қаралганда ясама сўз бўлган *қизил* (263,539-) сўзининг иккинчи бўғини тушиб қолган, яъни товуш тушиш ҳодисаси рўй берган (264,188-): *қизил+ариқ > қизил ариқ > қизилариқ > қизариқ*. Ҳосил бўлган қўшма сўз ономастик конверсия жараёнида топонимга айланган: *қизариқ > Қизарик*.

Топоним жойлашган ерга бориб кўрилганда, ҳақиқатан ҳам, бу ариқ ўтган жой тупроғининг *қизғиш* рангдалиги кишини ўзига тортади. Объектнинг номи табиий-географик муҳитга хос хусусият бўлган *тупроқнинг қизғиш рангдалиги* асосида лингвистик омилларнинг воситалари билан шаклланган. Бу топоним учун этимон *қизил ариқ* бирикмаси. Демак, топоним ва унинг луғавий асоси бир-биридан топонимлашув ҳодисаси рўй берган-бермагани ҳамда топонимик маъно(лар) юкланган-юкланмагани билан фарқланади.

**Қизилсув** (Қаш. в. Яккабоғ т. дарё ва қ.) – топоними иккита маъноли қисмдан ташкил топган: *қизил ва сув* (323, 69-70-;344,335-;8,67-,70-). Биринчи сўз сифат сўз туркумига оид, белги маъносини билдиради. Топоним аввал дарёга, сўнгра қишлоққа ном сифатида қўйилган. Масалан, Яккабоғ туманидаги катта дарёлардан бири **Қизилсув** деб аталади. Тоғ ён бағридаги бир неча қишлоқ ҳам шу ном билан аталган. Ҳозирги кунда уларда яшовчи аҳоли қўлга кўчирилгани учун ҳеч ким яшамайди, уйларнинг харобаларигина қолган. Бироқ кишилар у ерларни азалий номи бўлган **Қизилсув** билан аташмоқда.

Бу топоним таркибидаги *сув* тополексемаси *дарё* маъносини, *қизил* сўзи эса тоғ ва тепаликлардан йиғилиб оқаётган сувнинг ранг-тусини ифодалаган. Тоғ ва тоғ олди ерлар, асосан, қизғиш, қизил тупроқ бўлгани учун у ерлардан оқиб келаётган сув ҳам қизғиш рангда бўлади. **Қизилсув** тоғ ва тоғ олди жойлардан лойқа ҳамда майда тоғ жинсларини оқизадиган сув ўзанини англатади.

Мазкур топонимнинг этимони атрибутив бирикма қолипли *қизил сув* сўз бирикмаси. Ономастик конверсия, яъни топонимлашув ҳодисаси тўғайли сўз бирикмасининг қисмлари бирлашиб, бир бутун сўзга айланган

ва шу тарзда жой номига кўчган: *қизил + сув > қизил сув > Қизилсув*. Айни шу топонимнинг морфологик тузилиши *сифат + от* ҳолатида бўлиб, топонимнинг биринчи маъноли қисми *қизил* сўзи *лойқа, майда тоғ жинсларини оқизган сувнинг ранги* маъносини ифодалаб турибди. Тоғ олди ерларда қорларнинг эриши туфайли оқиб тушган сув тупроқнинг рангига мос ҳолатда оқиши, яъни тоғдаги қорнинг эриб, тоғ тупроғини оқизиши ушбу топонимнинг номланиши учун экстралингвистик омил сапалади. Унинг сўз билан ифодаланиши лингвистик омиллар воситасида акс этиши ҳисобланади. Мана шу ҳолат гидронимларга хос бўлган географик омилларни ажратиб туради. Бундай топонимларга яна **Оқсув** (Фар. в. Шохимардон қ. ва Қаш. в. Китоб т. дарё), **Кўксув** (Фар. в. Шохимардон қ. дарё), **Қорасув** (Фар. ва Қаш. в. дарё) қабилар мисол бўлади.

**Қизилқум** (Нав. в. чўл) – топоними ранг-тусни билдирувчи *қизил* сўзи асосида ясалиб, иккита маъноли қисмдан ташкил топган: *қизил, қум*. Ҳар икки маъноли бўлақлар олдин сўз бирикмасини, сўнгра эса қўшма сўзни ҳосил қилган: *қизил + қум > қизил қум > қизилқум > Қизилқум*. Ҳосил бўлган қўшма сўз ономастик конверсия жараёни натижасида топонимга айланган: *қизил + қум > қизил қум > қизилқум > Қизилқум*. Уни Х. Ҳасанов *шарқий қум* ва *олтин қум*, деб қайд этган (379,117-). Бу бирикманинг кўчма маънодаги *олтин* маъноси топонимда мавжуд бўлган ҳолда бошқа манбаларда учрамади. Ушбу сўзнинг олтин маъносини ифодалаши ҳисобга олинса, *шаклланган жой номи олтини бор, олтинга бой қум* деган маънони англатади. Бу фикрнинг исботи Мурунгов тилла қони. Ушбу қон **Қизилқум**да фаолият кўрсатиб, тинимсиз ишламоқда. Бу топонимнинг этимони *қизил қум* сўз бирикмаси.

**Қизирик** (Сур. в. т.) топонимнинг шаклланиши ҳақида бир неча тахминлар бор. Уларни муҳокама қилиш асосида бу топонимнинг этимологияси ҳақидаги ишончли фаразга айтиш мумкин:

1. Бу жой номида иккита маъноли бўлак мавжуд: *қиз* ва *ирик* (263,537-538-,156-157-). *Ирик* сўзи *йирик* сўзининг фонетик жиҳатдан ўзгарган шакли. Ушбу ҳолда топоним *қизи йирик* бирикмасидан шаклланган бўлиб чиқади. Уша ерда яшайётган кишиларнинг қатта-кичиклигига эътибор берилса, бу тахминнинг маълум бир экстралингвистик асослари борлигига ишонин мумкин.

2. Мазкур топоним иккита маъноли бўлақдан иборат: *қиз, -ир, -иқ*, яъни бир *ўзак* ва икки эргаш морфемадан ташкил топган. Ушбу *ўзак* ва эргаш морфемалар маълум бир ривожланиш тараққиётини босиб ўтган. *қизир* сўзи *исир* сўзининг ўзгарган шакли эмасмикан?! У ҳолда *-иқ* от ва сифат ясовчи қўшимчалар жумласига киради. Сўз бошида *қ* ундош товуши орттирилган, *с* ундоши эса *з* ундошига ўтган ва регрессив ассимиляция ҳодисаси рўй берган. *Исирик* сувсиз ерда ўсадиган ўсимликнинг номи. Шу

Ўсимлик ўсган ер, яъни танланган объектда номланиш ва топонимик деривация жараёнилари рўй берган: *исириқ* > *қисириқ* > *қизириқ* > **Қизириқ**.

3. Топоним учта маъноли қисмдан ташкил топган: *қизи*, *-р*, *-иқ*. Ўзақ морфема *қизимоқ* (350,571-) феъли саналади. Сўнгра унга *-р* ва *-иқ* қўшимчалари қўшилиб, янги сўз ясалган ва сўнгра у топонимга айланган: *қизи*+ *-р*+*-иқ* > *қизириқ* > **Қизириқ**. Унгача ушбу сўз *қизи*, *қиздирилган* кўринишларда бўлган. Сабаби, чўл худудларида баҳор келиши билан ҳаво исиб, одамнинг нафас олиши анча кийинлашади. Шунинг учун ҳам мазкур худуд **Қизириқ** деб номланган.

4. Жой номида иккита маъноли қисм бор: *қизил* ва *ариқ* (349,54-, 350,570-; 162,76-). Мазкур икки сўз бирикиб олдин сўз бирикмасини, сўнгра қўшма сўзни ҳосил қилган. Топонимлашув ҳодисаси туфайли қўшма сўз ономастик лексика сатҳига кўчган, топоним ҳосил бўлган: *қизил*+*ариқ* > *қизил ариқ* > *қизилариқ* > *қизариқ* > *қизириқ* > **Қизириқ** (қиёсланг: *ўқ* + *ариқ* > *ўқариқ*). Биринчи тополексемадаги *охирги л* ундоши, иккинчи тополексемадаги *а* унлиси талаффузда тушиб қолган.

Топонимнинг этимологияси учун мана шу тўртинчи тахминда жон бор. Жой номининг шаклланишига географик реаллик, аниқроғи, географик омил асосий восита бўлиб хизмат қилган. Турли чўкинди жинсларни оқизиб келувчи ариқ, сой ва дарёларнинг қирғоқларидаги тупроқларнинг қизғиш ҳолда бўлиши кўп учрайди. Шу ҳолат жой номининг номланишига асос бўлган. **Қизилдарё** ҳамда **Қизириқ** топонимларини қиёсласак, ушбу ҳолат яна ҳам аниқроқ билинади. Доим тоғ жинслари ва тупроқ лойқаланиб оқувчи дарё **Қизилдарё** деб аталгани каби тупроғи қизғиш бўлган ариқлар олдин **Қизилариқ** деб, сўнгра **Қизириқ** деб номланиши табиий ҳол. Бу ерда лексик омил ва экстралингвистик омиллардан бири бўлган географик омилнинг номланиш жараёнига таъсири сезилиб турибди: *ариқнинг қизил тупроқли рангда бўлиши* ва унинг *қизил ариқ* бирикмаси билан аталиши фикримизнинг исботи. Демак, **Қизириқ** топоними турли фонетик ўзгаришларга учраб, шу ҳолатга келган. Унинг биринчи маъноли бўлаги *қизил* сўзи бўлган, ўзгариш жараёнида унинг иккинчи бўғини тушиб қолган: *қизил* + *ариқ* > *қизилариқ* > *қизариқ* > *қизириқ* > **Қизириқ**.

Топонимнинг иккинчи тополексемаси *ариқ* сўзи бўлиб, биринчи бўғиндаги *а* унлиси олдинги ва кейинги бўғинлардаги *и* унлилари таъсирида *и* унлисига айланган ва сингармонизм ҳодисаси рўй берган: *қизил* + *ариқ* > *қизил ариқ* > *қизилариқ* > *қизариқ* > *қизариқ* > *қизириқ* > **Қизириқ**. Ушбу ҳолатни қуйидаги модел тарзида бериш мумкин: *апеллятив сўз* + *апеллятив сўз* > *сўз бирикмаси* > *қўшма сўз* > *микротопоним* > *макротопоним (гидроним ва ойконим)*. Топонимнинг ариқ номи бўлиши микро-топонимни, унинг ойконим номи бўлиши эса макротопонимни англатади. Жой номи таркибидаги тополексемалар туркий тилларга, жумладан, ўзбек

тилига оид сўзлардан бири (162,76-;349,54-;350,570-;127,42-). Бинобарин, мазкур жой номига *қизил ариқ* сўз бирикмаси этимон бўлган.

**Қизилтув** (Тош., Сир. в. тоғ, овул, к. ва жой) топоними икки тополексемадан иборат: *қизил*, *тув*. Унинг шаклланиши ҳақида икки хил фараз бор:

1. Ушбу топоним *қизғиш рангли баланд тоғ (қизил тув)* маъносини англатади. *Қизил* сўзи (350,570-) қайд этилган жой номида номланиш талабидан келиб чиққан ва топообъектнинг характерли хусусиятларини ифодалаган ҳолда атоқли отга хос маънони ифодалашга хизмат қилган. Иккинчи тополексема бўлган *тув* сўзи қуйидаги фонетик жараёни босиб ўтган: *та:ғ > тағ > тоғ > тов > тув*. Бу сўзнинг қирғиз тилида *тоо* (139,155-170-) тарзида ишлатилиши ҳам *та:ғ* (263,351-) сўзининг *тув* тарзида ўзгаришини асослайди. Мазкур топонимнинг этимони *қизил тув* кўринишидаги сўз бирикмаси: *қизил+тув > қизил тув > қизилтув > Қизилтув*.

2. Ушбу топоним таркибидаги *тув* сўзи *байроқ* маъносидаги *тув* сўзига бориб тақалади (350,241-). Бугунги кунда бу сўзнинг қўлланиши фаол эмас. Демак, *тув* сўзи *туғ* сўзининг фонетик ўзгаришга учраган шакли. Топоним икки тополексеманинг бирикиши ва ономастик конверсия натижасида топонимик лексика сатҳига кўчган: *қизил+туғ > қизил туғ > қизил тув > қизилтув > Қизилтув*. Унинг этимони *қизил туғ* бирикмаси.

Бу фаразларни ўйлаб, киёслаб кўриш учун унинг икки объектга ном бўлиб келишини ҳисобга олиш керак. Шу ўринда *тоғ* сўзи ҳам, *туғ* сўзи ҳам аслида *баландлик* маъносини ифодалашини эътиборга тутиш лозим. Худди шу маънода уларнинг этимонлари (*тов // тув*) ўхшаш бўлиб, бир маъно («баландлик»)да қўлланган. Сабаби, голиб келган киши ёки кўшиннинг байроғи, яъни *туғ* (84,584-)ини кўтариш қадимдан одат бўлган. Кейинги маъно тараққиёти жараёнида ушбу сўз бошқа маъноларни англатадиган бўлган. Бу ҳол туркий тилларга, хусусан, ўзбек тили сўзларига хос омонимик хусусият (347,259-292-).

Агар Тошкент вилоятидаги **Қизилтув** (овул, кишлок) топонимининг географик жойлашуви кузатилса, бу жой номи тоғли ерда жойлашганини кўриш мумкин. Бу ҳолда *тув* тополексемаси *тоғ* сўзидан шаклланган бўлади. Шу билан бирга у ерда яшовчи қозоқлар тилида *қизил байроқ* бирикмаси *қизил тув* деб аталгани каби *тоғ* сўзи ҳам *тув* дейилади. Демак, биринчи фараз Тошкент вилоятидаги топообъект учун мантиқан тўғри келади.

Агар (соф туркий тополексемаларга эга бўлмаса ҳам) **Пойтуғ** (Анд. в.) топоними ўз вақтида Қўқон хонлиги ҳудудининг охириги нуктаси, хонлик байроғи кўтарилган сўнги жой маъносини ифодалашини эътиборга олинса, у ҳолда Сирдарё вилоятидаги **Қизилтув** топоними ҳам хонлик чегарасини кўрсатади, яъни *хонлик ҳукми, байроғи етиб борган жой* деган

маънони беради. Иккинчи фикр эса Сирдарё вилоятидаги объект учун ўринли. Демак, **Қизилтув** топоними икки объектнинг номи бўлиб келган. У географик ва топонимларнинг таркибини ўрганиш усуллари лексик тамойил асосида этимологик таҳлил этилган. Хулоса қилиб айтиладиган бўлса, мавжуд икки объект бир хил номга эга бўлса-да, улар ифодалаган атокли отга хос маънолар фарқлаиб туради. Бу ерда ҳам топоасослар, ҳам объектлар қиёсланиб, бир хулосага келинган.

**Қизтоғ** (Қаш. в. Дехқонобод т. тоғ) топонимининг этимологик таҳлилини кўрсатиш ўринли. Топоним иккита маъноли қисмдан иборат: *қиз*, *тоғ*. Қадимги туркий тилда *қиз* сўзи *қуз* шаклида айtilган бўлиб, *тоғнинг қуёш нури тушмайдиған қисми* деган маънони ифодалайди (84,475-;162,315-;211,244-). Тоғ ернинг анча баланд бўлган қисми, қадимги туркий тилда бу сўз *та:ғ* ҳолатида айtilган (264, 351-;272,118-). Маълум бир даврдан сўнг сўздаги олдинги қатор *а:* унлиси орқа қатор лабланган *а* (*о*) унлисига алмашган (168,72-;272,425-;164,167-): *та:ғ > тағ > тоғ*.

Ушбу икки маъноли қисмлар бирикиб олдин бирикмани, сўнгра қўшма сўзни ва топонимлашув ҳодисасининг ономастик конверсия жараёни туфайли ономастик лексика сатҳига кўчиб, топонимга айланган: *қуз+тағ > қуз тағ > қуз тоғ > қузтоғ > қызтоғ > қизтоғ > Қизтоғ*. Бу ерда *у* унлиси *ы* унлиси (*у > ы*) га, *ы* унлиси эса *и* унлиси (*ы > и*) га (264,296-;206-), *а* унлиси *о* унлисига (*а > о*) ўтишдан иборат (264,169-) фонетик ҳодисалар рўй берган. *Баланд ва қуёш нури тушмайдиған тоғ* маъносидаги бу топонимнинг этимони *қуз та:ғ* кўринишидаги бирикма. Топонимнинг этимологик таҳлили географик ва диахрон усуллар билан фонетик тамойил воситасида амалга оширилган. *Қиз*, яъни *қуз* маъноли қисмли топонимлар эраизмнинг II, III, XV1 асрларида ҳам қўлланган (269,83-87-;84, 475-; 381,188а-).

**Қизкетган** (ҚҚР Нукус ш. мавзе) – топонимига оид иккита фараз бор:

1. Бу топоним ёшлигида касаллик ёхуд бирон бир бахтсиз тасодиф туфайли вафот этган қизларга нисбатан *хур кетди* маъносида **Қизкетган** деб аталган. Шундай қизлар яшаган ёки кўмилган жой **Қизкетган** деб номланган. Бу тарзда таҳлил қилиш халқ этимологияси саналади.

2. Бизнинг қарашимизча, топонимида учта маъноли қисм мавжуд: *қиз*, *кет*, *-ган* (350,570-;382-383-). *-ган* сифатдош шакли бирикма таркибидаги ўзақларни бирлаштиришда асосий боғловчилик вазифасини бажарган. Агар *кетмоқ* феълининг биринчи маъноси *бирор жойдан жўнамоқ* бўлса, бу бирикма таркибида ушбу сўз *қочмоқ* маъносида ишлатилган. Шунингдек, уни таҳлил қилиш учун Қорақалпоғистонда *қиз қочди* деб номланган халқ ўйини бугунги кунда ҳам анъанавий тарзда давом этаётганини ҳисобга олиш керак. Бу эса жой номининг миллий-маънавий қадриятларнинг бир кўриниши бўлмиш халқ ўйинининг ўзига

хос рамзий ифодаси эканлигини кўрсатади. Унда экстралингвистик омилнинг таъсири сезилиб турибди.

Бу топоним таркибида эга ва кесим муносабати аник сезилиб турибди: *қиз* - эга, *кетган* - кесим. Мана шу ҳолатда предикатив бирикма шаклланиб, топонимлашув ҳодисаси натижасида жой номига айланган. Унинг этимони *қиз кетган* предикатив бирикмаси.

**Қирққиз** (Сам. Ургут т.; Қаш. Китоб т. тена ва тоғ) – топоними иккита маъноли булакдан иборат: *қирқ* ва *қиз* (84,446- ва 449-). Ундаги *қирқ* сўзи миқдорни англатиб, нутқда қуйидаги маъноларда ҳам қўлланилади:

1. Пайт, вақт, чегара маъноси: *Қирқи бўлди. Чилласи чиқди. Қирқи тугасин. Қирқи чиқсин.*

2. Кўпликни, миқдоран ортикликни англатади. Сабаби, олдинги даврда кишилар одатда кўп қўллайдиган сон сўз туркумига оид сўзлар қуйидагилар бўлган: *бир, уч, беш, етти, йиғирма, қирқ. Қирқ* сўзи берилган сўзларнинг сўнггиси. Демак, унда *қирқ* сони билан бирга *кўп миқдор* деган маъно бор.

3. Бу сўз таркибида фонетик ўзгариш рўй бериб, шу ҳолга келиб қолган: *қир* > *қирқ* (211,246-). Бунда қ ундош товуши ортирилган.

4. Қирқ сўзи этноним. Маҳмуд Кошғарий *қирққиз* деган этнонимни кайд этган (162,426-).

5. Қирқ сўзи омоним сўз: *Қирқ* – сон (350,583-), *қирқ* – феъл (қирқмоқ).

Жой номидаги *қирқ* сўзи феъл сўз туркумига оид эмас, балки сон сўз туркумига хос сўз. Вақт ўтиши билан бу сўз этнонимга айланган: *қирқ* > *қирқ. Қирқ* этноними қипчоқларнинг бир бўғини. *Қиз* сўзи олдин кўз шаклида бўлиб, *тик баландлик* маъносини билдиради (211,246-). *Қирқ* сўзига *қиз* сўзи қўшилиб, атрибутив бирикмани шакллантирган: *қирқ + қиз* > *қирқ қиз*. Сўнгра қўшма сўзни ҳосил қилган: *қирқ + қиз* > *қирқ қиз* > *қирққиз*. Ҳосил бўлган қўшма сўз топонимлашув ҳодисасининг ономастик конверсия жараёни туфайли жой номига айланган: *қирққиз* > **Қирққиз**. Топоним *тик баландликлари кўп бўлган қирлик* маъносини англатади. Бундай тарзда номланган объектлар кўпроқ тоғли худудларда учрайди. Бивобарин, **Қирққиз** жой номининг этимони *қирқ қиз* сўз бирикмаси.

**Қишлиқ** (Қаш. в. Китоб, Қамаш ва Шаҳ. т. қ.) – топоними иккита маъноли қисмдан иборат: *қиш. -лиқ*. Маҳмуд Кошғарий бу сўзнинг *қишлиқ* уй ва *қиш учун тайёрланган ҳар бир нарса* маъноларини кўрсатган. Улардан *қишлиқ уй* маъноси топоним таркибида келган. Ўзақ ва қўшимчанинг бириктишидан ҳосил бўлган *қиш + -лиқ* > *қишлиқ* сўзи *қиш вақтида яшайдиган жой, қишлайдиган макон* маъноларни ифодалайди. Т. Нафасов унинг келиб чиқишини *қишлиқ* уруғига боғлаган (211,247-). Ясама сўз объектни номлашга эҳтиёж туфайли уруғ номига, яъни этнонимлашув туфайли этнонимга қўчган: *қиш + -лиқ* > *қишлиқ* > *қишлиқ*. Мазкур этноним *қишлайдиган жойда яшайдиган уруғ* маъносини англатади.



Вақт ўтиши билан топообъектни номлаш эҳтиёжи ва жой номининг мотивлашуви туфайли ономастик конверсия натижасида уруғ номи топонимга кўчган: *қиш* + *-лиқ* > *қишлиқ* > *қишлиқ* > **Қишлиқ**. Ушбу топоним *қишлайдиган жой ва шу ерда яшовчи қишлиқлар* гуруҳининг номини, яъни этнонимни англаган этнотопоним саналади. Унинг этимологик таҳлилида топонимларнинг таркибини ўрганиш усули маъноли қисмларни кўрсатишда ишлатилган. Топонимнинг этимони *қишлиқ* этноними бўлса, бу этнонимнинг этимони эса *қишлиқ* ясама сўзи.

**Қовункесди** (Анд. в. Марҳамат т.; Сам. в. Қўшрабат т. дала) – топоними тўртга маъноли қисмга эга: *қовун*, *-ни* (белгисиз ҳолда), *кес*, *-ди*. Ушбу объектли бирикма амалда бу тарзда қўлланган: *қовун* + *-ни* > *кес* + *-ди* > *қовунни кесди*. Вақт ўтиши билан бу бирикманинг маъноли қисмлари орасидаги грамматик алоқа йўқолиб, у бир тушунчани ифодалайдиган қўшма сўзга айланган: *қовунни кесди* > *қовункесди*. *-ни* топоформантининг эллиписига учраши одатий ҳоллиги эътиборга олинса, **Қовункесди** кўринишидаги топоним таркибида ҳам тушум келишиги қўшимчаси тоноформант сифатида белгисиз қўлланган.

Мазкур топонимнинг этимони унинг шаклланиши учун асос бўлган *қовунни кесди* объектли бирикмаси. Дехқончилик билан боғлиқ урф-одат бўлган *қовунни кесмоқ* ушбу топонимнинг номланишига экстралингвистик омил бўлиб хизмат қилган.

**Қозонкетган** (ҚҚР. Бўзатов т. марказининг номи) – топоними тўртга маъноли қисмдан ташкил топган: *қозон*, *-га*, *кет*, *-ган* (350,593-; 349,382-383-). Унинг келиб чиқиши ҳақида тўрт хил фараз бор:

1. Жой номининг етакчи қисмларидан бўлган *кетган* сўзи топонимлашув ҳодисасига чарчаб рўй берган ўзига хос грамматик форма яслишининг бир кўриниши ҳисобланади: *кет* + *-ган* > *кетган*. *Қозон* овқатларни пишириш учун ишлатиладиган махсус идишлардан бири бўлиб, ҳажман катта, ўртача кўринишларга эга бўлган. Мазкур идишлар ясаладиган жой ёхуд шундай идишларни ясайдиганлар савдо қиладиган объект номланиш жараёни талабларига асосан **Қозонкетган** деб аталган. Объектнинг номланишида *негативлик* жараёни эътиборда бўлганлигини таъкидлаш ўринли. У то топонимга ўтгунча предикатив бирикма ҳолатида бўлган: *қозон кетган*. Номланиш жараёни ва ономастик конверсия туфайли у жой номига кўчган: *қозон кетган* > **Қозонкетган**.

Жой номи таркибидаги *-ган* топоформанти бирлаштирувчилик вазифасини бажарган, чунки *-ган* топоформанти бўлмаса, икки тополексема ўзаро бирлашиши мумкин эмас эди. Бу ерда *биринчи алмашинув қонуни* рўй берган, яъни ономастик конверсия жараёнида турдош сўз аниеллятив лексикадан ономастик лексикага сатҳига ўтиб, жой номи вазифасини бажариб келган.

2. Жой номи таркибидаги биринчи маъноли қисм фонетик ўзгаришга учраган, унга *кетган* сўзи қўшилган: *гозинг кетган* > *гозин кетган* > *қозин кетган* > *қозон кетган* > **Қозонкетган**. Бу фикрда лингвистик (фонетик) асос бор, аммо экстралингвистик асоси йўқ. Шунинг учун юқорида қайд этилган фикрга қўшилиб бўлмайди.

3. Топоним таркибидаги *қозон* сўзи (267,34-42-) *қазилган* маъносидаги *қазгон* ясама сўздан шаклланган: *қазган кетган* > *қозган кетган* > *қозгон кетган* > *қозон кетган* > **Қозонкетган**. Фонетик ўзгаришлар натижасида *а* > *о* га айланган, *г* ундоши эса тушиб қолган. Унинг этимони *қазган кетган* бирикмаси. Мазкур фикрга қўшилмаймиз, чунки феъл сўз туркумига оид сўзнинг фонетик ўзгаришлар билан от сўз туркумига айланиши кам учрайдиган ҳодиса.

4. Ф. Г. Сатторов **Қозон** топоними ҳақида бир неча фаразларни илгари суриб, улардан *қазилган* маъносидаги *қазган* ва *овқат тишириши* учун *ишлатиладиган идиш* маъносидаги *қозон* сўзини **Қозон** топонимининг шаклланиши учун асос бўлган сўзлар сифатидаги тахминни илгари суради (267, 34-43-). Демак, *қазилган* маъносидаги *қазган* (162,411-) сўздан товуш тушиши (*з*) ва товуш ўзгариши: *а* > *о* (275,10-) натижасида *идишни номловчи қозон* сўзи юзага келган: *қазган* > *қазгон* > *қазон* > *қозон*. Идешнинг номини ифодаловчи *қозон* сўзи ономастик конверсия жараёни туфайли ономастик лексика сатҳига кўчиб, жой номига айланган: *қозон* > **Қозон**. Булар топонимнинг биринчи маъноли қисми ҳақидаги фикр.

**Қозонкетган** топоними **Қозон** шахрига кетилганликни ифодалаган: *қозон+га* > *кет+ган* > *қозонга кетган* > *қозонга кетган*. Ушбу ҳолда жой номи таркибидаги *-га* топоформанти эллипсисга учраган: *қозон+га* > *кет+ган* > *қозонга кетган* > *Қозонга кетган* > **Қозонкетган**.

Тўрттала тахминда ҳам маълум асос бор. Биринчи фаразда *қозон тайёрловчилар* тўғрисида гап борган бўлса, иккинчи тахминда *гозинг бошқа жойга кетиши* билан боғлиқ жараён асосида топообъектнинг номланиши қайд этилган. Учинчи фаразда **Қозон**, **Қозонкетган** топонимларининг шаклланиши ҳақида тўхталилган. Кейинги тахминда эса қўшни элларга бориб, савдо-сотик қилувчилар ҳақида ишора бор. Шунингдек, *қорақалпоқлар* бошқа халқлар билан қадимдан ҳамкорликда яшашган. Бизнингча, сўнгги тахминда лингвистик омиллар билан бирга экстралингвистик омиллар ҳам ўзаро мос тушган. Демак, **Қозонкетган** топоними учта эмас, тўртта маъноли қисмдан ташкил топган: *қозон*, *-га*, *кет*, *-ган*. Унинг этимони *қозонга кетган* кўринишидаги объектли бирикма бўлади. Номланишда неготивлик жараёни амалда бўлгани учун топоним объектли бирикмадан шаклланган жой номларидан бири саналади. Бу эса топонимнинг этимологик таҳлилига диахрон усулда ҳам қараш шартлигини тасдиқлайди.

**Қонжи али** (Сур. в. Жарқўрғон т., Қаш. в. Шах., Чир., Китоб, Фузор т. к.) топонимининг келиб чиқиши ҳақида икки хил талқин бор:

1. Топоним учта маъноли қисмдан иборат: *қон(қоон), жига, -ли*. *Қон* сўзи *давлат бошлиғи, ҳукмдор* деган маъноларни ифодалайди (80,417-;246,401-): *қоон > қон > хон*. Т. Нафасов топоним таркибидаги *жига* сўзини фор-тожик тилидаги «*бош кишим устига тақилиб, юсак лавозим эгаси эканлигини билдирувчи белги, байроқ, қадимда арава, қора уй устига тақилган туғ - латтали нишон*», деб кўрсатган (211,235-236-). Бу фикр бошқа манбада ҳам бор (349,283-). *Қоон жигаси*, яъни *хоннинг жигасини тақиб юришга лойиқ кўрилган нуфузли туркий уруғ* номини билдиради. Бу топоним эллиписга учраган ҳолда қуйидагича шаклланган: *қооннинг жигали кишиси > қоннинг жигали кишиси > қон жигали > қонжигали > Қонжиғали*. Топонимнинг этимони *қооннинг жигали кишиси* бирикмаси.

2. Агар топонимнинг шаклланишига диахрон усулда лисоний жиҳатдан ёндашилса, бошқа манзарани кўриш мумкин. Унинг маъноли қисмларидан бири бўлган *жига* сўзи тарихан *йиг* сўзига –а қўшимчасининг қўшилиши билан ўзгаришга учраган шакли бўлиб чиқади: *йиг+а*. Сабаби, *й* товушининг *ж* товушига ўтиши (*й > ж*) туркий тилларда учрайди (264;51-53-), ҳозирги кунда бу фонетик ўзгариш ўзбек тилининг шеваларида мавжуд. Аммо *йига* сўзи *жига* сўзининг ўзи эмас, бошқа сўз саналади.

Туркий қабилалардан бири бўлган кипчоқ қабиласининг илк яшаган жойи Дашти Қипчоқ эканлиги ҳисобга олинса, топоним таркибидаги *жига* сўзи фор-тожикча *жига* эмаслиги ва икки сўздан иборатлиги аён бўлади. Булардан англашилиб турибдики, мазкур топоним қуйидаги шаклланиш жараёнини бошидан кечирган: *қоннинг+йиг+гани > қоннинг йиггани > қонжиггани > қонжигани > қонжигали > Қонжиғали*. Топоним шаклланаётган вақтда *қан* сўзига қараткич келишиги қўшимчаси –нинг қўшилган, кейинчалик у эллиписга учраган. Шунингдек, иккинчи сўздаги *н* ундошининг *л* ундошига ўтиши ҳам рўй берган: *н > л*. Бинобарин, топоним *хон йиққан, хон томонидан йигилган* маъноларини ифодалайди. Ҳақиқатан ҳам, қадимги даврда хон, давлат бошлиғи ўз фикри, салоҳияти билан кишиларни атрофига йиққан. Ушбу топоним олдин туркий этнонимлардан бирининг номи бўлиб, кейинроқ этноним топонимлашув ҳодисасининг топонимик деривация жараёнида объектнинг номига айланган: *қоннинг +йиг+гани > қоннинг йиггани > қонжиггани > қонжигани > қонжигали > Қонжиғали*. Унинг этимони *қон(хон)нинг йиггани* ёки *қон(хон) йиггани* кўринишидаги бирикма бўлиб, ундан *қонжигали* этноними шаклланган.

Бизнингча, иккала талқин ҳам мазмунан ўзаро бирлашади. Сабаби хоннинг жигасини тақиб юрадиган нуфузли уруғ вакиллари бошчилигида, албатта, маълум кишилар гуруҳи мавжуд бўлган. Уларга кишиларни

бошқарадиган маълум бир имкониятлар берилган. Шундай имкониятлар эгаси, хоннинг ишончли ва яқин кишилари ҳисобланган. Хоннинг йиққани (*қон (хон)нинг йиқгани*) унга доим содик бўлган, бу жой номининг шаклланиши учун бирламчи жараён. Хоннинг содик кишилари эса юксак лавозим эгаси эканликларини билдириш учун бош кийими устига тақилладиган *белги* -- *жизани* тақиб юришган, бу топонимнинг юзага келиши учун иккиламчи жараён саналади. Демак, топонимнинг шаклланишига иккинчи талқин бирламчи жараёни, биринчи талқин эса иккиламчи жараёни ифодалаб, бир бутунликни англатган.

**Қорасув** (Тош. ш.; Қаш. Шах. т.; Сам. в. Жомбой т.; Фар. в. қ., дарё, маҳалла, мавзе) топонимини мисол қилиб келтириш мумкин. Мазкур жой номи иккита маъноли қисмдан ташкил тоingan топоним: *қора* ва *сув*. Ер тағидан чиқадиган сувни халқ *қора сув* деб атайди. Мана шу аталиш жой номининг номланишига асос бўлиб хизмат қилган. Ердан чиқаётган сувнинг *қора сув* деб аталиши одағий ҳол бўлиб, шу *қора сув* бирикмаси топонимлашув ҳодисасининг ономастик конверсия жараёни туфайли топонимга айланган. А. Н. Кононов *қора* сўзи белги билдириш билан биргалликда, яна *катта*, *кучли*, *тоза*, *ер*, *шимол*, *қудратли* ва *улуғ* каби маъноларга эгаллигини кўрсатиб ўтган (140,72-89-;141,159-179-). Ҳ. Ҳасанов **қорасув** топонимини «*Булоқ суви, текис ерда секин оқади. Шоҳ-шабба, ҳашак оқиб келаётган сув ҳам қорасув, дейилади*», деб изоҳлаган. У географик номлар таркибида учрайдиган маҳаллий терминлардан бири (374, 50-,118-). Шу билан бирга, тоғ бағри ва этакларидан бошланувчи гидронимлар ҳам **Қорасув** деб аталган.

**Қорасув** деб номланган топообъектларни кузатиб, бу сўз бирикмасининг ономастик конверсия жараёни туфайли апеллятив лексика тизимидан ономастик лексика тизимига ўтганига анча вақт бўлганини билиш мумкин. Қайси бир **Қорасув** жой номини сўраб-суриштирманг, аҳоли уларнинг номланишини бир-неча аср олдинги вақтга, энг камида бир асрга боғлайди.

Т. Нафасов унда *йилнинг барча фаслларида бир хил миқдорда лойқа сув оқадиган гидроним* деган маъно мавжудлигини кўрсатган (211,253-). Фарғона, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида учрайдиган бу гидронимлар худди шу маънони беради. Демак, *қора* сўзи *белги билдирувчи (ранг)*, *ердан сизиб чикувчи* ва *кўп миқдорда оқадиган сув (ҳажм)* каби маънолари билан **Қорасув** топоними таркибида тополексема сифатида қўлланган. **Қорасув** топоними мамлакатимизда кўп тарқалган жой номларидан бири саналади. **Қорасув** (Тош. ш., Қаш. в. ва Сам. вилоятларида) топоними (у гидроним ва ойконим бўлиб келади)нинг этимони ердан сизиб чиққан сув маъносига *қора сув* бирикмаси саналади. Фарғона водийсидаги **Қорасув** гидроними эса ердан сизиб чиққан сув маъносини ифодаламайди, балки *катта* ва *кўп сув оқадиган гидроним* маъносини англатади. Бу ҳақида А. Н. Кононов махсус тўхталган (159,159-179-).

Топоним кўп қўллангани учун унинг маъноси билиниб тургандай бўлади. Аслида эса унинг маъносини тадқиқ этиш билан билиш мумкинлиги юқоридагилардан сезилиб турибди.

**Қорақум** (Бух. в. чўл) – топонимнинг шаклланиши ҳақида қуйидаги тахминлар бор:

1. Х. Ҳасанов бу топонимни *ғарбий қум* деб атайди. (379,118-).

2. А. Н. Кононов уни *шимолий чўл* маъносида изоҳлаган (141,166-).

3. Топоним иккита маъноли қисмдан иборат: қора, қум. Икки ўзақ морфема олдин бирлашиб, сўз бирикмасини ҳосил қилган: *қора+қум* > *қора қум*. Сўнгра сўз яшашнинг композиция усули билан ясалган қўшма сўз топонимик деривация жараёнига асос бўлган: *қора қум* > *қорақум* > **Қорақум**. Шу ўринда қора сўзи бошқа топонимлар таркибида ҳам кўп учраши ва ўзидан кейин келадиган сўзлар билан бирикиб, турли хил маъноларни англатиши илмий манбаларда берилганлигини эъгиборга олиш шарт (140, 72-89-;360,174-,181-;346,59-;277,24-31-). Масалан, К. Шониёзов мазкур сўзда *буюк, улуг* деган маънолари мавжудлигини ўзбек халқининг шаклланиши мисолида далиллар билан кўрсатган (336,14-15-,429-430-). Бу ҳолда топонимнинг келиб чиқишини икки хил талқин қилиш мумкин:

1) Мана шу сўз топонимда *ранг* маъносини куёшнинг ботишидан олдинги пайтда кўринадиган *қорамтир қум* ҳолатида ифодалаган. Бу топоним шу икки тополексеманинг бириқиши ва ономастик конверсия жараёни туфайли юзага келган: *қора+қум* > *қора қум* > *қорақум* > **Қорақум**. Мазкур топоним *ўтиш ҳам, юриш ҳам қийин бўладиган қорамтир қумли катта чўл* деган маънони ифодалаган;

2) мазкур топонимдаги қора сўзи *буюк, улуг* маъноларини ифодалаши (315,14-15-,429-430-) унинг *улуг* ёки *катта қумлик* маъносини англатишига далилдир. Бизнингча, иккинчи талқин анча ишончли. Сабаби, бу объект номланган вақтда, яъни ўтмишда қумликнинг чегараси чексиз бўлган. Топонимнинг биринчи талқини эса бугунги кун нуқтаи назаридан баён қилинган. Иккала талқин учун ҳам этимон апеллятив лексикадаги *қора қум* бирикмаси саналади.

Шу ўринда **Қорасув** (Нам., Фар.в. дарё; Қаш. в. Шах. т. дарё ва қ.; Тош. ш. арик ва мавзе ) гидроними ва топоними тўғрисида тўхталиш лозим. Ундаги *қора* сўзи ҳам *катта, улуг, буюк* каби маъноларни англатади (277,24-31-;336,14-15-,429-430-). *Сув* апеллятиви аслида дарё маъносини билдирган, аммо *қора* сўзи билан бирлашиб, топонимни ҳосил қилгач, унга дарё индикатори қўшилган: *қора + сув* > *қора сув* > *қорасув* > **Қорасув** + *дарё* > **Қорасув дарё**. Демак, топоним *улуг ва катта сув оқадиган дарё* маъносини билдиради. Унинг этимони *қора сув* бирикмаси. Бизнингча, бу топоним аввал гидронимга, сўнгра ойконимларга ном сифатида берилган.

**Қоракисмоқ** топоними учта маъноли қисмдан ташкил топган: *қора,*

қис, -моқ. Қора сүзи рангни англатади. Қисмоқ сүзи эса қисилган леган маънони ифодалайди. Шу билан биргаликда бу сўзнинг яна куйидаги маъноси ҳам бор: *овқат қилаётганда қозоннинг тағига олиши ҳам қисмоқ* дейлади. Қисмоқ қозоннинг қаттиқ кизиби кетишидан ундаги масалликнинг маълум бир қисми куйиб, қозонга ёпишиб қолишидан ҳосил бўлган овқатнинг сал куйганининг номи: *қис+ -моқ > қисмоқ*. Қора сүзи *ранг, катта, буюк, улуғ каби* маъноларни ифодалайди (236, 50-53-;360,174-,181-;346,59-;277,24-31-;336,14-15-,429-430-). Топонимда бу сўз *катта, улуғ маъноларини бир бутун ҳолда ифодалаб келган*

Мазкур гидроним *доим лойқа бўлиб оқадиган сойлик ва шу сойликда чўккан катта лойқа* маъноларни англатади: *қора+қис+-моқ > қора > қисмоқ > қорақисмоқ Қорақисмоқ*. Бу топонимнинг этимони *қора қисмоқ* кўринишидаги предикатив бирикма.

**Қорателпак** (Сам. в. Ургут т. тепа) топонимида ушбу сўз *қора ранг ва нисбатан каттароқ* маъноларини ифодалайди. Сабаби, бош кийим бўлган телпакнинг ранги ҳар хил бўлиши табиий бир ҳол. Шунингдек, телпак тикадиганлар нисбатан катта телпакларни ҳам рангига қарамасдан *қорателпак* деб аташган. Бу топонимнинг этимони *қора телпак* бирикмаси: *қора + телпак > қора телпак > қорателпак > Қорателпак*. *Қора телпак кийган киши, қора телпакли кишилар яшаган жой* маъносида мазкур топонимнинг номланишида касб-хунар лексикаси етакчи восита ролини бажарган. М. Содикова *қора* сўзининг туркий тилларда *ранг, катта, баланд* каби маъноларга эгаллигини мисоллар воситасида баён қилган (277,24-31-). Топоним учун этимон *қора телпак* бирикмаси этимон бўлиб келган.

**Қорақўрғон** (Сам. в. Ургут т. қ.), **Қорақўл** (Бух. в. т.), **Қоратау** (ҚКР тоғ), **Қорақия** (Жиз., Анд. в. қоя) каби бир қанча топонимлар таркибида ҳам *катта, баланд* маъносидаги *қора* сўзи ишлатилади. *Қўрғон* сўзи ономастик ва апеллятив лексикада ҳам қўлланадиган ясама сўз ҳамда ономастик бирик. *Қўл* гидроним номи. *Тау* сўзи *тоғ* сўзининг фонетик жиҳатдан ўзгарган шакли. Қирғиз тилида *тоғ* сўзи *тоо* тарзида айтилади (139;156-). *Тик бўлмаган баландлик қия* дейлади, *қоя* сўзи эса *тик баландлик* ва *чиқиш анча мушкул бўлган жой* деган маъноларни ифодалайди. *Қора* сўзи XIV-XV асрларда ҳам географик номлар таркибида ишлатилганлиги ҳақида маълумот бор (49,137-138-).

Юқорида берилган жой номларининг этимонлари куйидагилар: **Қорақўрғон** топонимининг этимони катта қўрғон маъносидаги *қора қўрғон* сўз бирикмаси. Бу бирикма топонимлашув ходисаси оркали топонимга кўчган: *қора-қўрғон > қора қўрғон > қорақўрғон > Қорақўрғон*. **Қорателпак** (Сам. в. Ургут т. к.) топоними учун этимон *қора телпак* бирикмаси. **Катта, кенг қўл** маъносини ифодаловчи *қора қўл* бирикмаси **Қорақўл** (Бух. в. т.) топонимининг этимони саналади. **Катта, улуғ, тоғ** маъноларини англатувчи *қора тау*, яъни *қора тоғ* бирикмаси эса **Қоратау**

топоними учун этимон. *Узоқдан кўринувчи катта қия* маъносини ифодаловчи *қора қия* сўз бирикмаси **Қоракция** (Жиз., Анд. в. қоя) жой номининг шаклланиши учун этимон ролини бажарган.

**Қоратепа** (Қаш. в. Қамаши, Қарши, Касби т.; Фар. в. Ўзбекистон, Ёзёвон, Бувайда т.; Сам. в. Иштихон ва Ургут. т. тепа, к.) – топоними ҳақида икки хил фараз бор:

1. Жой номи иккита тополексемадан иборат: *қора, тепа*. Бу топоним таркибида қора сўзи *катта, баланд* маъноларида (277,24-31-) ишлатилган. Ушбу сўз бирикмаси топонимлашув ҳодисасининг ономастик конверсия жараёни натижасида семантик ўзгаришларга учраб, атрибутив бирикма қолипга топонимга айланган: *қора+тепа > қоратепа > Қоратепа*. Унинг этимони *қора тепа* сўз бирикмаси. Тоғдан пасгга тушилганда текислик ва сойликлардаги қишлоқлар узоқдан *қора тепалар* тарзида намоён бўлади. Бу қишлоқлар **Қоратепа** дейилган.

2. Топонимни *қаровул тепа* сўз бирикмаси асосида таҳлил этиш мумкин. Бунда сўзлар таркибидаги товуш ва бўғинларнинг талаффуз (-вул) жараёнида тушишини эътиборга олиш керак: *қаровул +тепа > қаровултепа > қаротепа > қоратепа*. Бунда биринчи бўғиндаги *а* унлиси ва иккинчи бўғиндаги *о* унлиси билан ўрин алмашган. Ушбу ҳолатда *қаровул тепа* бирикмаси мазкур топоним учун этимон бўлиб келган. Бизнингча, ушбу икки ҳолатда ҳам бирикмаларнинг топонимлашуви бир вақтда амалга ошган.

**Кудукча** (Сам. в. Пайариқ т.; ҚқР Хўжайли т., Қаш. в. Қамаши, Фузор т. кудук)– жой номи икки маъноли қисмга эга: *қудуқ, -ча*. *Қудуқ* сўзи апеллятив лексикада кўп қўллангани ҳолда ономастик лексикада кам қўлланадиган хусусиятга эга. Жойларга ном бериш жараёнида *қудуқ* гидронимик объектлар жумласига киради. У географик омил натижасида топоним вазифасини бажарадиган ҳолга келган. Албатта, қовлангандан кейин сув чиккан чуқурликлар *қудуқ* деб номланган. Унинг атрофи кичик ҳимоя иншооти билан тўсиб қўйилган. Ушбу сўзга диахрон планда қаралганда ўзгача ҳолатни кўриш мумкин. *Қудуқ* сўзининг шаклланишини асослайдиган қуйидагича қарашлар бор:

1. Мазкур сўзнинг шаклланишига *қудуғ* сўзи асос бўлган. Бу сўзнинг ўзаги *қуд* бўлиб, *-уғ* эса от ясовчи қўшимча. *Қудуқ* сўзи «*сув сол*» маъносидаги *қуй* феълининг қадимги туркий тилдаги *қуд* шаклидан ясалган: *қуд+уғ > қудуғ > қудуқ* (263,571-). Уни қуйидагича кўринишда бошқача талкин этиш ҳам мумкин. Қадимги туркий тилда *паст* маъносидаги *қуйи* сифатининг *қуды* шаклидан *-қ* қўшимчаси қўшиб *қудуқ* сўзи ясалган: *қуды+қ > қудуқ > қудуқ*. Демак, *қудуқ* сўзининг этимони *қуйи* сўзи. Бунга мисол қилиб, **Туркманқуйи** (Қаш. в. Муборак т. кудук ва яйлов) топонимини кўрсатиш ўринли (211,180-). Сабаби, бу топонимда қўлланган *қуйи* сўзи *қудуқ* маъносини билдирган.

2. Ушбу сўзнинг юзага келишида VII-X асрларда қўлланган *қузуг* сўзи асос бўлган. Чунки *қузуг* сўзи уша вақтларда *қудуқ* маъносини англатган (84,464-). Хулоса қилинадиган бўлса, *қузуг* ва *қудуқ* сўзларида қисман бўлса ҳам фонетик ўхшашлик бор. *Қудуқ* сўзининг этимони деб *қузуг* (*қудуг*) сўзини кўрсатиш мумкин. *Кичик сув ишооти, сув чиқадиған чуқур ер* маъноларидаги **Қудуқча** топонимининг этимони *қудуқ* сўзига *-ча* топоформангининг қўшилиши билан юзага келган *қудуқча* сўзи.

Бу топоним *қудуқ* сўзи билан юзага келган: **Қудуқ** (Қаш. в. Ғузур т.) гидроними топоасос бўлиб хизмат қилган: *қуд+уғ > қудуг > қудуқ > Қудуқ; қудуқ+ча > қудуқча > Қудуқча*. Демак, **Қудуқча** топоними **Қудуқ** гидронимининг *-ча* топоформантини қабул қилиб, топонимлашув натижасида **Қудуқча** гидроними юзага келган. Бу гидроним икки марта гидронимлашув ҳодисасини бошидан кечирган (242,49-):

1) *қудуқ > Қудуқ; 2) қудуқ+ча > қудуқча > Қудуқча*.

